OMINA KARIMOVA

# HUQUQSHUNOSLIK




TOSHKENT - 2007

*О.А.КАРИМОВА*

# Ҳуқуқшунослик

**Педгогика олий ўқув юртлари учун дарслик**

**ТОШКЕНТ – 2007**

*«Давлатнинг гуллаб яшнаши унда чиқарилган қонунлар ва уларга қандай амал қилишга боғлиқ»*

***Арасту – юнон файласуфи***

# КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонада ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас ҳолда фан, техника, маданият, жумладан таълим соҳаси дадил қадаимлар билан ривожланмокда. Шу йиилар ичида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва таълимнинг барча турларида «Ҳуқуқшунослик» фанининг давлат стандарти асосида киритилиши муҳим воқеалардан бири бўлиб қолди. Бу эса, таълимнинг барча жабҳаларида олдинга қараб мустақил холда қўйилган қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширлаётган ислоҳатларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орумизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади»[1], деган эди.

Мазкур дарслик кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда, бўлажак педагогларнинг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ёрдам беради деган умиддамиз.

Ҳуқуқшунослик фанининг асосий вазифасии демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти назариясини ишлаб чиқиш ҳамда барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш меъёрларини ўрганишдан иборат экан, педагог мутахассисларни тайёрлашда ушбу фан алоҳида ахамиятни касб этади. Чунки узлуксиз таълим тизимида жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларига адолат, эркинликка асосланган ҳолда ёндашиб, ҳуқуқий муносабатлар қандай тартибга солинишини ўрганишга талаб кучаймоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги, уларга белгиланганадиган жавобгарлик асослари ва ҳуқуқбузарликка нисбатан қандай жазо тайинлаши ва уларни қўллаш тартибини ўрганиш ҳақида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигини олидини олишда ҳам ҳуқуқшунослик фанидан олинган билим, кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади

Ушбу дарслик таълим тизимида вужудга келган фуқаролик, меҳнат, маъмурий, оила, житноят каби ҳуқуқий муносабатларни қандай ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинишини, шунингдек таълимнинг конститутциявий асосларини, таълим соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга

[1] И.А.Каримов Хавфсизлик ва бар=арор тара==иёт йылида. 6-том, Т., «Ызбекистон», 1998, 262-бет.

солинишини, педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини ва шу каби масалаларни ёритиб беради.

Муаллиф ҳуқуқ соҳаларининг назарий асосларига суянган ҳолда таълим тизимидаги ҳуқуқий муносабатларга катта аҳамият берди. Ушбу дарсликни ёзишда ҳуқуқшунос олимлар: О. Эшонов, М.Хакимов, Ш. З. Ўразаев, А. Аъзамхўжаев, Ҳ Бобоев, Ҳ. Раҳмонқулов, Ш. Шораҳмедов, М. Файзиев, М. Рустамбоев, М. Усмонов, А. Саидов, У. Таджиханов, Ҳ. Одилқориев, И. Зокиров, Ф. Отаҳўжаев, Р. Алимов ва бошқаларнинг китоб, рисола ва илмий мақолаларидан фойдаланилди.

Таълим тизимида фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлайдиган педагогика олий ўқув юртлари учун ёзилган ушбу дарсликда баъзи камчиликлар бўлиши мумкин. Ҳурматли китобхонларимизнинг дарслик тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини биз муаллифлар ғоят миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

# 1- боб. Давлат ва ҳуқуқ назарияси

## Мавзу: Давлат ва ҳуқуқ назариясига кириш

- Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети
- Давлат ва ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши
- Давлат ва ҳуқуқ назарияси услубияти
- Давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрни ва вазифаси.

### Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети

Назария сўзи – изланиш, ўрганиш маъносини билдиради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бу ҳуқуқий фан. У ҳуқуқ сохасига таълуқли хамма муоммаларни ўргатади. Бу фан ҳуқуқ сохаларига кириб боришга ёрдам беради. Ҳуқуқ сохаларини ўрганишдан аввол унинг назариясини билиш, ҳуқуқий хаётийликни ўрганиш лозим. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси тўғрисидаги умумлаштирилган назарий-услубий билимлар тизимини ифодалайди. У инсоният жамияти турмушининг мураккаб жиҳатларидан бирини ўрганади ҳамда давлат ва хуқуқ нима, унинг табиати нималардан иборатлигини тушунтирибгина қолмасдан, давлат ва хуқуқнинг иқтисодиёт, сиёсат, маданият, ахлоқ ва бошқа фанлар билан алоқасини ҳам кўрсатиб беради. Давлат ва хуқуқ назарияси ҳар хил давлат ва хуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини очиб беради, бошқа хуқуқий фанлар учун назарий негиз ҳисобланади, давлат-хуқуқ сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишига кенг таъсир кўрсатади, ҳуқуқий маданият ва юридик тафаккур асослари негизини яратади.

Давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг асосий ва умумий қонуниятлари, уларнинг моҳияти ва мақсади, вазифаси, жамият хаётидаги аҳамияти ва ўрни давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси баъзи олимлар хисоблаганидек, бир-биридан ажратиб қўйилган фан соҳалари эмас, балки яхлит фандир. Давлат ва ҳуқуқ уларнинг бирлигида ва ўзаро алоқадорлигида ўрганилади. Давлат ҳуқуқ тамойилларини ҳуқуқий нормада мустаҳкамлайди ва уларнинг рўёбга чиқишини таъминлайди, ҳуқуқ эса давлат ва унинг тузилмаси органларининг фаолиятини тартибга солади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ягона, яхлит фан бўлгани ҳолда иккита ички бўлинмага: **давлат назарияси ва хуқуқ назарияси** бўлинмаларига эгадир; улар ўз навбатида ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқнинг ижтимоий юридик назарияси каби умумий муаммоларни ҳосил қилувчи нисбатан мустақил гуруҳларга бўлинади. Бу умумий йўналишлар ўз навбатида янада хусусийроқ бўлинмаларга (хуқуқий кибернетика, хуқуқий психология, юридик техника назарияси ва бошқаларга) бўлинади.

## Давлат ва ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Давлат ва ҳуқуқ муамммоси инсониятни минг йиллардан бери, давлатчилик пайдо бўлган пайтдан бошлаб ўйлатиб келади. Бу қадимги мисрликлар, хиндилар, хитойлар, вавилонликлар, форслар, яҳудийлар, греклар, римликлар ва бошқа халқларнинг мифологик манбаларида ўз аксини топган. Бу миф ва афсоналарда ердаги барча тартиблар, ижтимоий ва давлат қурилиши, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари илоҳий келиб чиқишга эга бўлган умумжаҳон коинот тартибларининг ажралмас қисми сифатида қаралган.

Давлатга қарашда мифологик тасаввурлардан оқилона дунёқараш томон бурилиш Заратустри (қадимги Эрон, бизнинг эрамизгача бўлган 8-7 асрлар) ва Конфуций (қадимги Хитой, эрамизгача 6-5 асрлар) номлари билан боғлиқдир. Конфуций, масалан, давлатни катта оила сифатида талқин қилади. Бунда император ҳокимияти отанинг ҳокимиятига қиёсланади, ҳукмдорлар ва фуқароларнинг муносабатлари эса оилавий муносабатларга ўхшатилиб, кичиклар катталарга боғлиқ эканлиги таъкидланади. Конфуций ҳукмронликнинг аристократик шакли тарафдори бўлиб, оддий халқни давлатни бошқаришдан бутунлай четлаштиради.

қадимги Грецияда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввур жамият турли табақаларининг ҳокимият учун, ижтимоий адолатнинг тегишли шакллари ва нормаларини қарор топтириш учун кураши вазиятида шаклланади. Сиёсий ҳуқуқий нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихида уч давр ажралиб туради: илк давр (бизнинг эрамизгача 1Х-У1 асрлар), иккинчи давр (бизнинг эрамизгача У-1У асрлар), учинчи давр (бизнинг эрамизгача 1У-П асрлар).

Бутун қадимги грек давлати ва ҳуқуқ назарияси ва амалиётининг асосий саъй-харакатлари ва асосий предмети эркинлик ва ҳақиқат эди.

Лекин бу эркинлик ва ҳақиқат умумий бўлмай, унда қуллар эътиборга олинмас эди.

Ҳуқуқ ва адолатли ижтимоий тузум ғояси қадимги юнон давлатчилигининг илк даврида яшаган Гомер достонларидаёқ ўз аксини топди. Бу ғоя Гесиод достонларида янада каттароқ аҳамият касб этади. Спартанлик Хилон фуқаролар қонунга бўйсунадиган полисни энг яхши полис деб ҳисоблар эди. Адолатли қонунлар хукмронлик қилган давлат Пифагор ва унинг тарафдорларининг идеали эди. қадимги юнон фалсафий тафаккури гуллаб-яшнаган даврда яшаб ижод этган Демокрит инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини жаҳон тараққиёти табиий жараёнининг бир қисми деб қарар эди. У адолатнинг умумий фаровонлик учун кафолатини давлатда кўрди ва шу сабабли давлат манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйди.

Антик даврнинггина эмас, балки сиёсий ва хуқуқий таълимот тарихининг буюк мутафаккирларидан бири Платон давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарий тафаккурнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. У ўзининг «Давлат», «қонунлар» деб номланган диалогларида идеал ҳуқуқий давлатнинг ўзи англаган тушунчасини берди.

Платоннинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарияси Аристотель таълимотида янада ривожлантирилди. Аристотель давлатда эркин ва тенг кишиларнинг сиёсий муомалада бўлишлари воситасини кўрди.

қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури тарихи бутун бир минг йиллик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётдаги ўзгаришларни акс эттиради.

Унда аҳолининг турли табақалари:

- патрицийлар ва плебейлар;
- нобилитет (патрицийлар ва бадавлат полебейлардан) ва камбағаллар;
- оптиматлар ва популярлар (эркин қуйи табақа тарафдорлари);
- эркинликдагилар ва қуллар ўртасидаги кураш шароитида ривожланди.

Рим сиёсий-хуқуқий тафаккури Салон, Суқрот, Платон, Аристотель сингари қадимги грек файласуф олимларининг сезиларли таъсири остида шаклланади.

Бироқ қадимги Рим мутафаккирлари ўзларининг грек ўтмишдошларининг қоидаларини шунчаки ўзлаштириб олмадилар, балки уларни ижодий қўлладилар ва ўз даврининг ўзига хос шароитлари ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирдилар. Масалан, қадимги грек фалсафий тафаккури учун хос бўлган сиёсат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ғояси Цицерон талқинида янги ифода касб этди; унинг тасаввурида давлат оммавий-ҳуқуқий умумийлик сифатида намоён бўлади.

Мустақил фан-юриспруденциянинг вужудга келтирилиши қадимги грек тафаккурининг катта ютуқларидан бири бўлади. Римлик ҳуқуқшунослар давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасидаги сиёсий-хуқуқий муаммоларнинг кенг йиғиндисини ҳамда ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларини пухта ишлаб чиқдилар ва бу билан сиёсий хуқуқий таълимотларнинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатдилар.

Ўрта асрларнинг сиёсий-хуқуқий тафаккури динининг жуда катта таъсири остида шаклланиб ва ривожланиб, антик даврнинг бир қанча муҳим ғояларини ўз тарихий шароитларидан келиб чиқиб идрок қилди ва ривожлантирди. Масалан, илк ўрта асрларнинг илоҳиёт олими Фома Аквинский давлатнинг христианлик доктринасини ўз асарларида Аристотелнинг «Сиёсат» асари негизида ривожлантиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, давлат инсоннинг бирлашишга бўлган табиий интилиши натижасидир, лекин давлатчиликнинг қарор топиш тартиби оламнинг худо томонидан бино қилинишига ўхшашдир. Дастлаб нарсалар пайдо бўлади, сўнгра уларга хос бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда улар табақалаштирилади. Монарх эса худо сингари бу нарсалар уюмига уюшқоқлик ва тартиб беради, кейин эса уларни бошқара бошлайди. Ҳокимиятнинг моҳияти, Аристотелнинг фикрича, ҳукмдорлар билан бўйсунувчиларнинг муносабати тартибидир, бунда инсоният иерархиясининг юқорисида турган шахсларнинг иродаси қуйи табақаларни бошқариб боради.

Бу даврда Ўрта Осиё халқлари сиёсий-хуқуқий тафаккур тараққиётида катта ютуқларга эришдилар. 5-6 асрларда Ўрта Осиё худудида кўтарилган халқ қўзғолонининг йўлбошчиси Маздак таълимоти бу жиҳатдан қизиқиш уйғотади. Унинг одамлар тенглиги тўғрисидаги таълимоти кенг ёйилди. Ҳошим ибн Ҳошим (Муқанна) унинг ғояларининг издоши эди. 9-10 асрларда яшаган Абу Носир ал Форобий оқилона давлат тузуми тўғрисидаги тасаввурларга айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Уни Гегель Шарқнинг Афлотуни деб атаган эди.

Форобий ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамият ва давлат муаммолари ҳақида фикр юритди. Унинг «Фозил одамлар шахри», «қонунлар ҳақида китоб» («Китоб фи-л навомис»), «Бахт саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», («Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ал-саодат»), «Шаҳарни бошқариш» («Ас-сиёсат ал-маданият»), «Фазилатли хулқлар» («Ас-сийрат ал-фазилат») асарларида ижтимоий турмуш тўғрисидаги фан, унинг вазифаси, жамоат бирлашмаларининг келиб чиқиши, таркиби ва турлари баён қилинади, инсоният жамияти шакллари ҳақида сўз юритилади.

Олим шаҳар-давлат; давлат бирлашмасининг ўзига хослиги хусусиятлари ва турмуши; давлатнинг функциялари ва уни бошқариш шакллари; давлат бирлашмасининг вазифалари ва пировард мақсади; ялпи бирлашишга эришиш йўллари ва усуллари каби тушунчаларга аниқлик киритди.

Форобий давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолиятини одамларнинг бирлашишга бўлган табиий интилиши натижаси, деб қаради. У ҳар бир кишининг пировард мақсади бахт-саодатга эришишдадир, деб билди.

Лекин инсон ёлғиз ўзи бахт-саодатга ериша олмайди. Бунинг учун кўплаб кишиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати, зарур шарт-шароит яратадиган, одамлар фаолиятини йўналтирадиган муайян ижтимоий

ташкилот зарур. Давлат мана шундай ижтимоий ташкилот ҳисобланади.

Форобийнинг фикрича, давлат икки хил бўлади:

- биринчиси, фазилатсиз, хаёлий, ёлғон бахт-саодатга элтади. У ўз давридаги барча давлатларни мана шу турга киритган эди.
- Иккинчи хили «фозил», «идеал» давлат бўлиб, бундай давлат ҳақиқий бахт-саодатни таъминлаши мумкин. Олим бундай давлатнинг моделини «Фозил одамлар шаҳри» асарида кўрсатиб беради.

Идеал давлат, Форобийнинг фикрича, унда яшовчиларнинг бир-бирини тушунишга; инсонпарварликка, инсонга муҳаббатга, унда юксак ахлоқий қадриятларни кўришга, унинг ҳаётини яхшилаш учун интилишга асосланади.

Форобий давлатнинг одатдаги мавжуд бўлиши кўп жиҳатдан унинг қандай бошқарилишига боғлиқ деб таъкидлайди, шу сабабли у ҳукмдорнинг шахсига катта аҳамият беради. Ҳукмдор, Форобийнинг фикрича, муайян интеллектуал ва аҳлоқий фазилатларга эга бўлиши; бошқаришнинг умумий қонунларини билиши ҳамда ўз мамлакати одамларини ўз орқасидан эргаштира билиши, уларни тарбиялай олиши, уларни ялпи фаровонликка эришишга йўллай олиши керак.

Форобий доно ҳукмдор бошчилик қилган чекланмаган монархия тарафдори эди. Ҳукмдорнинг атрофида ақл-заковат эгалари бўлиши керак. Шу билан бирга Форобий, агар ҳукмдор зарур фазилатларга эга бўлмаса, давлатни жамоа бўлиб бошқариш ҳам мумкин деб билар эди. У бошқарувнинг демократик шаклини ҳам инкор этмас эди, лекин бундай бошқарувни таълим ва маданият даражаси паст бўлган давлатда мақбул эмас деб ҳисобларди.

Форобийнинг ижтимоий-сиёсий таълимоти Ибн Маскавит асарларида янада ривожлантирилади. Умумий бахт-саодат ва идеал ижтимоий бирлашиш ғояси Шарқнинг Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ва Абу Али ибн Сино каби қомусий олимларини ҳам илҳомлантирди.

Беруний фуқаролар томонидан навбати билан бошқариладиган давлатни идеал давлат деб ҳисоблар эди. Лекин ҳамма ҳам бундай навбати билан бошқариш ҳуқуқига эга бўлмайди, балки аслзодалар ва йирик ер эгаларигина бундай ҳуқуққа эга бўладилар, улар ҳам ҳар уч ойда алмаштиришлари керак.

Ибн Сино ҳам давлатни бирлашишга бўлган табиий зарурият деб ҳисоблар эди. У ўзининг «Китоб ал-ишарат ва т-Танбихат» асарида: «Агар барча юмушни одам бир ўзи бажарганида, бир киши-елкасига жуда оғир юк юкланган бўлур эди, демак одамлар ўртасида муроса бўлиши керак»,- деб ёзади.

У жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдали иш билан машғул бўлган, ишёқмаслик қораланган давлатни идеал давлат деб ҳисоблар эди. У доно ҳукмдорга катта умид билдирар эди. Бундай ҳукмдор давлатда идеал

ижтимоий тартиб ва ижтимоий адолат ўрнатилишини таъминламоғи зарур эди.

Форобийнинг прогрессив фалсафий ва ижтимоий сиёсий қарашлари Носир Хисрав ва Умар Хайём сингари машҳур ҳурфикрли мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишида муҳим манба бўлади.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ғоялар ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутади. А. Навоийнинг давлат тўғрисидаги қарашларининг асосий қоидалари унинг «Садди Искандарий», «Вақфия», «Ажам подшолари тарихи» асарларида баён қилинган.

У мамлакатдаги тарқоқликни, ўзаро урушларни кескин қоралади, донишманд ва адолатли, маърифатли хукмдор бошчилик қилган бирлашган давлат тузишга чақирди. Адолат, Навоийнинг фикрича, ҳукмдорнинг фазилатларини белгиловчи олий меъзондир.

Ўзи кофир бўлса ҳам адолатли шоҳ деб ёзади. У «Ҳамса» асарида мамлакатни гуллаб-яшнатади, золим шоҳ эса, гарчи мусулмон бўлса ҳам, мамлакатни хароб қилади.

Навоий ҳатто подшонинг сайлаб қўйилиши, унинг ҳукмдорлик вазифаларини чеклаб қўйилиши ғоясини ҳам илгари суради. Навоийнинг фикрича, подшо бирорта ҳам муҳим давлат масаласини донишманд, ақлли маслаҳатчиларнинг рухсати ва розилигисиз ҳал этмаслиги керак.

Навоийнинг замондоши, форс-тожик адабиётининг классиги Жомийнинг идеал давлат тўғрисидаги тасаввурлари бирмунча бошқачароқ эди. У ўзининг «Искандарнинг донишмандлиги» китобида «на шоҳ, на ҳоким бўлмаган» бахтли шаҳар қиёфасини яратади.

Ўрта асрлардаги илоҳиётчи Абдул Ҳасан ал Мавридий ҳам адолатли давлат тузумининг тарафдори эди. У давлатни даҳрийлик асосига қуриш мумкин, лекин адолатсизлик асосига қурилган давлат қулашга маҳкумдир, деб ҳисоблар эди.

Ўзбекларнинг менгли уруғидан чиққан, узоқ вақт Ҳиндистонда яшаган буюк шоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил давлатнинг келиб чиқишини ўзига хос тушунтиради. Бедил ижтимоий-сиёсий муаммоларга ҳам катта эътибор берди. Бунда давлат абадий мавжуддир деган ғоядан келиб чиқди. Унинг фикрича, давлат инсоният жамиятининг бойлар ва камбағалларга, эзувчиларга ва эзилувчиларга бўлиниши натижасида келиб чиққан. Бойларнинг ғаразгўйилиги ва уларнинг ҳукмрон бўлишга интилишлари улар ўртасидаги урушларга ҳамда дастлаб майда, вақт ўтиши билан кудратли марказлашган давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай давлат мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади.

Бедил ҳам Навоий сингари оқилона давлат тузумини маърифатли ва адолатли ҳукмдор билан боғлар эди. Бундай ҳукмдор ўз халқи турмушининг яхшиланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак эди.

Жаҳон сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг янада ривожланиши феодализмнинг емирила бошлаши ва капиталистик муносабатларнинг

пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Туғилиб келаётган буржуазиянинг мафкурасида (бу мафкура уйғониш мафкураси сифатида машҳурдир) инсон, шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати муаммоси муҳим ўрин тутар эди. Илк буржуазия мафкураси давлат ва ҳуқуқнинг илоҳий назарияларига қарши чиқиб, ўзининг буржуа сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши учун асос тайёрлади. Унинг асосида диндан мустақил бўлган марказлаштирилган давлат ғояси ётар эди.

ХУ1-асрда кенг ёйилган деҳқонлар қўзғалонлари ва шаҳар камбағаллари ҳаракати сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Социал - утопистлар сифатида машҳур бўлган бўлган меҳнаткаш омма идеологлари Т. Мор ва Т. Кампанелла эксплуатацияга асосланган муносабатларнинг бутун тизимини қораладилар. Улар мол-мулкнинг умумийлигига асосланган муносабатларни муҳофаза қиладиган ва ривожлантирадиган, жамоа тузуми шароитида фаолият кўрсатадиган, шахсни ҳимоя қиладиган давлат тарафдори эдилар.

Сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ишлаб чиқилиши илк буржуа революцияларини тайёрлаш ва амалга оширишга ёрдам берди. «Табиий ҳуқуқ» ғояси янгича талқин касб этди. Унга «ижтимоий шартнома» тамойили қўшилди. Эндиликда эътиқод ва хатти-ҳаракатларда эркин бўлиш, мол-мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш, тенг ҳуқуқли бўлиш ва ўзбошимчаликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи одамларга табиат инъом этган неъмат сифатида қаралди. Инсон, индивид бутун ижтимоий оламнинг ибтидоси деб тан олинди. Табиий ҳуқуқларга эга бўлган индивидлар мажмуи жамиятнинг табиий ҳолатини ташкил этар эди. Пайдо бўлиши мумкин бўлган ноқулайликлар, хавфларни бартараф этиш учун одамлар бу ҳолатдан чиқишга, фуқаролик ҳолатига киришга қарор қиладилар, бунинг учун улар шартнома тузадилар ва шундай қилиб улардан юқори турган, якка бир шахсни ҳам, жамиятни ҳам ўз ичига олган давлатни ташкил этадилар.

Ижтимоий шартнома натижасида тузилган давлат тўғрисидаги тасаввур давлатнинг индивид ва жамият ҳаётига аралашувини чеклашни талаб қилиш, ҳукмдорлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни янгича қуриш учун асос берар эди.

Бу даврнинг сиёсий-ҳуқуқий тарихида голланд ҳуқуқшуноси Гуго Гроция, унинг замондоши буюк материалист файласуф Спиноза, инглиз мутафаккирлари Т. Гобс ва Д. Лок, француз маърифатпарварларининг вакиллари Вольтер, Монтескье, Дидро, Гольбах, Гельвеций, Жан Жак Руссо, Россияда эса А. И.Радишчев сезиларли из қолдирдилар.

Германияда буржуазиянинг ғоявий платформасини яратишга биринчи бўлиб ҳуқуқий давлат ғоясини фалсафий асослаб берган Имануил Кант киришди. Кантнинг тасаввурига кўра, давлат бу ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўплаб кишиларнинг бирлашмасидир. У умумий мажбурий қонунларга таянувчи буржуа ҳуқуқ - тартиботини феодал ҳуқуқсизлик ва қонунсизликка қарши қўйди ҳамда ҳуқуқий тартибни ўрнатишда халқнинг мустақиллиги ғоясини илгари сурди.

Давлат ва ҳуқуқ муаммоларига Гегель ҳам доимо эътибор берди. Бу муаммолар унинг сиёсий ва ҳуқуқий изланишлар тарихидаги салмоқли асарларидан бири бўлган «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида анча мукаммал ва батартиб ёритилади. Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг асоси ақлли ва ҳақиқий фикрларнинг ўхшашлигидадир. Давлатнинг ақллилиги унинг ҳақиқийлигидан иборат бўлса, ҳақиқийлиги эса ақллилигидан иборатдир. Феодал тузумнинг инқирозга учраши ва озодлик курашининг ўсиши Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишига кўмаклашди. Бу даврда янги прогрессив ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг йирик вакиллари орасида Аҳмад Маҳмуд (у кўпроқ Аҳмад Дониш номи билан машҳур) кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. У давлат ва ҳуқуққа илоҳий қарашдан воз кечди ҳамда феодализимни очиқдан-очиқ танқид қилди.

А.Дониш давлатнинг пайдо бўлишини ўзининг кўпчилик прогрессив ўтмишдошлари сингари кишиларнинг бирлашишга бўлган табиий интилишидан келиб чиққан ҳолда тушунтирди. Давлат,- деб қайд этади. А. Дониш,- халқ билан подшо ўртасида халқни талон-тарож ва ўғриликдан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган шартнома натижасида шаклланади. Шу сабабли халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш подшонинг энг биринчи вазифасидир.Бухоро амирлигида ҳукм сурган тартиб-қоидадан А.Донишнинг қатъий норозилигининг сабаби мана шундадир.

А. Дониш Ватани ва халқининг асрий қолоқлик ва адолатсизликдан халос бўлишини дастлаб амир томонидан ўтказилиши керак бўлган ислоҳотлар билан боғлади. Буислоҳтларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак эди:

♦ мамлакатнинг мустақиллигини таъминлай оладиган адолатли давлат тузумини ўрнатиш;
♦ давлат органлари тузилиши ва фаолият кўрсатишини ҳамда мансабдор шахсларнинг уларга бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш;
♦ қонунсизлик ва ўзбошимчаликка қонунийликни қарши қўйиш;
♦ деҳқончиликни ривожлантириш;
♦ ҳунармандларни ўз паноҳига олиш;
♦ олимларга ёрдам бериш ва бошқалар.

Бироқ ислоҳ қилиш билан боғлиқ бу таклифлар амир томонидан рад этилгандан кейин Дониш ижтимоий ва давлат тузумини янада қаттиқроқ танқид қила бошлади ва оқибат натижада амир ва унинг аъёнларига қарши халқ қўзғалони кўтарилиши тўғри бўлади деган фикрга келди.

А. Дониш мулкий тенгликка асосланган жамиятни мавжуд тузумга қарши қўйди. Ҳар бир киши хеч бир ортиқча нарсага эга бўлмаган ҳолда меҳнат қилиши керак. Тарих бундай қарашларнинг хом хаёллигини исботлади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожланишига катта таъсир кўрсатди. У дунё ва жамиятга клерикал қарашларга қарши чиқди. Фурқат Бухоро ва Хива ҳукмдорлари ҳокимиятнинг мустаҳкамлигига шубҳаланди, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқди. У фан ютуқларини шарафлади, нодонлик ва қабоҳатга қарши курашда уни асосий куч деб билди, феодал урушлар ва уруғлар ўртасидаги низолардан воз кечишга чақирди. Фурқат хонлик тартибларининг бекор қилинишини, черковнинг давлатдан ажратилиши ва халқни маданиятга, шу жумладан Европа ва рус маданиятига ошно қилишни мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигининг асосий шарти деб билди.

Х1Х ва 20 аср оралиғида яшаган ва ижод этган Ўзбекистон демократик тафаккурининг яна бир вакили Муқимий (Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа) нафақат феодал тартибларни, балки янгидан пайдо бўлган эксплуататорларни, Туркистондаги рус маъмуриятини танқид қилиб чиқди. Муқимий Фурқатдан фарқли равишдаислоҳотларга ишонмас эди. У мавжуд давлат ҳокимияти тўлиғича бойларга боғлиқ, улар халқ манфаатларини ҳеч қачон ҳисобга олган эмас ва олмайди деб таъкидлар эди.

ХХ аср бошида буржуа муносабатларининг ривожланиши, мустамлакачилик тартибларининг кучайиши, эксплуатациянинг феодал-патриархал ва капиталистик шакллари Туркистонда озодлик ҳаракатларининг ўсишига сабаб бўлди. Бу даврдаги таъсирчан ижтимоий сиёсий оқимлардан бири жадидлар ҳаракати эди. Унинг вакиллари ўз фаолиятларини маданий оқартув ишларидан бошлашиб, аста-секин сиёсий талаблар қўйишга ўтдилар.

Дастлаб жадидлар Европа намунасидаги маърифатли подшо бошчилигида ҳуқуқий давлат тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланиши, халқ фаровонлиги ва маданияти оширилиши зарурлигини тушунар эдилар. Жадидлар чекланган шаклларда бўлса-да, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўлишига рози эдилар. Одил суд, уларнинг фикрича, руҳонийлар қўлида бўлиши ва шариат қонун - қоидаларига асосланиши керак эди.

Кейинроқ, жадидлар харакатига миллий зиёлиларнинг европача таълим олган вакиллари келиб қўшилгач, жадидлар ўз сиёсий талабларини ўзгартирдилар. Улар шариатни ижтимоий ва давлат тузумининг ҳамда одил судловнинг асоси деб тан олиб, мавжуд тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш ҳамда халқ -демократик давлат ўрнатиш талаби билан чиқдилар. Жамиятнинг ўрта ва камбағал табақалари манфааатларини ифодалаш принципи бошқарувнинг асосига қўйилган эди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси унинг келиб чиқиши ҳақидаги янги билимлар билан бойишда давом этмоқда, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва функцияларида синфийлик ва умумижтимоий нисбатларининг қўшилиши юз бермоқда. Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясини баҳолашга янгича ёндашувлар зарур. Республиканинг ҳозирги ривожланиш босқичида

унда юз бераётган давлат ҳуқуқий жараёнлар, ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамияти муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Табиатни муҳофаза қилишда, сиёсатлаштиришдан қайтишда, маънавий ҳаётда, сиёсий йўлбошчилик ва муҳолифият ҳамда блшқа бир қанча масалаларда давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

## Давлат ва ҳуқуқ назарияси услубияти.

***Фанда метод (усул) деганда хақиқий борлиқни холис акс эттирувчи билимларни олиш учун қўлланиладиган илмий фаолият принциплари, қоидалари, усуллари тушунилади.***

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши; моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш; уларнинг мавжуд бўлиш шаклларини, қонуниятларини белгилаш ва шу асосда уларни такомиллаштиришга оид тавсияларни ишлаб чиқиш, уларнинг тарихий истиқболини белгилаш имконини берувчи диалектик ва тарихий материализим давлат ва ҳуқуқ назариясининг услубий (методологик) асоси хисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат-ҳуқуқ муаммоларини тадқиқ этишда диалектик ва тарихий материализмга таянган ҳолда билишнинг *тизимли-таркибий, қиёсий, тарихий, мантиқий, синергетик, социологик сингари усулларидан* кенг фойдаланади.

***Тизимли-таркибий усулга*** мувофиқ, ҳар бир давлат-ҳуқуқий ходиса, бир томондан, ички тузилмага эга бўлган ходиса, иккинчи томондан, бошқа тузилманинг элименти деб қаралади.

***қиёсий усул*** давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ва тартиботларни уларнинг аниқланган ва тадқиқ этилган умумий белгилари ва фарқловчи белгиларини таққослаш асосида тўғри тушуниш имконини беради.

***Мантиқий ва тарихий усуллар*** назария мазмунига кирувчи тушунчалар, таърифлар, категорияларни ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллигини белгилайди.

***Синергетик усул*** кўпгина давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни ўзи ҳосил бўлган, ўзи ташкил топадиган, тасодифий жараёнлар сифатида қараш имконини беради.

***Социологик усул*** кишиларнинг давлатга, ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқ қўлланиладиган органлар фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий соҳадаги харакатига, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш ва уларни бузиш сабабларига ҳақиқий муносабати тўғрисида холис тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда уни ўрганиш усуллари чамбарчас боғлиқдир. Усулнинг асосида назария ётади, бироқ назария тегишли билиш усуллари мавжуд бўлгандагина билиш предметининг ҳақиқий илмий манзарасини бериши мумкин.

## Давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрни ва вазифаси

Давлат ва ҳуқуқ фақат давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидангина ўрганилиб қолмасдан, балки фалсафа, иқтисодий назария, сиёсий социология, синергетика, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда тармоқ юридик фанларнинг бутун бир мажмуи томонидан ўрганилади.

Фалсафа, иқтисодий назария, социология, синергетика тафаккур, жамият, табиат тараққиётининг энг умумий қонунларини очиб беради, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ёритади ҳамда илмий негиз ҳосил қилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси мана шу негизга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуқнинг табиати, моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини очиб бериши мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси сиёсий-ҳуқуқий тартиботларни назарий билишнинг тегишли шаклларини ўрганувчи сиёсий фанлар тарихидан фарқ қилган ҳолда мана шу тартиботлар ва ҳодисаларнинг ўзини тадқиқ этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи юридик фанлар тизимини бошқаради. У давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг асосий қонуниятларини ўрганган ҳолда давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг теран муамммоларини, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, уларнинг функцияларини, жамиятдаги ўрнини, мақсадини қамраб олади, тармоқ юридик фанларнинг предметини эса давлат-ҳуқуқий воқеликнинг айрим жиҳатлари ташкил этади. Назария доирасида ишлаб чиқилган умумий тушунчалар тармоқ юридик фанларида ўзининг аниқ талқини ва изоҳини топади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси қуйидаги функцияларни бажаради:

- Назарий билиш функцияси. Унинг жараёнида давлат-ҳуқуқий ҳодисалар билиб олинади, мушоҳада қилинади, ривожланиш қонуниятлари ва истиқболлари аниқланади ва мана шу асосда илмий-асосланган прогнозлар ишлаб чиқилади.
- Методологик функция, яъни аниқ юридик фанларни йўналтиради.

## II- боб: Жамият, давлат ва ҳуқуқ

### Мавзу: Жамият ва давлат

- Жамият, давлат ва ҳуқуқ тушунчаларининг назарий асослари:
- Кишилик жамиятининг пайдо бўлишида уруғ-қабила шакллари:
- Давлатнинг вужудга келиши
- Давлатга хос белгилар
- Давлат шакллари
- Давлат функциялари

## Жамият, давлат ва ҳуқуқ тушунчаларининг назарий асослари

**Жамият тушунчаси.** Инсоният тарихида мураккаб ходиса сифатида жамият, давлат, ҳуқуқ тўғрисида турли фикрлар мавжуд бўлиб келган. Инсон яралибдики ҳар доим жамият билан алоҳида бўлиб, у жамиятдан ташқарида яшай олмайди.

Жамият инсонсиз мавжуд бўлмаслиги каби инсон ҳам жамиятсиз мовжуд эмас. Жамиятнинг юксалишида, ривожланишида, улкан ютуғларга эга бўлишда энг биринчи ўринни инсон эгаллайди. Инсон вужудга келиши билан у яшашга интилади, олдидаги тўсқинликларни, қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилади, изланади, тиришиб-тирмаланиб ҳаёт учун курашади. Бу кураш, яшаш жароёнида давлат, жамият инсонга ёрдам беради.

Инсон ўз фикр, ҳаёт тажрибаси арқоли жамиятда ўзининг яшаш тарзини, ҳуқуқий ҳолатини ўрнаниши зарурлигини билиб боради. Давлат идораларида ишловчи инсонлар маҳсус тартиб доирасида қонун - қоидалар кабул қилинишини амалга оширадилар. Бу қонун - қоидаларни хам инсон таклиф этади, давлат органлари тасдиқ қилади. Инсон жуда катта кучга, салохиятга эга.

Жамият эса одамларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлиги асосида ташкил топади, шаклланади, ривожланади. Жамият бугун бирлашиб эртага тарқалиб кетадиган уюшма эмас. Бу мустаҳкам, бир-бирига боғланган, доим яшаш имкониятига эга жамоа уюшмасидир. Жамоа эса инсонлардан ташкил топади. Демак инсон – жамият асосчиси. Жамиятни инсонсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсон вужудга келиши давридан бошлаб жамиятда ўз хулқи, юриш-туриш тартибини шакиллантириб борган. Одамларнинг биринчи муносабатлари тартиб, аҳлоқ қоидалари асосида намоён бўлган.

Жамиятда инсонлар маълум бир қизиқиш, эхтиёж, манфаатларга кўра бирлашадилар ва ўзаро муносабатда бўладилар. Жамиятда биологик қонунлар эмас, балки ижтимоий қонунлар амал қилади ва бу қонунлар инсонлар билан боғлиқ бўлади.

Инсон бирлашган жамият мураккаб, тобора ривожланиб, такомиллашиб борадиган оилавий, миллий, синфий, табақавий, диний, аҳлоқий муносабатларни келтириб чиқарадиган ижтимоий тараққиёт маҳсулидир.

Жамият илмий адабиётларда кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатлар тизими нуқтаи назаридан ўрганилади, унинг негизини иқтисодий муносабатлар ташкил этиш ва унинг асосида турли устқурмалар, маслан, сиёсат, давлат, ҳуқуқ, саънат, адабиёт ва бошқалар қурилиши эътироф этилади.

Жамият вужудга келганидан бошлаб бугунги кунга қадар ривожланиб келмоқда. Жамиятда турли ижтимоий ёки сиёсий вазифани бажарувчи ташкилотлар, уюшмалар, бирлашмалар пайдо бўлади.

Жамиятнинг биринчи табиий бўғини сифатида *оила* пайдо бўлган. Оила жамоаси қариндошлик муносабатларига асосланган. Оила жамоаси ташқи ҳужумдан ҳимояланиб, ҳарбий юришлар ташкил қилиш, жамоа бўлиб ов қилиш учун қариндошлик асосида йирик уюшмаларга бирлашиши мумкин бўлган. Секин-аста меҳнат, озиқ-овқат, оила-никоҳ муносабатлари вужудга келган.

***Кишиларнинг дастлабки уюшмаси умумий меҳнат, мулк, қон-қариндошликка асосланган ташкилотларга бўлинган. Бу ташкилий тузилиш уруғ деб аталган.*** Уруғ кишиларнинг шахсий уюшмаси бўлган. Уруғни обрў-эътиборли, иззат-хурматга сазовор шахс ижтимоий асосда бошқарган ва кишилар устидан ҳокимлик қилган. Ушбу ҳокимият ижтимоий ҳокимият бўлиб, жамиятни тартибга солади. Ҳокимият туфайли жамият ҳаётида содир бўладиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади ва улар маълум бир мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади.

Жамиятнинг илк даврида ҳокимиятнинг олий органи барча уруғ аъзоларининг йиғини, мажлиси бўлган. Уруғ раҳбари-оқсоқолнинг уруғга раҳбарлик қилиши имкониятлари чексиз бўлган. У зарур бўлганда уруғ аъзоларининг умумий йиғилишларида муҳим масалаларни ҳал қилган. Айрим қоида ва одат нормаларини бузганларга нисбатан чора кўрган.

Уруғларнинг кўпайиши, ҳаётнинг ривожланиши инсоният томонидан кашф этилган жамиятнинг янги тарихий босқичга ўсиб ўтишига олиб келди. Янги брсқичнинг ўзига хос хусусияти давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишидир.

***Æàìèÿò - (àðàá÷à «æàìèÿò» - æàìëàíãàí, áèðëàøãàí) êåíã ìàúíîäà: òàðèõàí қàðîð òîïãàí, ìóàéÿí ýҳòè¸æ âà ìàíôààòëàð àñîñèäà ўçàðî áèðëàøãàí ãóðóҳëàð, ñèíôëàð, қàòëàìëàð ôàîëèÿòëàðèíèíã ìàæìóèäèð. Òîð ìàúíîäà: èæòèìîèé ìóíîñàáàòëàðíèíã ìóàéÿí øàêëèäèð.*** Æàìèÿò âà äàâëàòíè àéíàí áèð íàðñà äåá қàðàìàñëèêê ëîçèì, æàìèÿò òóøóí÷àñè äàâëàò òóøóí÷àñèãà қàðàãàíäà àí÷à êåíã ìàúíîíè èôîäàëàéäè.

Давлат пайдо бўлгунига қадар жамиятда ижтимои ҳокимият бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий ҳокимият фақатгина уруғ доирасида амал қилган ва қон-қариндошлик уруғнинг иродасини ифода этган:

- Ижтимоий ҳокимият илк демократияга асосланган бўлиб, ўз-ўрнини бошқаришни амалга оширган:
- Ижтимоий ҳокимиятнинг органи бўлиб, оқсоқоллар, ҳарбий бошлиқларнинг уруғ йиғини бўлган.

Давлат пайдо бўлгунига қадар жамиятда муносабатлар ижтимоий нормалар билан тартибга солиниб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Ижтимоий муносабатлар урф-одат қоидалари билан тартибга солинган:
- Ижтимоий нормалар кишиларнинг онгида ва уларнинг хулқида намоён бўлган:

- ♦ Ижтимоий қабила ва уруғ аъзоларининг қизиқишини ифода этган ва уни ёзиб қўйилмаган:
- ♦ Ижтимоий нормалар асосан одат кучи билан таъминланган, шунингдек, ишонтириш (эътиқод) ва мажбурлаш чоралари билан амалга оширилган:
- ♦ Нормалар асосан тақиқлаш усули билан таъминланган.

## Кишилик жамиятининг пайдо бўлишида уруғ-қабила шакллари

Кишилик жамияти тараққиётидаги энг узоқ вақт, ҳозирги замон фани маълумотларига қараганда, икки миллион йилдан ортик вақт ҳукм сурган ибтидоий жамîà òóçóìè одамзоднинг пайдо бўлишидан то давлатнинг ташкил топишигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу вақтда хали давлат ва ҳуқуқ бўлмаган эди. Бу давр ибтидоий жамият деб номланган. Ёåêèí äàâëàò âà ҳóқóқíèíã ïàéäî áўëèø æàðà¸íè àéíàí øó äàâðäàí аста-секин шакиллана áîøëàíгàн.

Жамиятнинг асосий бўғини ва уни бошқаришнинг бирламчи шакли уруғ бўлиб, óíäà èøëàá ÷èқàðèø óðóғ àúçîëàðèíèíã áèðãàëèêäàãè ìåҳíàòèãà àñîñëàíãàí âà ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари, истеъмол маҳсулотлари ҳàìäà áàð÷à ìóëêëàð умумий áўëãàí.

***Уруғ бу экзогамия никоҳ тартиби ва қариндошликнинг бир омонлама (ота ёки она томонидан) ҳисобланиши билан, жамоавий меҳнат, ҳуддуднинг умумийлиги,ном ва од эътиқоднинг бирлиги, ижтимоий ҳаётдаги демократик тала тарибблари билан таърифланади***

Неолит инқилоби истеъмолчилар жамоасини ишлаб чиқарувчилар жамоасига айлантирди. Уларни ўтроқ турмуш тарзига ўтишга ва маълум ҳудудда жойлашишга тайёрлади. Уруғ жамоасида меҳнат тақсимоти, озиқ - овқат тақсимоти ва никоҳ-оила муносабатлари аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган эди. Тақсимот одамларнинг ёшига, жинсига ва бошқа белгиларига кўра амалга оширилар эди. Уруғ жамоасига уруғ оқсоқоллари бошчилик қиларди. Óëàð æамоанинг яхши яшаши учун шароитлар яратиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, ўлжа қилиб олинган маҳсулотларни тақсимотёàø билан шуғулланган. Ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли адо этган раҳбарларнинг жамоа ичида обру-эътибори ортиб борган.

Уруғчилик тузумида ҳокимият óðóғ æàìîàñèга тегишли эди. Биргаликда ҳаёт кечиришнинг ҳамма масалалари: ишлаб чиқариш фаолияти, уруш олиб бориш, диний маросимлар ўтказиш, кишилар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш ва бошқа жамоа ишлари уруғ аъзоларининг умумий йиғилишида қараб чиқилар ва ҳал этиларди. Уруғ аъзоларнинг мажлиси (умумий йиғилиши) унинг олий ҳокимият органи эди.

Оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқлар ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмасдилар, алоҳида бошқариш ёки мажбур этиш аппаратларига эга эмас эдилар ва уларнинг қўлларидаги ҳокимият бирдан-бир шахсий

маънавий обрўларига ҳамда барча уруғ аъзоларининг уларга бўлган ҳурматига таянарди. Жамоа йиғинида уруғ оқсоқолè ¸êè ҳàðáèé áîøëèқ, ўúíè барча ижтимоий ишларни бошқарувчи сайланарди. Уруғ оқсоқоллари ва ҳарбий бошлиқлар исталган вақтда умумий йиғилиш томонидан алмаштирилиши мумкин бўлган. Улар ўз функцияларини уруғнинг назорати остида амалга оширганлар. Уруғ йиғилишининг қарори унинг ҳамма аъзолари учун мажбурий бўлган. Оқсоқолнинг ўзи ҳам бошқа жамоа аъзолари каби жамоа анъаналарини, урф-одатларини, юриш-туриш қоидаларини сўзсиз бажариши лозим эди. Акс ҳолда, у ўз ўрнини бошқасига бўшатишга мажбур бўлар эди, яъни унинг ўрнига бошқаси сайланар эди.

Уруғ жамоасида ибодат қèëèø ва у билан боғлиқ урф-одатлар, диний маросимлар, анъаналар ва ахлоқ қоидалари юзага келган. Кишилар хулқ - атвор ва юриш-туриш қоидаларига риоя қилганлар. Бордию áó қоидалар бузилса, уíи бутун уруғ, унинг йиғилиши муҳокама қилар эди. қоидаларни бузган кишини изза қилиш, унга танбеҳ бериш, огоҳлантириш, уруғдан қувиб юбориш каби жамоат таъсир чоралари қўлланилган.

## Давлатнинг вужудга келиши

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва назорат қилиш, озик-овқат ва бошқа ресурсларни сақлаш, тақсимлаш, қўшни гуруҳлар билан айирбошлаш, ер участкаларини қайта тақсимлаш зарурияти керакли билимларга ва маҳоратларга эга бўлган махсус қатламларнинг ажралиб чиқишига олиб келган.

Бошқарувчилар фаолияти аста-секин ихтисослашиб доимий касбга айланиб борди. Èæòèìîèé ҳîêèìèÿò жамиятни бошқарувчилар - маъмурий оксуяклар, зодагонларнинг ҳукмронлигига айланди. Урушлар ҳимоя воситасидан қўшимча ишчи кучини қўлга киритиш воситасига айланди. Асирлар қулларга айлантирилди. Мулкий тенгсизлик билан бир қаторда ижтимоий тенгсизлик юзага келди.

Давлат бу маълум ҳудуда юқори ҳуммронликка эга ташкилотдир. Италиялик тафаккур Никкола Маккавелли (1469-1527) далатга stato (лотин тили status – статус) деган маъно берган. Аристотель – давлат ақл идроки, ҳақиқат, чирой ва умумий хузур-холоват,деган эди. Т. Гоббс – давлатни жаханномга тенг деб, унинг оғзидан олов чиқади, бурнидан тутун, нафаси кўмирни куйдиради, бўйнида куч бор ва унинг олдида дахшат хам ёрдам бераолмайди, деган эди.

Ўз мавқеларидан фойдаланиб тобора кўпроқ ер, мол - ìóëê, ҳарбий ўлжаларни эгаллаб ола бошлаган доҳийлар, лашкарбошилар, коҳинлар - руҳонийлар гуруҳи ажралиб чиқа бошлади. Уларнинг ҳокимияти шахсий манфаатни ҳимоя қèëèøãà, қуллар ва бошқарилувчиларни ушлаб туриш ва бўйсундиришга тобора кўпроқ хизмат қила бошлади. Доҳийлар ва лашкарбошилар ҳокимияти сайлаб қўйилмасдан, аста-секин мерос бўлиб

қола бошлади. Уларнинг атрофида доимий ҳарбий дружина жамлана бошлади.

Уруғчилик демократияси ўрнига ҳарбий демократия вужудга келди. Уруғ аъзолари бошқарувда иштирок этишда давом этдилар, лекин ҳукмронлик қилиш йўлбошчилар ва ҳарбийлар қўлига ўтди. Иқтисодиётда ва жамият тузилмасида юз бераётган ўзгаришлар кескин низоларни келтириб чиқарди. Уруғ-қабила ташкилоти шароитида уларни ҳал этиш имкони бўлмай қолди. Бошқа сиёсий ташкилот зарур эди. Мана шу сиёсий ташкилот давлат бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон тарихий, этнографик, археологик ва бошқа маълумотларнинг ёрқин гувоҳлик беришича, ибтидоий жамоа тузумининг табиий ривожланиши натижасида пайдо бўлган жамоа тепасида турувчи тузилмалардан давлат ташкил топган. Давлатлар тарихий тараққиётнинг нотекис ривожланиши натижасида турли қитъаларда ва турли халқларда турли вақтларда содир бўлган ҳамда асрлар äàâîìèäà, баъзан минг йиллаб давом этган.

Давлатларнинг ташкил топиши бу - инсониятнинг ибтидоий жамиятдан цивилизацияга ёриб ўтиши ýäè. Дунёда биринчи цивилизация ва давлатлар қадимги Шарқда милоддан аввалги IV-III минг йилликда ташкил топган. Марказий Осиё ҳудудида милоддан аввалги I йилликнинг бошларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлаган. Европанинг кўпгина халқларида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва давлатнинг ташкил топиш жараёни ўрта асрларда ниҳоясига етган. Африка ва ер юзининг бошқа баъзи жойларида то XIX-XX асрларгача давлатдан олдинги оила-уруғ муносабатлари яшаб келган ва бу ерларда давлатнинг ташкил топиши табиий ривожланиш натижасида эмас, балки Европа мустамлакачилиги оқибатида вужудга келган.

Давлат яхши хам ёмон хам бўлмайди. У қонун во қоидаларга суянган холда одамлар, грухлар ўртасидаги келишмовчиликларни тартибга солиб туриш учун зарур.

Давлат жамиятнинг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан сиёсий функцияларни бажаради. Давлат жамият ривожининг муайян босқичида юзага келган бўлиб, у ўзининг шаклланиши ва ривожланишида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Дастлабки босқичда давлат энг аввало мажбурлашга асосланган. Демократия шароитида, яъни инсоният XXI асрга қадам қўйган бугунги êóíда давлат цивлизация талабларига мос тарзда ривожланмоқда. Давлат ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти ҳаётнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади.

Ислом Каримов давлат тушунчасига шундай таъриф беради: ***«Давлат инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилувчи ташкилотдир».***[1]

[1] .И.А.Ea?eiiâ. Êîíñòèòóöèÿ êóíèãà áà\èøëàíãàí áà\èøëàíãàí íóò=. “?ó=ó=-ïðàâî” æóðíàëèíèíã 1999 éèë ÿíâàð ñîíè.

Бугунги кунда ҳуқуқшунос, социолог олимлар давлат тушунчасини таърифлашда турлича ёндошмоқдалар. Уларнинг илмий ишларида, китобларида давлат тушунчасига янгича қараш вужудга келган:

***«Давлат - суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари) ни яратишга қодир бўлган, оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир».***[2]

***«Давлат бу - муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган халқдир, давлат бу - инсонларнинг яшаш қоидаси шакли».***[3]

Давлат бу сиёсий ҳокимият ташкилотидир. У жамият ривожланишининг индустрлаштиришгача бўлган даврида (янги давргача) ҳукмрон синфнинг иродасини ифодалаган ва ҳимоя қилган. Индустрлаштиришдан кейинги даврда эса, давлат ҳокимият тепасида тóрган демократик кўпчилик ва халқнинг манфаатларини ифодалаган.

Жамиятда яшаш учун илк вужудга келган кишилар биргаликда яшаши шарт эди. Энди ҳайвонийликдан одамийликка ўтяётган инсонлар ташқаридан уларга келадиган зарбаларни енгиш, улар билан курашиш учун бирга яшашга мажбур эдилар. Зарбаларни қайтариш қуроллари, овқат топиш муаммолари одамларга осонлигича етиб келмаган. Илк инсонлар бошларидан қанчадан - қанча мусибатлар ўтказган.

Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан жамият бошқарувининг уруғ жамоа шакли муносабатларида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Милоддан аввалги VII-V минг йилликларида жамият ҳаётида йирик меҳнат тақсимотлари рўй бердики, бу чуқур оқибатлар келтириб чиқарди. Меҳнат тақсимоти чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажраб чиқди. Шу давргача ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қаторига сут, гўшт, жун, ёғ, тери каби маҳсулотлар қўшилди. Деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ихтисослашишнинг кучайиб бориши оқибатида меҳнат унумдорлиги ошиб борди. Бу воқеа неолит даврида юз берганлиги учун **неолит инқилоби** деб аталди. У ўзида ўзлаштирувчи иқтисодиётдан ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтиш даврини ифодалайди. Ишлаб чиқарувчи хўжалик уруғчилик жамоалари аъзоларининг нафақат энг зарур эҳтиёжларини қондирган, балки ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Экологик муҳит қулай минтақаларда (иссик иқлим, тупроқнинг ҳосилдорлиги, сув ресурслари) ўтроқ деҳқончилик жамоалари пайдо бўлган, аҳолининг сони ва зичлиги ўсиб борган.

Оила-уруғ гуруҳлари ажралиб чиққан. Áó äàâðàãè íèêîҳ âà îèëà ìóíîñàáàòëàðè îèëàíèíã ìàòðèàðõàë (þíî÷à - «îíà óðóғè») øàêëè áèëàí àæðàëèá òóðàäè. ßúíè óíäà à¸ëëàð ҳóқуìðîí ìàқåãà ýãà áўëãàí, ìóëê âà íàñàá îíà óðóғè áўéè÷à ўòãàí. Бир неча óйлар, чорва-моллари, ишлаб чиқариш мулкига айланиб борган. Жамиятда инсон онги, қарашлари, меҳнат ривож топган

[2] À.Ñàèäîâ, Ó.Òîæèõîíîâ. “Äàâëàò âà ?ó=ó= àñîñëàðè”. Òîøêåíò, 1999 éèë. 10-áåò.
[3] О.Io?aiiaäîâ. “?çáåêèñòîí äàâëàò÷èëèãèíèíã ?ó=ó=èé àñîñëàðè”. Òîøêåíò, “Àäîëàò” 1999 éèë. 12-áåò.

сари никоҳий муносабатларда ҳам ўзгаришлар юзага келди. Уруғчилик давриаа̀ матриархатдан патриархат (þîîí÷à - «îòà óðóãè») га ўтила бошланди.

Бу даврга келиб эркакларда топилган даромадларни оиласига, ўз хотини ва ундан туғилган фарзандларга олиб келиш туйғуси вужудга келди. Бу давр цивилизация деб аталиб, якка никоҳнинг келиб чиқишига асос бўлди. Моногам (þîîí÷à «áèð íèêîҳëèëè») оиланинг биринчи тарихий шакли патриархал оиладир. Бу оиланинг асосида ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа мулкларга эгалик отанинг қўлида эди. Неолит инқилоби туфайли келиб чиққан жараёнлар чуқурлашиб кенгайиб борган.

Металл эритиш ва металл қуроллар тайёрлаш ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиш омили бўлди. Темирдан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлов бериладиган ер майдонини кенгайтириш ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имконини берди. Металл асбоблар қуйиш ва кулолчилик ҳамда тўқимачиликнинг ривожланиши ижтимоий меҳнатда иккинчи йирик бўлинишга, ўúíè меҳнат тақсимотига олиб келди.

Деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб чиқди. Бу ҳунармандчилик ишлаб чиқариш буюмларини озик-овкат маҳсулотларига алмаштиришни келтириб чиқарди. Яъни **товар ишлаб чиқариш** пайдо бўлди. Товар ишлаб чиқариш ортиқча маҳсулотнинг кўпайишига, бойликнинг тўпланишига, мулкий тенгсизликнинг келиб чиқишига ñàáàá áўлди. Савдо-сотик, товар айирбошлаш ривожланди. Кишилик жамиятнинг бу тариқа ривожланиши учинчи йирик меҳнат тақсимотига олиб келди.

Ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан маҳсулотларни сотиш, айирбошлаш билан машғул бўладиган савдогарлар қатлами вужудга келди. Бу даврга келиб ер ҳам хусусий мулкка айланди. қўшимча ишчи кучига бўлган эҳтиёж ўсиб борди ва қулчилик ижтимоий тóзóмнинг муҳим қисмига айланди. Жамоа тузумининг ривожланиши натижасида янги оила-уруғ жамоалари вужудга келган. Бу эса анча йирик ижтимоий ташкилотлар - иттифоқлар (фратриялар) ва қабилаларнинг, қабилалар иттифоқининг пайдо бўлишига олиб келди. қабилалар ўз ҳудудига, номига, тилига (шевасига) диний ва маиший урф-одатларига эга бўлган.

Аста-секин қабиланинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, қабила кенгаши ташкил топа бошлаган. Унинг таркибига барча уруғларнинг оқсоқоллари (доҳийлари) кирган. қабила кенгаши аъзолари, қабила йўлбошчиси қабила аъзолари томонидан сайланган ва алмаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлатга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

***Давлат – мажбур қилиш кучига, яъни ҳокимиятга эга бўлганлар, ўз фу шунингдек, шу ҳудудида истиқомат қилувчи барча инсонлар арнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, бошқа давлатлар билан сиёсий, иқтисоиқтисодий, маданий муносабатга киришадиган мустақил сиёсий ташки тошкилотдир.***

## Давлатга хос белгилар

Давлат ўзининг ташкил этилиши, мақсад ва вазифалари бўйича ибтидоий жамиятдаги оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиқлари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимиятдан ажралиб турадиган белгиларига эга. Бо́лар:

- ♦ Давлат пайдо бўлган жамиятда **фуқаролар** давлат чегаралари доирасида маълум **ҳудуд**га бирлашадилар. **Давлат илк жамиятдан ҳудудий ташкил топиши билан фарқ қиларди.** Ҳудудий тузилишнинг биринчи босқичи шаҳар эди. Шаҳар одамларини қариндошлик асосида эмас, балки маълум ҳудудга кўра бирлаштирган. Давлат жамиятини бошқариш учун жилвни ўз қўлига олиш билан характерланади. Давлат жамиятда уруғлар, ҳалқлар миллатлар, синфлар ўртасида мавжуд бўлган ижтимоий тенгсизликни муросага келтириш, жамиятни ягона тузум сифатида сақлаб, идора қилиш учун хизмат қилиш сифатида вужудга келган.
- ♦ Ўзига хос оммавий ҳокимият - **давлат ҳокимияти**нинг пайдо бўлиши, яъни махсус билим ва маҳоратга эга бўлган бошқарувчилар қатлами юзага келади. Давлат аппарати дастлабки босқичлардаёқ кенг тармоқни мураккаб тизимга эга эди. У ўзини сақлаш ва фаолият кўрсатиш учун маълум манбаларга муҳтожлик сезган. Бундай манбалар солиқлар, йиғимлар ва бошқа тушумлар эди. Давлат асосида туғилган ҳар қандай жамият самарали бошқаришга муҳтож бўлиб, унинг кейинги ривожланиши шундай бошқаришни излаш билан боғлиқдир.

Давлат ўз вазифаларини бажариш учун одамларнинг бажариш учун одамларнинг алоҳида қатлами-давлат аппаратига эга бўлган. Бу муайян ҳокимиятга эга бўлган, яъни зарурият туғилганда мажбурлаш, зўравонлик ёрдамида аҳолининг бошқа табақаларини ўз эркига бўйсундириш, у ёки бу манфааларни таъминловчи кишилар гуруҳи бўлган. Бунинг учун ўзига хос давлат институтлари-судлар, турмалар, полиция, армия пайдо бўлган. Улар мажбурлашга мослаштирилган органлар эди.

- **Солиқларнинг мавжудлиги**. Солиқ - давлатнинг аҳолидан давлат аппаратини сақлаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун зарур бўлган моддий маблағларнинг ундириб олинишидир;
Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 24 июнда «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

қарорга биноан мактабгача болалар муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади;

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлигининг давлат мактабгача болалар муассасалари билан бир қаторда, тижорат асосида фаолият кўрсатувчи,

давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин;

- Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари ўз устав жамғармасини муассисларнинг маблағлари ҳисобига шакллантиради, ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади;
- Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари белгиланган тартибга мувофиқ хусусийлаштириладиган давлат мактабгача болалар муассасалари негизида ҳам ташкил этилиши мумкин;
- Тугатилаётган давлат мактабгача болалар муассасаларининг бўшаётган бинолари ва иншоотлари мавжуд жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан биргаликда, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан 3 йилгача муддатга ижара хаққи ундирмасдан, давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасаларига ижарага берилиши мумкин.

*Мактабдан ташқари* муассасалар ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

- 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган барча ўқувчиларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини ўзлари белгилашлари учун имконият яратадилар:
- ўқувчилар шахсининг ривожланишига, уларнинг қизиқишларига, иқтидорига мустақил билим олишларига ва ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратадилар:
- махаллий хокимият органлари билан биргаликда мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга зид чора тадбирларни амалга оширадилар:
- эҳтиёжларни ўрганиш ва шунга мувофиқ болаларнинг қизиқишларига кўра шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўгараклар очадилар:
- фан асослари бўйича қўшимча таълим берадилар:
- болаларнинг санъат ва ҳунармандчиликнинг анъанавий миллий турларини ўргатадилар:
- ўқувчилар ўртасида қобилиятли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, шахсни ривожлантиришга қаратилган мусобақаларни, сайёхлик слётларини, техника ва бадиий ижодкорлик ҳамда бошқа тадбирларни уюштирадилар ва ўтказадилар.

Мактабдан ташқари муассасаларда ўқувчиларнинг асосий фаолияти бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг қизиқишларига кўра (тўгарак, секция, студия, клуб, ансамбль, театр) амалга оширилади.

Таътил пайтларида мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан уларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш имкониятини амалга оширишга харакат қиладилар. Бунинг учун, ўз турар жойларида хар-хил

тўғараклар ташкил қилиш, концерт сафарлари, экскурсиялар, саёхатлар, мусобақалар, турли-туман оммавий ишларни ташкил қилиш мақсага мувофиқдир.

Ёзги таътил пайтида мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар учун йўналишли болалар оромгоҳлари ҳамда туристик баъзалари очишлари мумкин. Ёшларни ҳар-хил спорт ўйинлари билан шуғилланишига давлат хам катта ахамият бериб келмокда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаи Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрда «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қабул қилдган қарорини келтириш мумкин.

қарорга биноан вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, ҳорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклиф қилинди.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этадилар.

2002 йил 24 октябрь «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3154-сонли фармони эълон қилинди.

Фармонда мамлакатда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш давлат дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

- Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати;
- «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси;
- ноҳукумат жамоат ташкилотлари;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон
- Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилиниши кўрсатилган.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан ҳорижий ташкилотлар, уюшмалар, компаниялар ва

фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- Болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;
- Болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-мухаббат ва ўз мамлакати учун ғурур ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора- тадбирлар комплексини амалга ошириш;
- Биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;
- Болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

## Таълим олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан, ижтимоий ахволи, машғулотининг тури, турар жойи, республика худудида қанчадан бери ишлаётганлигидан қатъи назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Таълим муассасаларига қабул қилиш шартлари давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланадиган қоидалар билан белгиланади.

Таълим олиш ҳуқуқи:

- таълим олиш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;
- давлат тасарруфидаги ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида бепул таълим олиш ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларида белгиланган меъёрлар доирасида таълим олиш;
- таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи, оиладаги ва экстернат таълим каби турли шакллардан фойдаланиш, давлат таълим муассасаларида шартнома асосида пуллик таълимни йўлга қўйиш;

- ♦ барча турдаги таълим муассасаларини битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичи ўқув юртига киришларида тенг ҳуқуққа эга эканлиги билан таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари таълимни шартномалар ва битимларда белгиланган шартларда ва тартибда Республика таълим муассасаларида оладилар.

Республикамиз Конститутциясининг 13-моддасида шундай деб кўрсатилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр - қимматти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конститутция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Демак инсоннинг илмли бўлиши, таълим соҳасида касб танлаши ва олган билимини ҳаётга тадбиқ этиши давлат томонидан ҳимоя қилинади ва кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат таълим андазаларининг мазмуни уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда жорий этиш Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисидаги норматив хужжатларни тасдиқлаш ва уларни амалга оширишга зид чора-тадбирлар хақида»ги қарорларида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига:

- ♦ 1996-1999 ўқув йилида таълимнинг янги тизимига ўтиш тўлиқ ниҳоясига етказилгунга қадар, 3-даражали умумтаълим мактабларининг ихтисоси белгиланмаган синфларга ўқувчиларни танловсиз қабул қилишга рухсат этиш:
- ♦ «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва меҳнат вазирлиги билан биргаликда 1994 йилнинг 1 январигача ёшларни оммавий ишчи касблари бўйича тайёрлашни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда тайёрлов тизимига Ўзбекистон учун анъанавий бўлган фаолият турлари бўйича халқ усталари ва ҳунармандларни кўплаб жалб қилиш назарда тутилган эди.

Шунга ўхшаш қарорлар ва норматив хужжатлар у ёки бу таълим муассасаларига қабул қилиш шартлари белгиланган бўлиши, таълим олиш учун яратиладиган шарт-шароитлар кўрсатилган бўлиши, таълим муассасаларининг тармоқларини ривожлантириш турлари кўрсатилиши, пуллик таълимни амалга ошириш қонун-қоидалари белгиланиши мумкин.

Таълим муассасаларида таълим беришда қайси тилдан фойдаланиш «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақидаги қонун 21-октябрь 1989 йил Олий давлат органи томонидан қабул қилинган ва 1995 йил 21 декабрда янги таҳририда қайта нашр этлган.

қонунга биноан Ўзбекитон Республикасида яшовчи фуқароларга ўқишда тилни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат тилида шунингдек бошқа тилларда ҳам умумий, ўрта махсус ва олий маълумот олишни таъминлайди деб, кўрсатган қонуннинг 6-моддасида.

Ўзбекистон Республикасида, мавжудлари билан бир қаторда, ўзбек тилида, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини очиш таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ўқув юртларида, улар қайси маҳкама ихтиёрида бўлишидан қатъи назар, Республика давлат тилида, шунингдек рус тилида, шароитлар мавжуд бўлган жойларда бошқа тилларда ҳам мутахассислар тайёрлаш таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат тилида, шунингдек, миллатлараро муомала тили ва Республикада қўлланилаётган бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таъминланади. Бу эса инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормаларига мосдир.

Таянч таълими мажбурий бўлиб, таълим олувчиларга ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида, турли хил ҳунар олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир босқичда таълим олувчининг ёши ва таълимнинг давомийлик муддати тегишли таълим муассасасининг Устави билан белгиланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий этилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин.

Ҳозирги босқичда таълимнинг асосий вазифаси ўқув-тарбия жараёнининг такомиллаштириш ва шу асосида ҳар томонлама етук келажак кишисини тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

## Таълим турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- ***Мактабгача таълим;***
- ***Умумий ўрта таълим;***
- ***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;***
- ***Олий таълим;***
- ***Олий ўқув юртидан кейинги таълим;***
- ***Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;***
- ***Мактабдан ташқари таълим;***

**Мактабгача таълим** бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади,

уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбия, ёш авлодни ҳаётга чорлашни энг биринчи босқичи бўлиб хисобланади. Шунинг учун тарбия берувчилар ўз бурчларининг туб маъносини англаган ҳолда масъулият сезишлари лозим. Педагогика олий ўқув юртлари қошидаги мактабгача тарбия факультетида ўқиётган талабалар болаларни севадиган, уларга ғамхўрлик қиладиган, ўз ишларининг туб мақсадини англайдиган талабалардан иборат бўлиши керак. Шу сабабдан олийгоҳга кирадиган ҳар бир шахс билан алоҳида суҳбат ўтказиб, психологик жиҳатдан уларнинг бола тарбиясига қарашларини аниқлаш лозим.

***Мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишини ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.***

Мактабгача тарбия оилада ва мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилади. Бу таълим тадбир-чораларни, таълим тизимининг базасини миллий манбаларим, иймону эътиқодга, қадр-қимматга мувофиқ келадиган ахлоқий талаблар билан боғлиқ олиб борилиши ижобий натижа беради.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги 10 январь 1992 йилдаги 1-2 сонли қарорида «Ўзбекистонда мактабгача тарбия конвенциясини» тасдиқланганган. Бу қарорга биноан маҳаллий хусусиятларни, ўзининг йўналишини, ривожланиш истиқболларини, жамоа нормалари, қоидалари ва анъаналарини, моддий техника ахволини, молиявий таъминотини, фаолият дастурини хисобга олган ҳолда ҳар бир мактабдан ташқари муассасаларда ўз устави ишлаб чиқилган.

Тўққиз йиллик (1-1Х синфлар) ўқишдан иборат **умумий ўрта таълим** мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (1-15 синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълим-давлат таълими тизимида асосий ўринни эгаллайди.

Дунё ўқув тажрибасига асосланган ҳолда-пулли, пулсиз умумий таълим даргоҳлари республикамизда ҳам аста-секин жорий этилмоқда.

Ўқув режа асосида, режа эса маълум стандартга боғланган ҳолда ва шу билан бир қаторда махсус билимлар кучайтирилган бўлиши мумкин. Масалан: айрим мактабларда чет тилига эътибор берилса, бошқаларида математика, ҳуқуқ, адабиёт, тарих ва бошқа фанларга эътибор қаратилган. Бундай турдаги таълим келажакда мутахассисларни тайёрлашга ижобий натижа беради.

Ҳозирги кунда фан соҳалари бўйича давлат стандарти ишлаб чиқилмоқда. Масалан; «Хуқуқшунослик» мутахассислигига доир алоҳида ўрта мактабларда «Ҳуқуқшунослик» дарсини ўтиш жараёнида ва бошқа фанларни ўргатишда ҳуқуқий тарбия методикасига тааллуқли стандартлар ишлаб чиқилиб, дарслар шу стандартлар асосида ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича ўтилмоқда.

***Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим мактаби тўғрисидаги Низомга биноан Ўзбекистоннинг умумий таълим мактаби-бу узлуксиз таълим тизимида асосий бўғин бўлиб хисопланади*.**

Умумий таълим мактабнинг мақсади-ҳар томонлама, маънавий ривожланган, ақлий, ахлоқий баркамол шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашдан иборат. Мактабнинг асосий вазифаси шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун, шу жумладан, ўқувчиларнинг мустақил билим олиш ва қўшимча маълумот олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўли билан қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Умумий ўрта таълими ўқувчи шахснинг ривожланиш ва шаклланиши, унинг ижтимоий ўзлигини англашга бўлган истаги, қизиқиши ва қобилиятини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. У ижтимоий ҳаётга тўлақонли киришиб кетиш учун зарур бўлган умумий таълим пойдевори яратади.

Умумий таълимда ўқитишни кенг кўламда табақалаштириш ва бир-бирига боғлаш асосида олиб борилади, бу эса ўқувчиларнинг қизиқишларини, қобилиятларини намоён қилишлари учун энг қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 29 октябрда «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

қарорда янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини ишга тушириш бўйича йўл қўйилган қолоқлик ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўрни етарлича мувозанатли қисқартирилмаганлиги муносабати билан айрим туманларда 9-синфларнинг битирувчилари ўқишни касб-ҳунар коллежларида ёки умумтаълим мактабларининг 10-синфларида давом эттириш имкониятига эга эмаслиги ҳоллари мавжудлигини қайд этилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил, босқичама-босқич амалга ошириш, 9-синфларнинг битирувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида:

қуйидагилар:

- 9-синфларни битирувчиларни кейинчалик академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг 10-синфларида ўқитиш билан қамраб олишнинг истиқболли кўрсаткичлари;
- 9-синфларни битирувчилар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби белгиланди ва маҳсус низом чиқарилди.

Низомга биноан 2004-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастурига мувофиқ:

- 9-синфларнинг битирувчиларини қамраб олишнинг ва янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини ишга туширишнинг белгиланган истиқболли кўрсаткичлари вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича пухта ишлаб чиқилганлиги, ўзаро аниқ мувозанатлаштирилганлиги ҳамда 2009 йилга бориб 9-синфларни битирувчилар касб-ҳунар коллежлари ва акдемик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши;
- Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 10-11 синфларда ўқишни вақтинча давом эттиришни таъминлайдиган зарур моддий ва ўқув базага, малакали ўқитувчиларга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар бўйича мактабларнинг аниқ сони аниқланганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорининг 2-иловасида 9-синфларни битирувчилар умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11 синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомини эълон қилди.

Низомда «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ 9 йиллик умумий ўрта ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълимнинг мажбурий турлари ҳисобланади деб белгиланган.

қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумий таълим муассасаларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишнинг тасдиқланган истиқболли кўрсаткичлари бажарилиши шартлиги изохланган. Ўқувчиларни кейинчалик умумтаълим мактабларининг 10-11 синфларида ўқишни вақтинча давом эттиришларини ташкил этишини таъминлаш йўллари белгиланган.

Мажбурий ўқишни давом эттиришда 9-синфларнинг битирувчиларига тўсқинлик қилаётган мактаблар ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг мансабдор шахслари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришлари кўрсатилган.

Бу хужжатда:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни республика мажбурий таълим тизими муассасаларида ўқитиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро битимлари асосида амалга оширилиши.
- 10-11 синфларда ўқишни вақтинча давом эттириш учун умумтаълим мактабларини аниқлаш республиканинг туманлари (шаҳарлари), аҳоли яшаш жойлари вилоят марказлари ва йирик шаҳарлари кўламида амалга оширилиши.
- Тўққиз йиллик мактабга айлантирилган мактаблар ҳокимликнинг қарорига кўра 10-11 синфлари мавжуд бўлган яқинда жойлашган мактабга бириктириб қўйилиши белгилланган.
- 10-11 синфлар биринчи навбатда қуйидаги мезонлар ва шартларга жавоб берувчи мактабларда очилиши мумкинлиги:
- Мактаб ўқув-моддий базасининг замонавий таълим жараёнини ташкил этиш талабларига мувофиқлиги;
- Мактабнинг таълим ва тарбия жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали педагог кадрлар билан таъминланганлиги;
- Ўқувчиларни фанлар бўйича ихтисосли ёки чуқур ўқитишни, узлуксиз таълимни такомиллаштириш бўйича тажриба ишларини, ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда минтақа ва республиканинг бошқа мактабларида ёйиш учун қабул қилинган ўз ишланмаларини ташкил этиш борасида педагогик ва амалий тажриба мавжудлиги;
- Ушбу минтақада ўқувчилар 9-синфда ўқишни тугаллагугача ўқиган тил бўйича 9-синфларнинг битирувчиларини тўлиқ қамраб олиш учун умумий ўрта ёки ўрта масус, касб-ҳунар таълимини давом эттиришни таъминлайдиган яқинда жойлашган 10-11 синфлар бўлган мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари мавжуд эмаслиги, шунингдек жамоат транспорти билан узлуксиз таъминлашни ташкил этиш имконияти йўқлиги кўрсатилган.

*Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.*

Умумий таълим уч босқич: бошланғич (1-4 синфлар), таянч (5-9 синфлар) ва ўрта (10-11 синфлар бўлиб, бошланғич, таянч ва ўрта мактабларда, бошқа ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар ва бошқаларда) амалга оширилмоқда.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналиши-акдемик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

2004-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастури тасдиқланганн.

Дастурда қуйидагилар:

- 9-синфларнинг битирувчиларини қамраб олишнинг ва янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини ишга туширишнинг белгиланган истиқболли кўрсаткичлари вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича пухта ишлаб чиқилганлиги, ўзаро аниқ мувозанатлаштирилган ҳамда 2009 йилга бориб 9-синфларни битирувчилар касб-ҳунар коллежлари ва акдемик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиниши;
- Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 10, 11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттиришни таъминлайдиган зарур моддий ва ўқув базага, малакали ўқитувчиларга эга бўлган туманлар ва шаҳарлар бўйича мактабларнинг аниқ сони аниқланганлиги;
- Умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун ўқув режалари ва ўқитиш дастурлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда:

- 2003-2004 ўқув йили охиригача 11-синфлар учун янги ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда уларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тасдиқланган умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлаштирилиши;
- 10-11-синфларда ўқитишнинг янги ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ бўлган 11-синфлар ўқувчилари учун дарсликлар яратилиши ва нашр этилишини 2004 йил 1 августгача амалга оширилиши топширилган.

**Академик лицей** давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олинишини таъминлайди.

**Касб-ҳунар коллежи** тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради

9-синфларнинг битирувчилари акдемик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига, шунингдек умумтаълим мактабларининг 10-синфларига киришларининг ҳисобини юритиш умумий ўрта таълим тизимида амал

қилувчи ҳисобдан чиқариш-бириктириш тартиб -қоидасига мувофиқ қуйидаги изчилликда амалга оширилади;

- давлат ҳокимияттти маҳаллий органлари ҳар йили, жорий ўқув йилининг 1 майигача, 9-синфлар битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, ва кейинги ўқув йилида 10-синфларда ўқитиш билан қамраб олишнинг тасдиқланган истиқболли кўрсаткичларига мувофиқ уларда 10-11 синфлар фаолият кўрсатишини вақтинча давом эттириш учун мактаблар рўйхатини (ўқитиш тилини ҳисобга олган ҳолда) белгилайдилар;
- қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда ҳар йили, жорий ўқув йилининг июнь ойигача бўлган муддатда тегишли ҳудудлар бўйича ушбу рўйхатларни умумлаштирадилар, минтақанинг ўқувчиларни академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига ва 10-синфларга қабул қилиш (мутахассисликлар ва ўқитиш тили бўйича) кўрсаткичларини, шунингдек 10-11 синфлар фаолият кўрсатадиган умумтаълим мактаблари рўйхатини 9-синфларни битирувчилар ва уларнинг ота-оналари эътиборига етказади;
- 9-синфларни битирувчилар ўқишни давом эттириш учун белгиланган тартибда ҳужжатларни: академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига, қоидага кўра, 15 августгача бўлган муддатда, умумтаълим мактабларнинг 10-синфларига, жорий йилнинг 25 августигача бўлган муддатда тақдим этадилар.

9-синфларнинг битирувчиларини акдемик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, шунингдек умумтаълим мактабларининг 10-синфларида мажбурий ўқитишни таъминлаш масалалари бўйича назорат қилиш тартиби ҳисобга олиш шакли ва маъсул шахсларнинг ҳисобот бериш турлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма қарори билан тасдиқланади ва амалга киритилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таянч таълими асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ва касб ўргатиш орқали амалга оширилиши керак.

Бу таълим, айрим олий ўқув юртлари қошида ташкил этилиши ёшларни умумий таълимни амалий машғулот, махсус турдаги ҳунар билан боғлиқ олиб боришга ёрдам беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тугатган, айрим касб эгаси бўлган шахс, ўз касби бўйича иш билан таъминланиши ижобий натижа беради.

Масалан: ҳамширалар, тикувчилар, бухгалтер, милиция ходимлари, сотувчилар ва бошқа бир қанча ўрта махсус таълимга эга бўлган мутахассислар ўрта бўғин ишларини бажариб ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Бирор касалхонани ҳамширасиз қўйиш қийин, шифокор ўз касбини амалга оширишда ҳамширанинг ёрдамига муҳтож. Масалан: операция

вақтида ва ундан сўнг хастага қараш, унинг соғлиғини тиклашда ҳамширанинг ўрни сезиларли даражада катта.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилашда қўйидагиларга эътибор бериш лозим:

- ♦ академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини республика минтақаларининг шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш:
- ♦ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини лойхалаштириш ва қуриш:
- ♦ ўрта махсус касб таълими муассасига айлантириладиган мавжуд ўқув юртларини таъмирлаш ва қайта қуриш:
- ♦ давлат таълими таълим стандарталарини ишлаб чиқиш:
- ♦ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини педагог ва педагог-муҳандис кадрлар билан таъминлаш ҳамда малакасини ошириш масалаларини хал қилиш.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим ўқувчиларга касб-кор ўқитиш билан биргаликда, уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, келажак ишчисини иш жойига тезроқ кўникиш, мустақил равишда ўз устидан ишлаши учун шарт-шароитларни яратиш масалаларига эътибор бериш керак. Ўқитувчи ўз ўқувчисининг билимини кузатиш ва танлаган касбига эга бўлишига ўргатиши, тарбиявий ишларни олиб бориши шарт. Масалан, тикувчилик ишининг махсус технологияси бўйича дарсда ўқувчилар технологик жараённинг кетиши йўл-йўриқлари билан таништирилгандан сўнг, иш тикиши, бичиши ва бошқаларни ишлаб чиқариш таълими устасининг назорати остида бажаришлари лозим. Шундагина ўқувчи танлаган касбининг муносиб эгаси бўлади.

Таълимни амалий машғулотлар билан чамбарчас олиб борилиши ижобий натижа беради. Шу мақсадда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув юртлари хузурида республика бўйича кичик корхоналар, ҳар хил илмий марказлар, қўшимча корхона ташкил этилган.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини битирганлар махсус мутахассисликка эга бўлиб мустақил ишлашлари мумкин.

Масалан; педагогика йўналишини битирганлар мактабларда у ёки бу фандан дарс олиб бориш хуқуқига эга бўладилар.

Ҳуқуқшунослик йўналишида таълим олганлар юрист-бухгалтер, юрист-маслахатчи ва бошқа ишларда ишлаши мукин.

**Олий таълим** ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичига эга.

Сиртқи ёки мустақил таълим тарзида ўрганишга йўл қўйилмайдиган касб ва ихтисослар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади. Фуқаролар шартнома (пуллик) асосида иккинчи олий маълумот олишга хақлидирлар.

Олий таълим ҳар бир шахс танлаган фаолият соҳасида чуқур умумий ва махсус билимни зарур касб-кор кўникмаси билан уйғунлаштирилган юқори малакали мутахассислар, илмий, илмий-педагогик ходимлар тайёрлайди.

Масалан: юқорида келтирилган мисол тариқасида шуни кўрсатиш мумкинки, ҳамшира беморга ёрдам кўрсатса, шифокор уни даволайди.

Лекин шифокор бўлиш учун махсус олий ўқув юртининг тегишли соҳаси бўйича илмга эга бўлиш шарт. Бир олий ўқув юртининг ўзида ҳар-хил мутахассис тайёрланади. Масалан, медицина олий ўқув даргоҳларида кўз, қулоқ, тиш шифокорлари, хирург, теропевтлар ва ҳоказолар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси кенгайтирилган мажлисининг 2002 йил 14 июндаги 2-сон баёни билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида тест ўтказиш тартиби тўғрисида» йўриқномаси эълон этилди.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикасм Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги 258-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида» ги ва 1999 йил 12 июлдаги 342-сон «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, олий ўқув юртларида тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди. Унда:

- Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (ДТМ) амалга оширилиши;
- Тест синовларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти, тест синовлари қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ДТМ вакиллари, қабул комиссиялари раислари, ҳокимликлар ва улар томонидан тайинланадиган аудиторияларнинг раҳбарлари зиммасига юкланиши;
- Олий ўқув юртларида ўқишга қабулни сифатида ташкил этиш мақсадида қабул комиссиялари ташкил этилиши белгиланган.
- Ўқув юрти қабул комиссиясининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:
- қабул жараёнини юқори даражада уюшқоқлик билан тартибли равишда ташкил этиш;
- тест ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш;
- абитуриентларга уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушунтириш;
- тест жараёнининг холисона ва адолатли ўтишини таъминлаш;
- тест натижалари бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тўлиқ маълумотлар бериш.

**қабул комиссияси ўзининг аъзоларининг вазифаларини аниқлаб, тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади.**

Олий таълим ҳақида Низом Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Буйруқка кўра олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати қуйдаги тамойилларга асосланади:

- ♦ таълим ва тарбиянинг гуманистик, демократик мазмунда эканлиги:
- ♦ университет таълимининг устиворлиги:
- ♦ ўрта махсус, касбий, олий ва таълимдан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва кетма-кетлиги:
- ♦ таълим тизимининг дунёвий мазмунда эканлиги:
- ♦ давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги:
- ♦ таълим дастурларини танлашга умумий ва табақалашган ёндашув:
- ♦ билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш:
- ♦ олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш:
- ♦ олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш бирлашувини таъминлаш.

Олий таълимнинг мақсади Ўзбекистонни юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасида илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган, юксак маънавий, маданий ва аҳлоқий фазилатларга эга юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махмус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув ишлари ҳажмини белгилаш учун муваққатвақт меъёрлари ва ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва бошқа ишлар асосий турлари»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 10 июл 183 сонли билан тасдиқланган «Олий ўқув юритининг факультети тўғрисида»ги Низомда факультет, кафедралалр тушунчаси, уларнинг ҳуқуий мақолари кўрсатилган.

Факультет – олий ўқув юртининг ўкув-илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ тегишли таълим йўналишлари ва мутахассиликлар бўйича талаба, аспирант ва докторантларни тайёрлаш ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Кафедра, олий ўқув юрти (факультет) тузилишидаги, бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, услубий ва илмий-услубий ишларни амалга оширувчи, талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи, асосий тармоқ ҳисобланади.

Бакалавриат йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттастация комиссияси Раёсатининг 2003 йил 13 ноябрдаги 98-4 сонли

қарорининг «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар» номли иловасига биноан «бакалавр» сўзи чиқарилган.

**Магистратура** аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Магистр:

- давлат таълим стандарти жорий қилган даражада аниқ ихтисослашган, таълим дастури кўзда тутуган бакалавриат йўналиши бўйича таълим, илмий-тадқиқот, илмий-педагог ва ёки илмий-техникавий соҳалар бўйича кўникмали мустақил ижодий фаолиятга:
- **магистрлик ихтисослиги ёки унга яқин ихтисос бўйича аспирантурада ўқишга, фан номзоди унвонига талабгор тартибида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тайёр бўлиши керак.**

**Олий таълим муассасасининг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг махсус Низоми мовжуд.**

**Иқтидорли** талабалар билан ишлаш бўлими олий таълим муассасида иқтидорли талабални аниқлаш, уларни илмий-тадқиқот, ижодий фаолиятига жалб қилиш ва йўналтириш, кафедра, факультетларда бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ташкилий марказдир. Иқдидорли талабалардан келгусида кафедрада ишлайдиган, илмий йўналишда бирор тор мутахассислик бўйича таққиқат олиб борадиган талабаларни танглаб олиш мумкин.

***Олий ўқув юртидан кейинги таълим*** давлатимизга юқари малакали илмий ва илмий-педегогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини иаъминлашга қаратилган бўлиб, аспирантура, адьюантура, докрантура, мутақил тадқиқотчилик асосида амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим номзодлик ва докторлик диссертациялари химояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар торширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га биноан олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари белгиланган. Бу тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- «Таълим тўғрисида»ги қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш:
- ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассалари ва илмий марказларида устивор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш:
- фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдани 4-сонли қарори асосида ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муалифи» танлови ғолибларига илмий даражалар ёки илмий унвонлар бериш тартибини белгилайди.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муалифи» танлови ғолибларига илмий даража ёки илмий унвон берилиши учун у яратган дарслик;

- мазмуни давлат таълим стандарталари талабларига жавоб бериш ҳамда дарслик ёзилган фан ёки курс Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари ва ўқув режасига киритилган бўлиши:
- Ўзбекистоннинг ва хорижий мамлакаталарнинг шу соҳадаги етук олимлари қўлга киритган илмий, илмий-услубий натижалари асосида ёзилган бўлиши:
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия қилинган бўлиши:
- камида икки маротаба нашр қилинган бўлиши зарур.

Тангловда ғолиб бўлган шахс илмий унвонга эга бўлиши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб, шахс ва жамият эҳтиёжларини, шунингдек жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришни таъминлайди.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

Олий таълим тизимидаги илмий фаолият шартномалар, контрактлар, давлат буюртмалари, дастурлари, лойиҳалари бўйича, шунингдек ўз илмий манфаатларига мувофиқ илмий жамоалар, айрим муассасалар томондан амалга оширилади. Шу мақсадда илмий, илмий-ишлаб чиқариш бўлинмалари, бирлашмалари, уюшмалари, талаба ёшларнинг илмий-техника ижодиёти марказлари ва бошқа тузилмалар тузилади.

Республика мустақиллиги шароитида миллий мактабни ташкил қилиш даврида илмий ва илмий-педагогик ходимларнинг касбига нисбатан ҳурмати янада ошади. Чунки, таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришда ўқитувчи-устоз ҳал қилувчи шахс бўлиб хисобланади.

1992 йил 2 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси 421-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи маротаба Олий аттестация комиссияси тўғрисида Низомни қабул қилди.

Эндиликда, юқорида кўрсатилган Низомга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК) фан, техника, таълим ва маданият йўналишлари бўйича илмий, илмий-педагог ходимларга илмий даражалар ва илмий унвонлар берувчи давлат органи хисобланади.

ОАК Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги идора хуқуқларидан фойдаланилади ва республикада илмий, илмий-педагог кадрларни давлат йўли билан аттестациядан ўтказишнинг аҳволи ва тизимини такомиллаштириш учун маъсулдир.

ОАК нинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади; юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳамда илмий даражалар ва илмий унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналигини таъминлаш:

Ихтисослаштирилган кенгашлар иши ва диссертация ишлари сифатини, уларнинг илмий ва амалий қийматини назорат қилиб бориш;

Илмий унвонлар ва илмий даражаларга қўйиладиган малака талабларини халқаро андозаларга мувофиқ холга келтириш.

ОАК ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ фан доктори ва номзоди илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқлаш бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар тузади, диссертацияларни ёқлаш учун қабул қилиш хуқуқини берадиган ихтисосликлар рўйхатини белгиланади, фан доктори, номзоди илмий даражасини беради ҳамда тегишли кенгашларнинг тақдимномасига биноан профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини беради ва ҳоказолар.

Мустақилликка эга бўлган кичик давр ичида Ўзбекистонимизнинг илмий даражага эга бўлиш имконияти кенг эркинлик асосида ривожланганлиги сабабли илмий ходимларнинг ёшланиши сезилади

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида И.А.Каримов шундай деди; «Маъсул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади».

«Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Призиденти фармони 1992 йил 8 июлда қабул қилинган. Бу фармонга нисбатан илмий-тадқиқот институтларида ва олий ўқув юртларида хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари 1992-1995 йилларда қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин, Вазирлар Маҳкамаси эса илм-фанни ривожлантириш ва инновация жараёнлари кенгайтирилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш юзасидан қарор қабул қилиш кўрсатилган.

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш** мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда

чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

1993-1994 ўқув йили Тошкент шаҳар мактабларининг 73 та тарих ўқитувчиси ТДПУ қошидаги малака ошириш факультетида 10 ой ўқишиб иккинчи, ҳуқуқ ўқитувчиси, мутахассислиги бўйича диплом олишга сазовор бўлдилар.

Кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳар бир ўқув юртида режа асосида олиб борилади ва у ерда асосан энг билимли, тажрибали профессор - ўқитувчилар иш олиб боришлари керак.

Таълим тўғрисидаги қонунда кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини амалга оширилишини Низомий номли давлат педагогика олийгоҳидаги, Тошкент Миллий университети қошидаги, медицина ва бошқа бир қанча турдаги малака ошириш институтлари ва курсларида олиб бориладиган ишларни мисол қилиш мумкин.

**Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ижтимоий ривожланиш, фан-техника тараққиёти талабларига, ишлаб чиқаришдан, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ равишда, шунингдек одамларнинг шахсий талаб-эҳтиёжларини хисобга олиб, касбий билим ҳамда кўникмаларини чуқурлаштириш ва бойитиш, шунингдек янги ихтисос ўргатиш мақсадида амалга оширилади.**

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат маблағлари хисобидан, шунингдек корхоналар, муассасалар,ташкилотлар, айрим шахслар билан шартномалар асосида давлат тасарруфидаги ва бошқа хил ўқув юртлари базасида амалга оширилади. Таълимнинг шакллари, муддатлари ва мазмуни буюртмачи билан келишган ҳолда ўқув юртлари томонидан белгиланади.

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида асосий бўғиндир. Шу сабабли унинг асосий мақсади ҳозирги замон талаби асосида билим беришга ёндошишдир. Чунки инсон қанчалик кўп билса, у шунчалик хавас ва иштиёқ билан ўқийди, янгиликка интилади, ўз устида ишлайди.

Малака ошириш тизимида энг аввало шу ишни ташкил этувчилар фаолиятига, дарс берувчиларнинг кўп қиррали билимига, тингловчиларнинг ўзлаштириш қобилиятига эътибор бериш лозим.

Малакани ошириш учун мутахассислар, касб эгалари ташриф буюришади. Демак дарс берувчининг билими, маълумоти тингловчилардан бир неча поғона юқори даражада бўлиши ва тингловчилар олган билимларидан мамнун бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Малака ошириш учун келган тингловчилар иложи борича ўзлари билмаган, хали янги информациялар уларга етиб бормаган фан янгиликларини ўрганиш мақсадида келадилар. Демак, бу таълим тизими ўқитишнинг ўзига зос хусусиятлари билан суғорилган бўлиши керак.

Тингловчиларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг эхтиёжларини, қизиқиши ва истакларини инобатга олиш шарт.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш ишларига катта аҳамият бериб келади. Бунга мисол қилиб 296-сонли 1994 йил 13 июн ойида Вазирлар Маҳкамаси раиси И.А.Каримов томонидан имзоланган «Ёшлар хуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида» ги қарорни келтириш мумкин.

Бу қарорнинг учинчи бандида; «Давлат ва ҳуқуқ асослари» мутахассислиги ўқитувчиларни қайта тайёрлаш учун малака ошириш факультетини, ҳуқуқшунослик лицейини ташкил қилиш кўрсатилган.

қарордан келиб чиқиб тегишли ташкилотларга вазифалар бажариш тадбирлари белгиланган. Тадбирлада эса қайсини қачон, ким томонидан бажарилиши ва уни назорат қилувчи масъул шахслар аниқланган.

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда **мактабдан ташқари** давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълим ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Бир ҳунарга эга бўлиш учун махсус корхоналар қошида дурадгор тикувчи, тарихчи, хуқуқшунос ва бошқа соҳаларда таълим берилиши мумкин. Бу турдаги таълим бир томондан ёшларни келажак хаётга тайёрлашни мақсад қилса, иккинчи томондан уларнинг бўш вақти тартибга солиш учун замин яратади. Масалан; ҳар-хил спорт билан шуғулланиш кружокларида таълим олган бола республикамизнинг иродасини ифода этадиган махсус спорт турида мусобақага қатнашиши мумкин.

Болалар ва ўмирларнинг шахсий талаб ва эҳтиёжларини тўларок қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва бошқа жисмоний шахслар маданий-ахлоқий, табиий-илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари муассасалар барпо этишлари мумкин.

Турли хилдаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонимдан кўмак берилади, бу фаолият таълим идоралари томонидан мувофиқлаштирилади, уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган низомлари билан тартибга солинади.

Мактабдан ташқари таълим олиш бугунги кун талабига жавоб бериши учун ҳам изланишлар керак.

Аслида мактабдан ташқари таълим олиш режа асосида ташкил қилинган бўлиши, у режани бажарувчи устоз вазифаларини билиши керак.

Бу таълим дарслар тугагандан кейин мактабда, бирор бир ўқувчилар уюшмасида, маҳаллада (турар жойда), оилада олиб борилиши мумкин.

Ўқувчининг вақтини тежамкорлик билан ўтказиш учун соатларга тақсимлаб ҳар соатда бажарадиган вазифасини аниқлаб бериш ва

бажарилишини кузатиш шарт. Мунтазам равишда бу иш назорат қилиниб турса, бир-икки ойдан сўнг ўқувчи ўзи шу режага кириб олади ваназорат қилиш ўринсиз ҳам бўлиб қолади.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан, таълим тизимларида янгиланиш мақсадида тегишли мутахассислар, рахбар ходимлар, вазирликлар давр талабига мувофиқ янги йўналишларда иш олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли Вазирлар Махкамасининг қарорини кўрсатиш мумкин. Бу қарорда «Мактабдан ташқари муассаса тўғрисида» ги Низом тасдиқланган.

Низомда маҳаллий хусусиятларни, ўзининг йўналишини, ривожланиш истиқболларини, жамоа нормалари, қоидалари ва анъаналарини, моддий-техника ахволини, молиявий таъминотини, фаолият дастурини хисобга олган ҳолда ҳар бир мактабдан ташқари муассасада ўз устави ишлаб чиқилди.

Мактабдан ташқари муассасалар ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширадилар;

- 6 ёшдан 18 ёшгача барча ўқувчиларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини ўзлари белгилашлари учун имконият яратадилар;
- Маҳаллий хокимият органлари билан биргаликда мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга чора-тадбирларни амалга оширадилар;
- Эҳтиёжларни ўрганиш ва шунга мувофиқ болаларнинг қизиқишларига кўра шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўгараклар очадилар;
- Фан асослари бўйича қўшимча таълим берадилар;
- Болаларга санъат ва ҳунармандчиликнинг ананавий миллий турларини ўргатадилар;
- Ўқувчилар ўртасида қобилиятли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, шахсни ривожлантиришга қаратилган мусобақаларни, сайёхлик слётларини, техника ва бадиий ижодкорлик ҳамда бошқа тадбирларни уюштирадилар ва ўтказадилар.

Мактабдан ташқари муассасаларда ўқувчиларнинг асосий фаолияти бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг қизиқишларига кўра (тўгарак, секция, студия, клуб, ансамбль, театр) амалга оширилади.

Таътил пайтларида мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан уларнинг бўш пайтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш имкониятини туғдирган ҳолда болалар ва ўсмирларнинг турар-жойларида, концерт сафарлари, походлар, экскурсиялар, сухбатлар, мусобақалар (шу жумладан ўқувчиларнинг янги ўзгарувчан гурухлари билан тўгараклар, секциялар ва студияларда, шахардан ташқари оромгоҳларга кунлик борган ҳолда), турли-туман оммавий ишларни ташкил қиладилар. Ёзги таътил пайтида мактабдан

ташқари муассасалар ўқувчилар учун йўналишли (профилли) болалар оромгоҳлари ҳамда туристик базалари очишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим турига оиладаги таълимни киритиш хам мумкин. Жаҳон мамлакатларида оилада таълим берилиши одат тусига кирган бўлиб, истаган шахслар фарзандларига таълимни давлат мактабларида, коллеж, лицейларда ёки оилада олишни маъқул кўрадилар.

Шундай ҳуқуқ эндиликда Республикамизда ҳам ўргатилади. Ҳали кенг тус олмаса ҳам, бу қонун қабул қилиниши таълим соҳасида бир қадам олдинга силжишдир.

Оилада таълим олиш учун ўз фарзандларига ота-оналари, васий-ҳомийлари тегишли ўқитувчилар билан шартнома тузишиб, уларнинг меҳнатларига ҳақ тўлашни ўз зиммаларига олсалар, ўқитувчилар эса унумли дарс ўтиб, таълим олувчиларни дастурга биноан ўқитишни, билимларини экстернат тартибида аттестациядан ўтказишни кўзда тутадилар.

Оила таълимининг янада қўшимча бандига айрим ногирон, хаста болаларни ўқитиш ҳам киради. Бундай холларда давлат оилага ёрдам кўрсатиб тегишли бурчларни ўз зиммасига олади.

**Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари шахснинг жисмоний, маънавий камолоти ва ақл-заковат жихатидан ривожланишига асос солишлари лозим.**

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг маълумоти оилада олиши учун имконият яратиб беришга хақлидирлар. Бундай ҳолларда ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан таълим муассаси, таълимни бошқарувчи тегишли идора ўртасида шартнома тузилиб, унда бола, оила ва жамиятнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда томонларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Болаларга уй шартномаларида таълим бериш ўқув юртларининг дастурилари бўйича амалга оширилиб, кейнчалик экстернет тартибида аттестациядан ўтказилади.

Оилада таълим олаётган шахслар тегишли аттестациядан ўтгач, таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқишни таълим муассасида давом эттиришга ҳақлидирлар.

Мустақил равишда билим олиш-давлат одамларнинг мустақил равишда ўз маълумотлари, маданий ва касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишларини қўллаб - қувватлайди ва бунинг учун зарур шароитлар яратиб беради.

Билим ёки малака даражасини мустақил равишда оширган шахсларга экстернат тартибида имтиҳон топшириш имконияти яратиб берлади

Масалан, мустақил чет тилини ўрганди, мукаммал бу тилни билади, у шахсга чет тиллар институтини тугатган деган диплом бериш мумкинми? Албатта йўқ. Диплом олиш учун махсус олий ўқув юрти дастури бўйича режа асосида таълим олиб бориб вақти-вақти билан синовдан, имтиҳондан ўтиб туриш шарт.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида мустақил таълимни ногирон бўлиб қолганлар олишмоқда. Унда махсус мактаб, олий ёки ўрта махсус билим юртлари профессор - ўқитувчилари билан келишган ҳолда мустақил таълим олаётган шахснинг уйига бориб билимини текширади.

Ўзбекистонда таълим тизими энг демократик, энг илғорлиги билан ажралиб туради. Мустақилликдан кейинги республикамиз ҳамма тармоқларидаги улкан ўзгаришларни хисобга олган ҳолда ўқув режаларни, дастурларни қайта кўриб чиқилди, янгиликлар билан тўлдирилди. Таълим босқичлари ва шакллари махсус давлат стандартига мос келади. Умум таълим, умумхалқ учун баробар бўлган таълим андозаси, аниқ таълим тизимлари бўйича моделлар яратилди.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим конвенцияси ишлаб чиқилган. Ундан ташқари таълим тизимида янги-хусусий мактаб, лицей, коллежлар ҳам вужудга келган, уларнинг дастурлари, режалари ҳам бор.

## Таълим олинганлиги тўғрисидаги хужжатлар.

Аккредетациядан ўтган таълим муассасаларининг битирувчиларига, мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно, таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги хужжат берилади.

Таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги хужжат мустақил равишда, оилада билим олиш орқали таълим олган ёки ўз билим ёхуд малакасини даражасини оширган, экстернат ҳам берилади.

Аспирантура, докторантурасини тугатиб, диссертация ёқлаганидан кейин фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси ва диплом берилади.

Давлат таълим тўғрисидаги хужжатлар амалдаги халқаро қоидаларга мувофиқ келишини таъминлайди.

Таълим тизимининг биринчи (мактабгача тарбия) туридан ташқари ҳаммаси бўйича махсус хужжатлар берилади.

Мактабгача таълимни ҳам хар бир оиладаги фарзандлар олмайди, бу таълим хозирги кунда ўзига хос хусусиятларга эга. Айрим боғчаларда чет тили ўргатиш, бошқаларида мусиқа билан шуғулланиш каби ишлар олиб борилмоқда.

Мактаб учун замин боғчадан бошланади. Ана шу нуқтаи назардан, махсус йўналиш билан боғлиқ боғчада таълим-тарбия олган болаларга хужжат ҳам бериш жоиздир.

Японияда, масалан, боғчага киришда бу боғча қандай мутахассиларни келажакда етказишлари кўрсатиб қўйилар экан. Шунга қараб ота-оналар фарзандларини гўдаклигидан у ёки бу боғчага беришар экан.

Умумий таълим олганларга 9-синф, ёки 10-11 синфдан кейин махсус гувоҳнома берилади. Бу хужжатларда ўқувчининг қандай баҳолар олганлиги ҳам ёзилиб қўйилади.

Мактабдан ташқари таълимда истаган болаларга у ёки бу турдаги касб билан шуғулланган (дурадгорлик, рассомлик, футбол, карате ва ҳоказо) деган маълумотнома берилиши мумкин. Лекин бу хужжат қонуний кучга

эга бўла олмайди, унга биноан «Мени бу мутахассислигим бўйича ишга олишга мажбурсиз» деган талаб қўйилмайди.

Мактабдан ташқари таълим тарбия бу ҳар бир шахснинг шахсий истаги. Агар умумий таълим мажбурий бўлса, мактабдан ташқари таълим ихтиёрий.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим ва олий таълим бўйича ҳар бирининг ўзига хос хужжати бор. Бу хужжатлари бўлган шахслар ўқишни битиргандан сўнг иш билан таъминланиши, на фақат иш билан таъминланиши, ўз мутахассислиги бўйича касбга эга бўлиши учун шароит ҳам яратилиши шарт.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш анча мураккаб таълим тизимидир.

Бу таълим, узлуксиз таълимнинг бир тури бўлиб фақат қобилиятли, ўзининг устидан ишлайдиган, кўп қиррали билимга эга шахсларга тааллуқлидир.

Бирор йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб борадиган шахс ўз фикр-мулоҳазаларини илмий кенгашда ёқлаши шарт, шу билан бир қаторда бу изланиш махсус бир илмий янгиликларни туғдириши, ҳаёт талаблари билан боғлиқ бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Илмий кенгаш натижасини махсус-Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси (ФТДК) кўриб чиқади ва илмий даражага лойиқ эканлигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Призиденти Фармони 18-феврал 1992 йил қабул қилинган. Бу қарорга биноан, ФТДК фаолияти ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фан-техника тараққиётининг республика учун устивор йўналишлари белгилаш, фан ва техникани рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш асосида фан-техника соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш:
- катта илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш,истиқболли ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ташкил қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда лойиха конструкторлик ташкилотлари, корхоналар, бирлашмалар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш:
- фан ва техника соҳаси тармоқлари мажмуини, фан билан ишлаб чиқаришнинг илғор ҳамкорлик шаклларини ташкил этиш ва ривожлантириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш:
- Республиканинг халқаро илмий-техникавий ҳамкорликдан қатнашиши устивор йўллари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлар илмий ва ўқув марказлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан фан, техника соҳасида ва кадрлар тайёрлашда алоқаларни мувофиқлаштириш ва уларни кенгайтиришга кўмаклашиш;

- фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича илмий-техникавий лойиҳалар ва дастурларни давлат экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш ва шу ишларни амалга ошириш, фан ва техника ютуқлари жорий этилишини, халқ хўжалиги тармоқларининг илмий-техникавий даражасини назорат қилиш;
- фан ва техника соҳасида муаллифлик хуқуқлари муҳофаза қилиниши, кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналари ва товар белгиларидан Ўзбекистон Респуьликасида самарали фойдаланишни таъминлайдиган тизимни вужудга келтириш;
- патент-лицензия ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, республика патент жамғармасини тузиш, патентлаш масалаларида корхоналар ва ташкилотларга маслаҳатлар ҳамда услубий ёрдам бериш;
- ахборот тизимлари ва ахборот бозорини шакллантириш юзасидан республикада ўтказилаётган ишларни мувофиқлаштириш, Ватанимиздаги ва чет эллардаги илм-фан, техника ҳамда технологияларнинг энг янги ютуқлари тўғрисида бошқарув органларини,корхоналар, илмий ва ўкув ташкилотларини ахборот билан таъминлаш.

Таълим тизимига яна янги хусусий таълим юртида таълим олиш аста-секин Республикамиза жорий этила бошлади.

Ҳар қайси хусусий мактаб қандай тилда дарс олиб бориши, бир синфда қанча ўқувчи ўқитилиши, уларга қандай фан ўқитилиши, ўқиш учун қанча пул тўланиши, ўқитувчиларни маоши ва бошқа бир масалалар олахида хал қилинади.

Россияда, масалан хозирга пайтда 68 мингдан кўпроқ мактаб бўлса шундан 447 та мактаб хусусий мактаб бўлиб, улардан Москвада-180 та, Москва вилоятида 43 та, Петербургда 40 та, хусусий мактаблар давлатдан ёрдам оладилар**.**

## Таълим тизимини бошқариш

«Таълим тўғрисида» қонунга мувофиқ Ўзбекистонда таълим тизимини бошқариш давлат-ижтимоий хусусиятига эгадир.

Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилаш ва амалга ошириш, хуқуқий тартибга солиш, таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, таълим давлат бошқарувининг марказий органларини шакллантириш Республика ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг ҳуқуқ доирасига киради. Уларнинг ўзи таълим муассасаларини ташкил этиш, ва тугатиш тартибларини белгилайдилар.

Хокимият юқори органларининг хуқуқ доирасига таълим муассасалари тўғрисидаги низомларни, таълим тўғрисида хужжатларнинг намуналарини ва уларни бориш тартибини тасдиқлаш киради. Улар таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, акредитациялаш ва рухсатнома бериш (лицензиялаш),тартибини, таълимнинг давлат стандартларини, таълим эхтиёжлари учун бюджет маблағлари миқдорини, уни молиявий

таъминлашнинг нормативларини белгилайдилар. Уларнинг ўзлари таълимни ривожлантириш республика фондини шакллантирадилар ва педагогик кадрлар тайёрлашни ташкил этиш билан шуғулланадилар.

Маҳаллий хокимият ва бошқарув органлари:

- таълим муассасалари тармоқларининг минтақалар эҳтиёжларига мос келишини таъминлайдилар;
- ўзларига қарашли ўқув юртларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар;
- маҳаллий хокимиятга эга бўлган таълим муассасаларини очиш учун рухсатномалар берадилар;
- ўз ваколатлари доирасида молиялаштириш миқдорларини, таълим муассасалари учун иш хақи тўлаш шартларини белгилайдилар;
- ихтиёрий бадаллар ва хайриялар хисобига таълимни ривожлантириш фондларини шакллантирадилар.

Шу билан бир қаторда:

- таълим бўйича кенгашлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда ўқувчиларнинг ва таълим ходимларининг ижтимоий эхтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар;
- минтақаларнинг ўқитувчиларга бўлган талабларини аниқлайдилар;
- яшаш жойларида болалар ва ёшларни тарбиялаш учун қулай шароит яратадилар;
- васийлик ва хомийлик масалаларини ҳал қиладилар;
- таълимнинг ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасининг давлат талабларига мослигини назорат қиладилар.

Таълимнинг давлат бошқарувини махсус ваколати бўлган органлар амалга оширадилар. Таълим муассасаларида давлат талабаларининг ва нормативларининг бажарилишини таъминлайдилар, уларга услубий раҳбарликни амалга оширадилар. Давлат органларининг, уларнинг ҳуқуқий иш доираларига кирувчи холлардан ташқари, таълим муассасалари фаолиятига аралашишларига йўл қўйилмайди.

Таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон республикаси қонунларига ва уларнинг Уставларига мувофиқ амалга оширилади. Бевосита раҳбарлик таълим муассасасининг мудири, директори, ректори ёки бошқа раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ўмумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб - ҳунар муассасаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг тегишли органлари томонидан лавозимга тайинланадилар. Давлат олий ўқув юртларининг раҳбарлари тегишли вазирликларнинг тақдимномасига кўра Республика ҳукумати томонидан тайинланадилар. Давлат тасарруфида бўлмаган ўқув юртларининг раҳбарлари уларнинг таъсисчилари томонидан, Республика аҳамиятига эга бўлган таълим муассасаларининг раҳбарлари эса, ҳукумат билан келишган ҳолда таъсисчилар томонидан тайинланадилар.

Таълим муассасаларини бошқаришда ўқувчилар, талабалар, педагог ходимлар, ота-оналар, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари қатнашадилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари таълим фаолиятлари учун хуқуққа руҳсатнома (лицензия) олингандан сўнг эга бўладилар. Агар давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси тўғрисидаги қонунни бузса, у вақтда унинг фаолияти низо суд йўли билан ҳал этилмагунча тўхтатиб қўйилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш давлат таълим муассасалари учун хуқуққа рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг эга бўладилар. Агар давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси тўғрисидаги қонунни бузса, у вақтда унинг фаолияти низо суд йўли билан ҳал этилмагунча тўхтатиб қўйилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муасасаларида ўқувчилар қабул қилиш давлат таълим муассасалари учун белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси у давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс хуқуқини олади.

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида бир-қанча ишларни амалга ошириш режаланган.

Умумий таълим мактаби паспортини ишлаб чиқиш, унинг асосида мактабнинг моддий техника базаси ҳолатига, ичимлик сув ва иссиқлик билан таъминлаш даражасига, санитария шахобчаларининг ҳолатига, шунингдек ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлади. Текшириш ва баҳо бериш натижалари бўйича мактабларни алоҳида;

- капитал реконструкциялаш;
- капитал таъмирлаш;
- жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига киритиш;
- капитал реконструкциялаш талаб қилинадиган мактаблар тоифасига киритиб бўлмайдиган авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига зарур бўлган жойда янги мактаблар қурилиши;
- Мактаблар ўқув ва лабаратория ускуналари, компьютер техникаси, кутубхоналар ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасиин ўрганиб чиқилиши;
- Умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш мақсадида уларни ўрганиб чиқилиши;
- Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш тизимини, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасини танқидий таҳлил қилиниши.
- Ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган.

Олий таълимнинг давлат таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, нодавлат олий таълим

муассасаларида эса-таъсисчи (мулкдор) тайинланган ректор томонидан амалга оширади.

- Ректор таълим муасасаси ваколати чегарасида:
- таълим муасасасининг ҳамма ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олувчилар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради:
- бош ҳисобчини лавозимга тайинлайдива уни вазифасидан бўшатади:
- проректорларнинг аниқ вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди:
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қоидалар ва меҳнат ҳақидаги қонунчилик асосида таълим муассасаси ишчи ва хизматчиларини ҳамда илмий-педагогик ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади:
- таълим муассасаси таркибига кирувчи илмий-тадқиқот, тажриба-синов ва бошқа ташкилот ҳамда бўлимларнинг ваколатини белгилайди, уларнинг Низомларини тасдиқлайди:
- таълим муассасаси ходимларнинг лавозим маошларига қўшимча ҳақ миқдорини белгилайди:
- ходимларнинг касаба уюшмаси ёки бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда таълим муассасаси ички тартиб қоидаларини белгилайди:
- амалдаги қонунчилик асосида бошқа ваколатларни бажаради.

Ректор таълим муассасасига ажратилган пул маблағлари, таълим муассасаси ходимларнинг иш ҳақи фонди, ходимларнинг лимит миқдори ва лавозим маош тариф сеткаси чегараларида қуйдаги хуқуқларга эга:

- илмий кенгаш тавсиясига мувофиқ факультет очиш ёки ёпиш:
- таълим муассасаси намунавий мансаб жадвалига мувофиқ 150 та кундузги ва 300 та сиртқи талабалари мавжуд бўлган ҳолда декан лавозимини киритиш:
- илмий кенгаш тавсиси билан, кафедрада ўқитувчилар сони 5 тадан кам бўлмаган, одатда, улардан биттаси профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган ва 2 тадан кам бўлмаган фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга ўқитувчи мавжудлиги ҳолда кафедра тузиши ёки ёпиши мумкин.

## Таълим тизимидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Таълим жараёнининг қатнашчилари қонунда тегишли хуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланганлар. Кўпинча ўқувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- уларнинг инсоний, қадр - қимматларини ҳурматлаш;

- виждон эркинлиги;
- ахборот олиш;
- ўз қарашлари ва эътиқодларини ифода этиш;
- ўқув юртларини, шунингдек сохаларни, шаклларни, ўқиш муддатларини, якка тартибдаги дастурларни танлаш;
- илмий фаолиятнинг турли хил кўринишларида қатнашиш;
- соҳа, мутахассислик, иш фаолияти бўйича ўқишни давом эттириш, унинг ёшга ва саломатликка мос бўлиши;
- иш жойида ҳақ тўланадиган қўшимча таълим ва бошқа ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиган шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар.

қонун ўқувчиларни ўқиш вақти хисобига ўқиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилишни таъкидлайди.

Республика қонунларига, ахлоқ ва одоб қоидаларига, устав ва ички тартиб қоидаларига риоя этиш билимларни мунтазам ва чуқур эгаллаш, амалий кўникмалар, касбкор маҳоратларини мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш ҳамда ўзининг умумий маданий савиясини оширишларига риоя қилиш, ўқувчиларнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Ўқувчилар стипендиялар, ётоқхоналар. қўлланмалар, интернетлар, имтиёзли ёки текин овқат билан таъминланадилар. Уларга кутубхоналар, ўқув-ишлаб чиқариш, илмий, спорт, маиший, соғломлаштириш базаларидан, транспорт ва бошқа хизматлардан текин ва имтиёзли фойдаланишни кафолатлайди.

Таълим муассасаларида ўқиётганларнинг саломатлигини мухофаза қилишни ва мустахкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратиш ота-оналарга-болаларнинг жисмоний ва рухий соғлом бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг қадр-қимматларини хурматлаш, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, яхшилик қилиш, мехр-мухаббат, Ватанга муҳаббат, катталарга,умуминсоний ва миллий, тарихий ҳамда маданий бойликларга нисбатан ҳурмат бажо келтириш руҳида тарбиялаш мажбурияти юкланади.

қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини пайдо қилишга, унинг мутлақо устиворлигини тан олишга, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга алохида эътибор бериш керак.

Ота-оналарга ўз болалари учун таълим шаклларини, умумтаълим муассасалари тури ва ўқитиш тилини танлаш, болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш, таълим муассасаларини бошқаришда иштирок этиш, зарур шарт-шароитлар яратишни талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

Ўқувчилар мукаммал билим олиши учун ўқув қўлланмаларирни яратиш, кутубханалрни кўпайтириш, қайта тамирлаш ишларига хам катта эътибор қаратилиб укелмоқда.

Бунга мисол қилиб, 2002 йил 12 апрель «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 123-сонли қарорини кўрсатиш мумкин.

қарорга биноан қуйидагилар Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- Кутубхона фондларини мамлакатимиз ва чет эл адабиётлари билан бутлаш, мавжуд матбаа нашрлари, қўлёзмалар ва ҳужжатларини сақлаш, ўрганиш ва илмий ишлаш, уларни мунтазам равишда тўлдириб бориш, умумий равишда фойдаланиш тамойилларига риоя этиш асосида жамиятнинг ҳужжатлари ва библиографик ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- Ўзбекистон халқининг миллий-маданий, маънавий мероси, бойлиги ва қадриятларини кенг тарғиб қилиш;
- Республика кутубхона фонди бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш, халқаро андозалар асосида замонавий методлар ва ахборот технологияларини кутубхоначилик ишларига жорий этиш;
- Халқаро библиографик ахборотлардан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш;
- Кутубхоначилик ишлари соҳасидаги республика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;
- Кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасидаги илмий тадқиқот, методик ишларни, янги ахборот технологияларини кутубхоначилик ишларига татбиқ этишни мувофиқлаштириш ва олиб бориш;
- Кутубхоначилик соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро кутубхоначилик дастурларида қатнашиш, мутахассислар, матбаа нашрлари ва бошқа ҳужжатларни ўзаро алмашиш.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси эдиликда Миллий кутубхона деб аталиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонаси, ахборот ва маданий-маърифий муассаса ҳисобланади ва кутубхоначилик, библиография, илмий-тадқиқот, илмий-методик ва ахборот фаолиятини амалга оширилиши режаланган.

2002 йил 3 август «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 279-сонли қарорини қабул қилди.

қарорга биноан:

Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг янги авлод дарсликлар ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида.

қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- Республика китоб бозори конъюктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш;

- Китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш;
- Республика худудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек уларни сотишни ташкил этиш;
- Китоб маҳсулотлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек халқаро ярмаркаларда қатнашиш.

Бугунги кунда хамма ўқув билим даргоҳларини керакли адабиётлар билан таъминлаш йўлга қўйилмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-чақириқ 1-сессиясида: «Мактаб-ўрта-олий таълим-илмий-тадқиқот инстиутлари шаклидаги илмий –маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак, деб ўйлайман. Бунда илмий техник тараққиётнинг устивор йўналишларига алоҳида эътибор бериш зарур. Ана шундай мустаҳкам алоқалар туфайлигина замонавий юксак технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлай биладиган мутахассисларни тайёрлашимиз керак», деб айтган эди.

Давр талабини этиборга олган холатда ўқўв юртларини янги теҳнологияларга доир жихозлаш, ўқувчиларни компьютерга ўргатиш, техник воситаларидан фойдаланишни амалга ошириш жароёнида давлат томонидан кўп ишлар қилинмоқда. Бунга мисол қилиб 2002 йил 7 ноябрь «Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 385-сонли қарорини қабул қилингалигини кўрсатиш мумкин. қарорга биноан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармонини ва Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200 -сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда ахборот - коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш назарда тутилган.

Тошкент ахборот технологиялари университети республиканинг алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

қуйидагилар Тошкент ахборот технологиялари университетининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- Алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

♦ Ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ишларини ташкил этиш, таълим муассасалари фаолиятини ўқув-методик таъминлашга ҳамда республика таълим тизими учун ягона ахборот-коммуникация маконини яратишга кўмаклашиш;
♦ Олий ва олий таълимдан кейинги таълим дастурлари ва стандартларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, ўқув адабиёларини тайёрлашда қатнашиш, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ўқув-методик қўлланмалар электрон кутубхонаси тизимини ривожлантириш;
♦ Хорижий мамлакатлар ўқув муассасалари ва илмий марказлари билан алоқа ва ахборот технологиялари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, хизматлар ва технологияларнинг янги турларини жорий этиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш.

Ундан ташқари, 2002 йил 20 февраль «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3029-сонли фармони эълон қилинди.

Фармон Ўзбекистоннинг илмий ва технологик салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида тузилди.

2002 йил 4 март «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 77-сонли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 февралдаги ПФ- 3029-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамма илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифатига қўйилган замонавий талабларга мувофиқ илмий-техника ва инновация фаолиятини янада ривожлантиришни, шунингдек мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қабул қилди. қарорга биноан:

Илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини ташкил этиш ва маблағ билан таъминлашнинг грантли тизимини амалга киритишни таъминлаш мақсадида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устуворлигига мувофиқ бўлган инновация лойиҳалари дастурларини шакллантириш, тақдим этиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартибига доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш топширилди.

Илмий –техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори мақоми, моддий ва маиший таъминот шароитлари бўйича вазирга, Мувофиқлаштириш Кенгаши Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан

ўтказиш кенгаши раҳбари ҳамда Марказ директорининг ўринбосари эса вазир ўринбосарига тенглаштириш масалалари қўйилди.

Фан ва технологиялар мараказига аспирантлар ва магистрант талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини маблағ билан таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сон ва 2001 йил 17 августдаги 344-сон қарорларида назарда тутилган тартибда амалга ошириши режаланди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги тасарруфида илмий муассасалар бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши билан келишган ҳолда илмий муассасалар томонидан бажариладиган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни шакллантириш ва маблағ билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 4 мартдаги 77-сон қарорига 1-илова. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисида» низом эълон қилди. Низомга биноан:

қуйидаги Мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таркибий ўзгартиришларнинг устувор йўналишларини иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш стратегияси билан боғланган ҳолда белгилаш;
- йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳаларнинг мамлакат манфаатларига ва иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантиришнинг давлат устиворликларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг экспертизасини ташкил этиш ҳамда улар бўйича эксперт хулосаларни тасдиқлаш;
- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат устуворликларига мувофиқ бўлган йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;
- Илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларининг ҳар йилги давлат дастурини тасдиқлаш;
- Инновация ғояларини яратувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли тенденцияларни доимий равишда кузатиб борувчи ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш учун жамловчиии истеъдодли олимларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш.

*Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 4 мартдаги 77-сон қарорига 4-илова «Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида» низом эълон қилди. Низомга биноан:*

- Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни маблағ билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- уларнинг натижаларидан амалиётда фойдаланишнинг самарали механизмини таъминлаш;
- шунингдек мамлакатнинг илмий-техник соҳаси билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг реал секторини инновация фаолиятига жалб этиш мақсадида ташкил этилган.

2002 йил 6 июнь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 200-сонли қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига 1-илова «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахбоорот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» ишлаб чиқилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нинг кенг ривожланиши кейинги ўн йилликларда жашон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Жадал ривожланаётган ҳозирги дунёда АКТ иқтисодий тараққиётни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб, мамлакатга инвестицияларнинг жалб этилишига, янги иш ўринларининг яратилишига, ишлаб чиқаришда ва бошқарувда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашади, бозор иштирокчилари ўртасида ахборотлар алмаштиришда, битишувларни амалга оширишда харажатларни қисқартириш воситасига айланмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Ҳукумати мазкур йўналишга иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг стратегик устувор йўналиши сифатида қарамоқда.

Шу муносабат билан Дастурда:

- Республикага компьютер асбоб-ускуналари ва унинг бутловчи буюмлар келтириш, шу жумладан компьютер техникасини мамлакатимизда йиғишни ташкил этиш учун қулай божхона режимини яратиш;
- Олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини, шунингдек мактабларни компьютер асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга бюджет маблағлари ажратиш, хорижий грантлар ва имтиёзли кредитларни жалб этиш;
- Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда, шунингдек барча олий ўқув юртларида босқичама-босқич Интернет-синфлар ташкил этиш;
- Компьютер тезникасини йиғиш, улар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича корхоналар ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу мақсадда республика корхоналарида компьютерлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда;

- Компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, уларни созлаш ва турли тармоқлардан фойдаланиш бўйича ихтисослашган корхоналар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Дастурда 2010 йилгача:

- Компьютер техникаси билан таъмилланганлик даражасини 100 ўқувчи ҳисобига мактабларда-5,0 тага, академик лицейларда-13,4 тага, касб-ҳунар коллежларида-7,1 тага ва олий ўқув юртларида 25,6 тага етказиш;
- Жами мактабларнинг 63 фоизини, академик лицейларнинг 92 фоизини, касб-ҳунар коллежларининг 85 фоизини ва олий ўқув юртларини 100 фоиз Интернетга уланишига эришиш назарда тутилган.

*Ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш-мамлакатнинг ягона ахборот маконини барпо этиш борасидаги муҳим муаммолардан биридир. Ахборот ресурслари таркибига мазмуни, тузилиши, шакллантириш ва ташкил этиш технологиясига кўра турлича бўлган ахборот массивлари ва хужжатлар: кутубхона, архив ва бошқа ҳужжатлар фондлари, маълумотлар базалари, регистрлар, кадастрлар, электрон нашрлар ва кутубхоналар, бошқа ахборот маҳсулотлари киради.*

Дастур:

- Кутубхона ва архив фондлари, давлат статистика ва илмий-техник маълумотлар ахборот тизимлари, таълим, ҳуқуқий ахборот соҳасига доир маълумотлар, барча даражалардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқаларнинг ахборотларини шакллантириш ва муҳофаза қилишни;
- Нодавлат ахборот ресурсларини, шу жумладан бизнес соҳасида ҳам, шакллантиришни назарда тутади;
- Ахборот ресурслари халқаро бозорининг асосий ҳажми олти тилда (инглиз, рус, француз, испан, хитой, араб) шакллантирилишни эътиборга олиб, ўқув юртларида аҳолининг оммавий компьютер саводхонлигига эришиш талаблари билан узвий боғлиқ ҳолда мазкур тилларни чуқур ўрганиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқариш зарурати юзага келмоқда

Интернетда ўзбек тилидаги миллий ахборот ресурсларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастурни амалга ошириш жараёнида:

- Давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот ресурсларига бўлган эҳтиёжи қондирилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- Ҳуқуқий, статистика, банк ахборотига оид, ўз акцияларини рчиқ бозорда ва бошқа йўл билан савдога қўювчи очиқ акциядорлик жамиятларининг молиявий-иқтисодий ахволига оид миллий маълумот базаларини барпо этиш ҳамда уларга ҳар қандай тоифадаги фойдаланувчиларнинг турли босқичларида киришини таъминлайди;

- Идоравий ва идоралараро маълумот базаларини, шунингдек идоравий ва идоралараро электрон ҳужжатнинг айланиш тизимини яратиш мўлжалланмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорига 2-илова «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисида» низом эълон қилди.

Низомга биноан қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг замонавий жаҳон тенденцияларига ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ келувчи устувор йўналишларини белгилаш;
- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва иқтисодий рағбатлантириш омиллари яратиш бўйича Ҳукуматга таклифлар киритиш;
- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасига оид дастурлар, лойиҳалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;
- Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурларини бажаришда, миллий ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат бошқарув органлари, хусусий сектор ҳамда жамоат ташкилотларининг келишилган сиёсат юритишлари ва биргаликда иштирок этишларини таъминлаш;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан мамлакатимизнинг ўзининг дастурий воситалари ва компьютер техникасини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари компьютерлаштирилиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳорижий инвестициялар, ҳомийлик маблағлари ва грантларни жалб этишга, таълим муассасаларининг ахборот тармоқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини, шу жумладан мутахассисларнинг чет элда ўқишини мувофиқлаштириш;
- Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлиги тизимларини янада ривожлантиришни ташкил этиш.

# У-боб. Маъмурий ҳуқуқ

## Мавзу: маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш:

- Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
- Давлат бошқариви
- Маъмурий-хуқуқий муносабатлар;
- Маъмурий – ҳуқуқий бошқариш органлари, шакллари, усуллари;
- Таълимда маъмурий ҳуқуқий бошқариш;
- Таълимни бошқариш хужжатлари;
- Таълим ҳодимлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти;
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик;
- Вояга етмаганларнинг маъмури ҳóқóқáóçàðëèãè;
- Маъмурий жазо турлари;
- Маъмурий ишларни кўриш;

### Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

***Маъмурий ҳуқуқ - бу давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.***

Маъмурий хуқуқ ўзининг табиатига кўра давлат хокимиятининг амалга оширишни тартибга солишга, барча хокимлик органларининг фаолиятларини қонуннинг аниқ доирасига киритишга даъват этилган. Ҳокимлик функцияларининг сарҳадларини, уларни сақлашни тартибга солиш, бошқарувнинг буйруқбозлик шаклларига қарши туришга ёрдам берувчи юридик механизимларни белгилаш, бу эса маъмурий ҳуқуқнинг муҳим элиментларидан бири ҳисобланади. Ҳокимлик қилувчи тузилмаларнинг ички ташкилий фаолияти соҳасидаги муносабатларни ва давлатнинг назорат фаолиятини маъмурий ҳуқуқ амалга оширади.

Ижро этувчи ҳокимият фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи муносабатлардан ташқари маъмурий ҳуқуқ соҳасига хокимият барча турлари ва барча давлат органларининг ички ташкилий фаолиятлари, шунингдек, давлатнинг назорат фаолияти ҳам киради. Шу нарса тан олинганки, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ва принциплари (давлат фаолиятининг бошқа турлари билан муносабати, давлат бошқаруви органларининг тузилиши, ташкил этилиш тартиби, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, мақсади, вазифаси, компетенцияси ва уларнинг ҳуқуқий аҳволининг фаолиятлари иш тартибларининг бошқа томонлари)ни белгилаб бериб, фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий аҳволларини, уларнинг бурч мажбуриятларини тартибга солишга кўпроқ эътибор беради. Республикамиз қуришга киришган фуқаролик жамиятида давлатнинг асосий мақсади-

фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашдир. Фуқаро маъмурий-ҳуқуқий бошқаришнинг объекти эмас, балки маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъектидир.

Ҳуқуқий муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўзига хослиги томонларнинг нотенглиги ҳисобланади: бир томоннинг иродаси одатда иккинчи томоннинг иродаси устидан ҳукмронлик қилади. Бир томон одатда иккинчи томонга нисбатан давлат-ҳокимиятчилик ваколатлари билан таъминланган бўлади, бошқармага хос қарорлар қабул қилади, бошқа томоннинг ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширади, қонун билан назарда тутилган ҳолларда мажбур қилиш чораларини қўллаши мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий усулга фақат томонларнинг тенгсизлигигина хос эмас, келишув бўлган тақдирда қабул қилиш мумкин бўлганда, у розиликни ҳам тан олади.

## Давлат бошқаруви

Давлат бошқаруви-бу ижтимоий бошқарувнинг бир ҳилидир, яъни жамиятни бошқаришдир.

Давлат бошқаруви жамият аъзоларининг биргаликдаги харакатларининг бир-бирига мослигини ва интизомини ҳам таъминлайди. Давлат бошқарувини давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти каби белгилаш мумкин, у давлат фаолияти кўринишида намоён бўлади, унинг ўзига хослиги давлат функцияларини амалга оширишга оид кундалик амалий ишларни ташкил этишдан иборатдир. Бу жараёнда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий хужжатлар асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида иқтисодий алоқаларнинг ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг барча томонларига бевосита раҳбарлик қилиш амалга оширилади, у қонунга оид хусусиятга эга бўлади.

Ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давлат бошқарувининг асосий мазмуни ҳисобланади. Бу шуни англатадики, биринчидан, давлат бошқарувининг ҳокимият органлари томонидан аниқ ифодалаб бериладиган амалдаги қонунни ижро этиш фаолиятидир. Ҳокимият органлари улар орқали ўз қарорларининг ижро этилишини таъминлайдилар, иккинчидан, бу фаолиятни бутун жараён бошқарув, юридик жиҳатдан ҳуқуқий харакатларни такомиллаштириш йўли билан келиб чиқади. Ушбу фаолият харакатни юридик бошқаришни амалга оширадиган мажбурий норматив ёки алоҳида кўрсатмаларда ўз ифодасини топади.

Давлат бошқаруви-бу ташкил этувчи фаолиятдир. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида хўжалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиш саҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув оргалари бошқариш сохасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадилар, бошқариладиган

тизимларнинг фаолият кўрсатиш билан боғлиқ умумий масалаларини ҳал қиладилар, бошқариш муносабатлари қатнашчиларнинг фаолиятларини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар.

Давлат бошқаруви жамият турмушининг қандайдир алоҳида элиментини эмас, балки унинг барча соҳасини қамраб олади. У буни ёки марказлашган ҳолда ҳам амалга оширади.

Марказлашган раҳбарлик қилиш - фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг умумий йўналишини аниқлаш, умумий қоидаларни белгилашдир. Унинг ўзига хослиги шундаки, у давлат бошқарувининг тегишли органи ва бошқарув объектлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилмайди.

Оператив бошқарув органи ва объект ўртаидаги тўғридан-тўғри алоқа билан ифодаланади.

Давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, қабул қилинган қарорнинг ижро этилишида, ижрони текширишда, назорат қилишда, ҳисобга олишда, олдиндан тайёргарлик кўришда, режалаштиришда, маблағ билан таъминлашда, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда ҳамда уларни ўқитишда намоён бўлади.

Давлат бошқаруви ижтимоий бошқарувдан фарқ қилиниши керак.

Давлат бошқаруви давлат хизматчилари ҳақ олиб ишлайдиган давлатнинг махсус аппарати билан амалга оширилади. Бундай аппаратнинг фаолияти юридик-буйруқ бериш хусусиятига эга бўлади ва давлатнинг мажбур қилувчи кучи билан таъминланади.

Давлат бошқаруви органларининг қарорлари фақат бошқарув аппарати ходимлари учун мажбурий бўлмай, балки бошқарув муносабатлари, шу жумладан, жамоат ташкилотларининг барча қатнашчилари учун мажбурийдир.

Ижтимоий бошқарув эса ўз функциясини ташаббускорлик асосида, қоидага кўра, давлатнинг мажбур қилмайдиган қўллаб-кувватлаши асосида бажарувчи жамоатчилик ташкилотлари фаолиятлари орқали намоён бўлади. Жамоат ташкилотларининг қарорларини бажариш унинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

Шу кунгача амалда бўлган маъмурий ҳуқуқ тизимига мувофиқ умумий ва махсус қисмлардан иборат эди. Умумий қисм барча ижро этувчи ва бошқарувчи органлар учун улар фаолиятини ташкил этиш принципларини белгиловчи нормаларни ўз ичига олса, махсус қисм эса бошқарув органининг у ёки бу тармоқлари доирасида умумий принципларнинг қўлланилишини белгилар эди. Агар бу шаклдаги бўлинишга алоҳида эътироз бўлмаган бўлса, мазмунига ва айниқса, умумий қисмида жиддий эътирозлар бор.

Гап шундаки, махсус қисм асосий эътиборни бошқарув органлари тизими фаолиятининг тузилмалари, функциялари ва шаклларига берар, унинг асосий вазифаси эса иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, маданият, таълим-тарбия, мудофаа, тартибни сақлаш, ташқи алоқалар соҳасидаги муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий бошқаришдир.

Умумий қисмнинг мазмуни ҳам тузатишлар киритишни талаб қилади. Субъектлар томонидан маъмурий ҳуқуқ, маъмурий назорат, маъмурий адлия компетенция шакл ва усуллари ҳозиргидан кўра чуқурроқ ишланмаларни талаб қилади.

Маъмурий ҳуқуқнинг нормалари Умумий ва Махсус қисмларга бўлинишдан ташқари ҳуқуқий институтлар (Давлат бошқарув органлари, давлат хизмати, маъмурий маъсулият) бўйича гуруҳлаштирадилар. Ҳар бир шундай институт ўзига норма ҳамда умумий ўрта махсус қисмларни киритиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари моддий ва процессуалларга бўлинади. Моддий ҳуқуқ давлат бошқарув органлари тизимини, уларнинг компетенциясини, тузилмасини, шунингдек, фуқароларнинг, маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари каби жамоат ташкилотларининг аҳволини мустаҳкамлайди. Процессуаллари маъмурий ҳуқуқ нормаларини реализация қилиш тартибини аниқлайдилар, ижро этувчи ва эгалик қилувчи фаолият соҳасида уларни амалга ошириш иш тартибини белгилайдилар.

Ўзларида маъмурий ҳуқуқий нормалари бўлган давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари маъмурий ҳуқуқ манбалари хисобланадилар.

Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи Республикамиз Конститутцияси бош манба хисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Призиденти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида қонун, корхоналар хақида қонун. Жамоат ташкилотлари тўғрисида қонун муҳим ўрин эгаллайди.

Маъмурий ҳуқуқий нормаларнинг жуда кўпи Призидент фармонларида, Вазирлар Маҳкакмасининг норматик актларида бор. Давлат бошқарувининг тегишли тармоқларида маъмурий ҳуқуқ манбалари сифатида Вазирликлар ва Давлат қўмиталарининг қонунга хилоф бўлмаган буйруқлари ва йўриқномалари амал қилади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари каби халқ депутатлари Кенгаларининг қарорлари, улардаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи хокимларнинг қарорлари ва фармойишлари ҳам амал қилади.

Маъмурий хуқуқ манбалари тизимида асосий ўринни Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси эгаллайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари - бу қонунга таянган давлат хокимияти қоидалари воситалари орқали белгиланган ва таъминланган, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни бошқаришга даъват этилган ижтимоий тузимнинг табиатидан келиб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари:

- йўл қўйилиши ёки тавсия этилиши керак бўлган хатти-ҳаракатнинг;
- давлат бошқарув органлари фаолиятининг;
- шунингдек, давлат бошқаруви соҳасидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг чегарасини аниқлайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат бошқаруви субъектлари ва объектлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий режимини, бошқарилаётган фаолиятини кўпгина томонларини амалга ошириш тартибини белгилайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, уларни амалга оширишнинг тартиби ва кафолатини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларининг кўп қисми буйруқ тусига эгадир. Уларни бузиш юридик жавобгарликка тортади. Лекин яхши ишлаганлик, ўз бурчини виждонан бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисидаги нормалар ҳам бор.

Маъмурий ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби замон ва маконда ҳамда шахслар доирасида таъсир чегарасига эгадир.

Ҳуқуқ нормаларининг кучга кириш тартиби давлат ҳуқуқи нормалари билан белгиланади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ижрочиларга етиб борган вақтдан бошлаб кучга кириш умумий қоидаси ҳолати бўлиб шу ҳисобланади, фақат маъмурий масъулиятни назарда тутувчи нормалар, одатда, бирдан эмас, балки маълум бир муддатдан сўнг кучга киради.

Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормалар ноаниқ муддатда амалда бўлади. Айрим холларда шундай нормалар қабул қилиниши мумкинки, уларнинг амалда бўлиши маълум воқеа-ҳодисалар билан (табиий офатлар, эпидемия ва ҳодиса содир бўлиши билан, шунингдек, олдиндан белгиланган муддат билан боғланади. Маълум ҳолларда хуқуқий нормаларнинг амал қилиши маълум вақтга қадар тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Маъмурий-хуқуқий нормалар, айниқса уларнинг маъмурий-хуқуқий масъулиятни белгиловчилари, қоидага кўра, тескари кучга эга эмас. Бироқ, шундай ҳоллар ҳам учрайдики, у ёки бу норманинг амалда бўлиши илгари пайдо бўлган муносабатларга ҳам жорий этилади. Бундай ҳол норматив ҳужжатларда махсус айтиб ўтилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг маконда амалда бўлиши ҳуқуқий ҳужжат нашр этувчи орган мавқеи билан боғлиқдир; умуман республика, маҳаллий хажмда, умумий тусдаги ва тармоқ нормалари, шунингдек, корхоналар доирасида амал қилувчи маҳаллий нормалар.

Шахслар доираси бўйича маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг амалда бўлиши ёки фуқароларнинг ҳаммасига ёки уларнинг алоҳида гуруҳига жорий қилинади. Кўпгина нормалар фақат давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар, корхоналарнинг фаолиятини текширади.

## Маъмурий хуқуқий муносабатлар.

***Маъмурий-хуқуқий муносабатлар-бу маъмурий хуқуқ нормаларига асосланган муносабатлардир. Уларнинг мазмуни субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади.*** Призидент,

Унинг таркибий бўлимлари, мансабдор шахслар ва давлат аппаратининг бошқа хизматчилари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг бўлимлари ва ходимлари, шунингдек республика фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, фойда олишни мақсад қилиб олмаган фуқароларнинг бирлашмалари субъектлар бўлиб хисобланади.

*«Бошқарув субъекти», «Маъмурий ҳуқуқ субъекти» ва «Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти» тушунчаларини фарқлаш керак.*

**Маъмурий ҳуқуқ субъекти умумий тарзда (фуқаро, давлат бошқарув органи), ҳуқуқий муносабатлар субъекти-аниқ тарзда белгиланади.**

**Бошқарув субъекти остида маъмурий ҳуқуқ нормалари бошқариладиган объектлар фаолиятини ташкил этиш вазифасини юклайдиган органлар ва мансабдор шахслар тушунилади.** Шу билан бир вақтда улар бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва бошқариладиган объектлар ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳам бўладилар.

Шахсий номулкий муносабатлар мулкий муносабатлардан шу билан фарқ қиладики, улар қиймат билан ифодаланмайди, шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан ажралмасдир. Шахсий номулкий муносабатлар фуқаролар ўртасида ҳам, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Шахсий номулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлиши ва боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Биринчи ҳолда бирор киши шахсий номулкий муносабатларнинг поймол қилиниши унга маълум миқдорда моддий зарар етказиши ҳам мумкин. Масалан, кишининг оладиган қалам ҳақи унинг асар муаллифи деб тан олинган ёки тан олинмаганига боғлиқ бўлади.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган номулкий муносабатларга, шунингдек, тасвирий санъат асарини (агар унда бошқа шахс тасвирланган бўлса) эълон қилиш, нусха кўчириш ва тарқатиш туфайли вужудга келадиган муносабатлар киради. Умумий қоидага кўра бу иш фақат унинг розилиги билан, унинг вафотидан кейин эса фарзандлари ва турмуш ўртоғининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, бундай шахсий номулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади, бундай ҳолда у қонундабевосита назарда тутилган бўлиши ёки шахсий номулкий муносабат моҳиятидан келиб чиқиши лозим.

Фуқаролик ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солади ёки бу муносабатлар иштирокчиларига муайян ҳуқуқлар ва вазифалар юклайди ёхуд уларга бу ҳуқуқ ва вазифалар ўзлари белгилашларига имкон туғдиради. Натижада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг битта томони ваколатли шахс, иккинчиси бажарувчи шахс сифатида намоён бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир;

- ♦ субъектларнинг кенг доираси;
- ♦ объектларнинг кўп сонли эканлиги;

- томонларнинг келишувига биноан бир қатор ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини белгилаш имконияти;
- ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тўхтатилиши асосларининг хилма-хиллиги;
- фуқаролик ҳуқуқларини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чора-тадбирларини амалга ошириш усулларининг ўзига хос томонлари.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг таркиби ўзгариши мумкин, бу ҳол ҳуқуқнинг қабул қилиниши туфайли содир бўлади. Ҳуқуқнинг қабул қилиниши деганда ҳуқуқларнинг бир шахсдан (олдинги ҳуқуқ эгасидан) иккинчи шахсга (ҳуқуқни қабул қилган кишига) ўтиши тушунилади. У ўзидан олдинги ҳуқуқ эгасининг ўрнига ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг асосий унсурлари; **субъект, объект, мазмун хисобланади.**

***Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар, давлат шунингдек маъмурий-ҳудудий тузилмалар майдонга чиқадилар.***

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти қуйидагилардир;

- нарса-буюмлар;
- пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк;
- шу жумладан мулкий ҳуқуқлар;
- ихтиролар, саноат намуналари, илм-фан, адабиёт, санъат асарлари, ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари;
- шунингдек бошқа моддий ва номоддий неъматлар, хатти-ҳаракатлар;
- инсоннинг номи, ор-номуси, қадр-қиммати, ҳаёти, саломатлиги, тан дахлсизлиги ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектларига киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмуни субъектни ҳуқуқ ва вазифалардан иборатдир, чунки улар шундай бир асосий нарсани ташкил этадики, усиз ҳуқуқий муносабатлар бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас.

***Субъектив ҳуқуқ дейилганда ваколатли шахснинг мумкин бўлган ҳулқ-атворининг қонунда рухсат этилган чроа-тадбири тушунилади. Субъектив вазифалар дейилганда жавобгар шахснинг лозим даражадаги ҳулқ-атворининг чора-тадбири тушунилади, у қонунда белгиланган ёки рухсат этилган бўлади.***

Субъектив ҳуқуқ субъектив тегишли вазифалар билан узвий боғлиқдир. Субъектив ҳуқуқ билан субъектив вазифа бир вақтнинг ўзида пайдо бўлади. Вазифа ўз хусусиятига кўра субъектив ҳуқуқнинг мазмунига тўлиқ мос келади. Бунда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни кейинчалик ўзгариши, мураккаблашуви, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларида янги ҳуқуқлар ва вазифалар пайдо бўлиши мумкин. Кўпгина ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлган вақтидан бошлаб мураккаб бўлади. Уларнинг субъектлари айни вақтнинг ўзида ҳам ваколатли томон, ҳам мажбурий томон бўлиб майдонга чиқиши мумкин.

Субъектив ҳуқуқни объектив ҳуқуқдан фарқлаш зарур. ***Объектив ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлган нормалар, хулқ-атвор қоидаларидан ташкил топади (мулкдорга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи мансуб бўлади).*** Конкрет шахслар эса нормага мувофиқ нарса-буюмга эга бўлиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш учун уни йўл қўйиладиган усул билан қўлга киритиши ва бу билан буюмга бўлган субъектив фуқаролик ҳуқуқига ҳам эга бўлиши лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар:

- мулкий ва шахсий номулкий муносабатларга;
- моддий ва мажбуриятли;
- мутлақ ва нисбий муносабатлар бўлади.

Моддий-ҳуқуқий муносабатлар нарсага эга бўлиш хуқуқи билан, мажбуриятли муносабатлар талаб қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлади. Моддий муносабатларга мулк ҳуқуқи, тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи, гаровгв олиш ҳуқуқи, мажбуриятли муносабатларга шартномалардан келиб чиқадиган муносабатлар киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳар доим юридик фактлар-ҳарактлар, воқеалар асосида вужудга келади. Воқеалар кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўладиган юридик фактлардир (табиий офатлар). Ҳарактлар пайдо бўлиши одамлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўладиган юридик фактлардир (битишув, шартнома, зарар етказиш, маъмурий хужжат чиқариш,кашфиёт яратиш).

Ҳарактлар қонуний ғайри қонуний ҳаракатларга бўлинади. қонуний ҳарактлар қонунга мувофиқ амалга оширилади, ғайри қонуний ҳаракатлар эса қонунни бузган ҳолда содир этилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини суд (хўжалик суди) ҳимоя қилади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маъмурий тартиби ҳам мавжуддир.

**Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати -** Фуқароларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга кирушувининг ҳуқуқий асоси фуқароларнинг ҳуқуқдорлик қобилияти ҳисобланади, бундай ***ҳуқуқий қобилият дейилганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва вазифаларга эга бўлиш қобилияти тушунилади.*** Фуқароларнинг ҳуқуқдорлик қобилияти тенг равишда ҳар бир фуқарога татбиқ этилади, бунда унинг ёши, саломатлиги, миллати, жинси ва шу кабилар хисобга олинмайди. Ҳар бир фуқаро; катта ёшидаги киши ҳам, бола ҳам, соғлом ва руҳий хаста бола ҳам фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунлари бир қатор ҳолларда боланинг ҳам фуқаролик ҳуқуқларини тан олади, бу бола ҳали туғилмаган ҳам бўлади, у тирик туғилади (меросхўр бўлади) деб фараз қилинади.

Республика фуқаролари билан бир қаторда ажнабий фуқаролар ва фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий лаёқатидан (гарчи баъзи бир чеклашлар билан бўлса ҳам) фойдаланадилар.

***Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати-бу ҳуқуқлар миқдори эмас, балки фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлиш учун керак бўладиган***

***ҳуқуқий асосдир. Ҳуқуқий лаёқат инсон туғилиши билан қўлга киритилади ва унинг вафоти билан тугайди.*** Лекин бир қатор ҳолларда бу ҳуқуқ илгарироқ, хусусан шахснинг ноъмалум тарзда йўқ бўлганлиги суд томонидан эътироф этилган, вафот этган деб хисобланган ҳолларда ҳам тугайди.

Ҳуқуқий лаёқатнинг мазмуни фуқаролик қонунларига биноан шахс эга бўлиши мумкин фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифалари мажмуидан иборатдир.

Фуқаро қонунчилиги белгилаб қўйганидек, ҳуқуқий лаёқатни чеклашга қаратилган битишувлар ҳақиқий ҳисобланмайди. қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини чеклаш мумкин. Бундай чеклаш суднинг ҳукми билан қуйидаги ҳолларда жазо чораси сифатида амалга оширилиши мумкин:

- озодликдан маҳрум этилиб, эркинлигини чеклашга, ҳибсга олишга ҳукм этилганда;
- муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати фақат муайян муддатга чекланиши мумкин.

Ҳуқуқий лаёқатдан муомала лаёқатини фарқлаш керак. ***Муомала лаёқати дейилганда фуқаронинг ўз ҳатти-характлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини қўлга киритиш қобилияти тушунилади.*** Ҳуқуқий лаёқатдан фарқли равишда фуқароларнинг муомала лаёқати турлича бўлади. Муомала лаёқати фуқаро 18 ёшга етганда вужудга келади. Фуқаро ана шу ёшга етмасдан никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўла ҳажмда юридик салоҳиятга эга бўлади.

15 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар қисман муомала лаёқатига қобилиятли деб тан олинади. Улар учун битимларни ота-оналари, асраб олган кишилар, васийлар тузадилар. Бироқ қонун 15 ёшгача бўлган болаларнинг майда маиший битимларни амалга оширувига йўл қўяди.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар нисбий муомала лаёқатига эга деб эътироф қилинади. Улар 15 ёшгача бўлган боларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бирмунча кенгроқ иштирок этадилар. Улар ҳар қандай битимларни фақат ота-оналари розилиги билан амалга оширишлари мумкин. Улар мустақил равишда маошларидан фойдаланишга, ўзларининг муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга ҳақлидирлар. Бироқ, пулдан оқилона фойдаланилмаган тақдирда ота-она, жамоатчилик, васийлик ва ҳомийлик идоранинг илтимоси билан ўсмир иш хаққи ёки стипендиясидан чекланган миқдорда фойдаланиши мумкин.

Агар фуқаро спиртли ичимликларни суистеъмол қилса ёки гиёҳвандлик қилса ва бу билан ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйса, фуқаролик қонунларида унинг муомала лаёқатини чеклаш имконияти кўзда тутилган. Бундай шахсларнинг муомала лаёқатини суд чеклайди. Фуқаро спиртли ичимликни суистеъмол қилишни ва

гиёҳвандликни тўхтатган тақдирда суд муомала лаёқатлигини чекланишини бекор қилиши мумкин.

Шахснинг ҳуқуқий лаёқати чекланган тақдирда ўз-ўзидан унинг муомала лаёқатлигини чеклаш бошланиши мумкин.

**Юридик шахслар** ҳам фуқаролик ўзаро муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар. Бундай шахслар сифатида ўз мол-мулкига эга бўлган, хўжаликни тўла равишда юритадиган ёки алоҳида мулкни тезкорлик билан бошқарадиган ташкилотлар эътироф қилинади, улар ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берадилар ва судда (хўжалик судида) жавобгар сифатида чиқа оладилар.

Шундай қилиб юридик шахс уюшган жамоадир. Юридик шахс муайян мол-мулкка эга бўлиши ва ўз қарзлари бўйича мустақил жавоб бериши лозим. У фуқаролик муомаласида ўз номидан иш кўришга қодирдир.

Юридик шахснинг ташкилий бирлиги Низом билан мустаҳкамланади. У юридик шахсни таъсис этувчилар, улар тузадиган таъсис шартномаси ёки биргаликда бошқа ҳужжат билан тасдиқланади. Улар юридик шахснинг номини, унинг тузилишини, мақсадини, фаолият тартибини, мулкий аҳволини белгилаб беради.

Юридик шахс ўз мол-мулкини ўз номидан мустақил равишда тасарруф қилади, фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлади, хусусан, шҳартномалар тузади, мажбуриятлар қабул қилади ва улар юзасидан мустақил жавобгар бўлади. Юқорида санаб ўтилган белгилардан ақлли бирортаси бўлмай қолса, бу ташкилотнинг юридик шахс эмаслигидан далолат беради.

Юридик шахснинг ҳуқуқдорлик қобилияти махсус хуқуқий қобилият дейилади. Ҳар бир юридик шахс фақат ўз фаолиятининг мақсадига биноан ҳуқуқий қобилиятга эга бўлади. У Низомда белгилаб қўйилган бўлади. Низомда белгилангандан ташқари у амалга оширилган барча ҳқуқий қобилиятлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Юридик шахснинг юридик салоҳияти қонунлар ва таъсис хужжатларига биноан иш олиб борадиган унинг идоралари орқали ёки вакиллар орқали рўёбга чиқарилади.

Юридик шахслар тижораи ва нотижорат ташкилотлар бўлиши мумкин. Тижорат ташкилотлари учун фойда олиш улар фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади, нотижорат ташкилотлар учун эса фойда олиш улар фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланмайди

Тижорат ташкилотлар ҳисобланган юридик шахсларга хўжалик жамиятлари ва ширкатлар, ишлаб чиқариш кооперативлари, давлат, ижара,жамоа корхоналари ва бошға корхоналар киради.

Иккинчи гуруҳ юридик шахсларга жамоат ва диний ташкилотлар, матлубот кооперативлари, хайрия жамғармалари ва мулкдорнинг муассасаси маблағини олиб турадиган бошқа жамғармалар киради.

Юридик шахс мулк эгасининг қарори билан ёки унинг вакили бўлган идора ёки шахснинг, шунингдек, таъсисчилар деб аталувчи бошқа ташкилотлар ва фуқароларнинг қарори билан ташкил этилиши мумкин.

Юридик шахс Низом ёхуд таъсис хужжати асосида, ёки Низом ва таъсис ҳужжати билан биргаликда улар асосида иш олиб боради. Айрим ҳолларда юридик шахс мазкур типдпги ташкилотлар хақидаги умумий Низом асосида ишлаши ҳам мумкин.

Таъсис шартномаси тузилади, Низом тасдиқланади. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида унинг номи, манзили, фаолиятнинг мақсади, юридик шахс органлари таркиби ва ваколати белгилаб берилиши лозим. Шунингдек бошқа хужжатлар; тегишли турдаги юридик шахслар учун қонунда кўзда тутилган ҳужжатлар ҳам бўлади.

Таъсисчининг таъсис шартномасида юридик шахсни ташкил этиш соҳасида биргаликдаги фаолият тартиби, унга ўз мол-мулкини бериш ва унинг фаолиятида қатнашиш шартлари белгилаб берилади.Шартномада таъсисчилар ўртасида фойдани ва зарарни тақсимлаш, юридик шахснинг фаолиятини бошқариш,таъсисчиларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгиланади.

Барча юридик шахслар ҳокимиятлар ёки адлия идораларида давлат рўйхатидан ўтишлари керак.

Юридик шахс бўлиниши натижасида пайдо бўлган янги юридик шахсларга тарқатиб юборилган юридик шахснинг мулкий ҳуқуқлари ва вазифалари тегишли қисмларда тақсимлаш хужжати асосида ўтади. Юридик шахсдан битта ёки бир нечта юридик шахслар ажратишда мулкий ҳуқуқлар ва вазифалар ҳам тегишли қисмларда тақсимлаш хужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахсни тугатиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади;

- мулк эгаси ёки унинг вакили бўлган идоранинг, шунингдек юридик шахснинг таъсис хужжатлари билан вакил қилинган идоранинг қарори;
- юридик шахс синган тақдирда ёки юридик шахснинг фаолияти мақсадларига зид фаолият ёхуд қонун билан тақиқланган фаолият мунтазам равишда амалга оширилган тақдирда ёки бўлмаса қонунчилик бир неча марта ёки қўпол равишда бузилган тақдирда суднинг,хўжалик судининг қарори;
- юридик шахс қайси муддатга ташкил этиган бўлса, ўша муддат тугагандан сўнг ёки у қайси мақсадлар учун ташкил этилган бўлса, ўша мақсадларга эришилгандан кейин.

Юридик шахсни тугатиш учун тугатиш комиссияси тузилади, уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган идора тузади. Тугатиш комиссияси юридик шахс жойлашган жойдаги расмий матбуотда унинг тугатилиши, қарз берганларнинг даъво қилиш тартиби ва муддати ҳақида эълон беради.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкини баҳолайди, қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш balансини тузиб чиқади ва уни мулк эгасига ёки тугатиш комиссиясини тузган идорага тақдим этади.

қарз берганлар билан ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади;

- меҳнат шартномаси асосида ишлаган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоб-китоблари;
- бюджетга ижтимоий суғурта мақсадларига шунингдек ижтимоий таъминотга тўловлар;
- тугатилаётган юридик шахс фойдаланаётган ерларга ишлов бериш хужжатларини қоплаш;
- қонун актларига биноан қарз берганлар билан ҳисоб-китоблар.

Мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда у қарз берганлар ўртасида қондирилиши лозим бўлган талаблар миқдорига муносиб равишда тегишли навбат билан тақсимланади. Агар қарз берганларнинг талабини қондириш учун юридик шахснинг пул маблағи етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкини  сотиши мумкин.

Даъво қилиш муддати ўтгандан кейин билдирилган даъволар, ўз муддатида тушган даъволар қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ҳисобидан қондирилади.

қарз берганларнинг даъволари қондирилгандан сўнг қолган маблағлар мулк эгасига берилади ва унинг ихтиёрига кўра фойдаланилади.

## Битимлар, вакиллик ишончнома, муддатлар ва даъво муддатлари

Битим фуқаролик - хуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишида энг кўп тарқалган асосдир. ***Битим дейилганда фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик хуқуқлари ва вазифаларини белгилаш, ўзгартириш тўхтатишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.*** Лекин ҳар қандай харакат ҳам битим бўлавермайди. қонун доирасида амалга оширилиши лозим бўлган, яъни хуқуқий харакат битим бўлади.

Битимларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар битимга асос бўладиган қандайдир мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Айрим ҳолларда битимнинг асоси унинг мазмунидан билиниб туради. Бошқа холларда битим мазмунидан уни амалга ошириш мақсадини билиб олиш қийин бўлади (вексельчек). Биринчи ҳолда битим тасодифий, иккинчи ҳолда абстракт (мавҳум) дейилади.

Битимлар қандай мақсадда амалга оширилаётган бўлса ана шу мақсадга эришиш учун улар муайян шартларга мувофиқ келиши зарур:

- биринчидан, битимни амалга оширувчи онгли равишда ҳаракат қилиши, яъни ўз ҳаракатлари оқибатини тушуниши лозим;
- иккинчидан, битимни амалга оширувчи эркин, ҳеч бир мажбур қилишсиз ҳаракат қилиши лозим;
- учиничидан, битим қонуний бўлиши-амалдаги қонунларга мос келиши керак;

- тўртинчидан, битим қонунда мазкур битим учун бирдан-бир мумкин бўлган шаклда амалга оширилиши лозим. Агар бу шартлардан ақалли биттасига риоя этилмаган бўлса, битим бўлмағур ёки мутлақо ҳақиқий эмас деб эътироф этилади.

Ҳуқуқ нормасига кўра тузилган пайтида ҳақиқат бўлмаган битимлар бўлмағур ёки мутлақо ҳақиқий эмас деб аталади. Амалга оширилган вақтда томонларда ҳуқуқ ва вазифалар келтириб чиқарса, лекин баҳслашув натижасида ҳақиқий эмас, деб топилса, нисбатан ҳақиқий эмас ёки баҳслашадиган битимлар дейилади. Баҳслашадиган битим ҳақиқий эмас, деб топилса, у амалга оширилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб тан олинади.

- Битимнинг ҳақиқий эмас деб топилиши қуйидагиларга сабаб бўлади:
- биринчидан, ҳар бир томон битим бўйича нима топширган бўлса, унга шу нарса қайтарилади, олинган нарсани натура шаклида қайтаришнинг иложи бўлмаса, унинг қиммати пул билан қайтарилади, бу икки томонлама реститутция деб аталади;
- иккинчидан, томонлар олган барча нарсалар ёки олишга мўлжалланган нарсалар давлат даромадига ўтказилади, яъни реституцияга йўл қўйилмайди;
- учинчидан, битта томонга (зарар кўрган томонга) мол-мулкни қайтариш ва айбдор томон олган барча нарсани давлат даромадига ўтказиш ёки бир томонлама реституция.

Бундан ташқари қонунда келгуси вақтга битимни тўхтатиш имконияти, айбдор томоннинг зарар кўрган томонга унинг ўрнини тўлдириши (мол-мулкни қайтариб беришдан ташқари).

Республиканинг фуқаролик кодексига мувофиқ қуйидаги битимлар ҳақиқий саналмайди:

- ғайриқонуний битимлар;
- юридик шахснинг ҳуқуқий қобилиятини бузган ҳолда тузилган битимлар;
- муомала лаёқатига эга бўлмаган шахснинг тузган битимлари (майда маиший битимлардан ташқари; улар битимни тузиш вақтида амалга оширилади);
- қонунда белгиланган шаклни бузиб амалга оширилган битимлар, агар бундай оқибат қонунда кўзда тутилган бўлса;
- сохта ёки ёлғондакам битимлар, яъни юридик оқибатларни вужудга келтириш ниятисиз ёки бошқа битимни ниқоблаш учун тузилган битимлар.

Нисбатан ҳақиқий ёки эътироз билдириладиган битимларга унинг қатнашчиларининг ҳохиши тўлақонли бўлмаганлиги сабабли эътироз билдирадиган битимлар ёҳуд унга бошқа томоннинг нотўғри таъсири ёки шароит таъсири остида тузилган битимлар киради.

Битим қатнашчилари ҳоҳигғшининг тўлақонли бўлмаслиги унинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади;

- 15-18 ёшли балоғатга етмаган ўсмир томонидан ота-онасининг розилигисиз битим тузилгани ҳақида ота-оналар, васийлар даъвоси бўйича;
- муомала лаёқати чекланган фуқаронинг уни васийликка олган фуқаронинг розилигисиз битим тузгани, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш оқибатидир;
- муомала лаёқати фуқаро битим тузилган вақтда ўз ҳатти-ҳарактларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ҳолатда бўлганда (кучли маст бўлиш, кучли асабий ҳаяжонланиш ва ҳ.к.).

Битимни амалга оширган шахснинг иродасини шакллантиришнинг нормал бўлмаган шарт-шароитларига қуйидагилар киради;

- янглишув - у бирор ҳолат хақидаги хато тасаввурдан иборат. Шу билан бирга янглишув муҳим бўлиши керак, шахс усиз оқилона иш кўриб ва нарсаларнинг ҳақиқий аҳволини билиб ҳаракат қилганда бу битимни амалга оширмаган бўларди;
- алдаш ёлғон гап айтиш, ваъда бериш, қандайдир фактлар ҳақида ҳеч нарса айтмаслик йўли билан бошқа шахсни атайлаб янглиштириш. Алдаш фақат битим қатнашчиси томонидан эмас, балки унинг илтимоси ёки руҳсати билан учинчи шахс томонидан ҳам бўлиши мумкин;
- зўравонлик - бошқа шахснинг ўзига ёхуд унинг қариндошларига жисмоний ёки маънавий зулм ўтказиш йўли билан унинг иродасига ғайриҳуқуқий таъсир кўпсатиш;
- дўқ қилиш, бошқа томонга ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш, бунинг оқибатида битимга киришади;
- бир томон вакилининг иккинчи томон вакили билан ёвуз ният билан келишувга кириши-бу келишув вакилга зарар етказиш ҳақидаги келишув бўлиб, лекин у қарши агент ёки вакилнинг ўзи, ёҳуд униси ва бунисининг манфаати йўлида амалга оширилади;
- шахсда вақтинча биринчилик ўтказиш учун маблағ, биринчи галда зарур бўлган буюмлар йўқлигини ифодаловчи оғир вазиятлар натижасида ниҳоятда фойдасиз битим тузилиши.

***Битимлар бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади.*** Бир томонлама битимлар шундай битимларки, бунда битта шахснинг хатти-харакати бошқа шахслар учун ҳуқуқ ва вазифалар вужудга келтиради (васият, ишончнома бериш). Икки ёки кўп томонлама битимлар-бу икки ёки бир неча кишининг шартномаларидир (олди-сотди, пудрат, ёлланиш шартномаси).

Кўп ҳолларда битимнинг ҳуқуқий оқибатлари қуйидагиларни белгилаш билан боғлиқ бўлади;

- томонларда ҳуқуқ ва вазифалар пайдо бўла бошлайдиган вақт;
- битимни бажариш вақти;
- битимни тўхтатиш пайти;

Бундай битимлар муддатли битимлар дейилади. Улар муайян муддатга тузилган битимларга (агар муддати бошланиши маълум бўлса) ва

номуайян муддатга тузилган битимларга (бунда муддати бошлангани маълум бўлмайди) бўлинади.

Агар муддати аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда битим бўйича ишга киришиш ваколатли томоннинг талаби билан исталган пайтда бошланиши лозим, лекин етти кунлик имтиёзли муддат берилади.

Битим бўйича ҳуқуқ ва вазифаларнинг пайдо бўлиши ёки тўхтатилиши қандайдир ҳолатлар, шарт-шароитларнинг бошланишига боғлиқ бўлади, улар битим мазмунига киритилади. Бундай битимлар шартли битишувлар дейилади. Шартлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим;

- улар келажакка қаратилган бўлиши;
- улар муқаррар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда улар муддатли шартларга айланиб қолади;
- улар ғайриҳуқуқий бўлмаслиги лозим.

Шартлар кечиктириб бўладиган бўлиши мумкин, ҳуқуқ ва вазифалар фақат ана шу шартлар бошланиши билан пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, бекор қилинадиган шартлар бўлиши ҳам мумкин, бунда ҳуқуқ ва вазифаларнинг тўхтатилиши шартларнинг бошланишига боғлиқ қилиб қўйилади.Ҳуқуқ ва вазифалар битим тузилгандан кейин дарҳол вужудга келади.

Битим қонунда белгиланган муайян кўринишда бўлиб, у оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши мумкин.Ёзма битим оддий ва нотариал битимларга бўлинади.

Ёзма шаклдаги битим истак билдирган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланиши лозим. Агар шахс жисмоний камчилиги ёки касаллиги оқибатида битимга ўз қўли билан имзо қўя олмаса, уни имзолашни бошқа шахсга топширишга ҳақлидир. Лекин бу имзо лозим даражада (нотариал йўл билан, уй-жой бошқармасида, иш жойида) тасдиқланимши керак.

Ҳат ёки телеграмма айирбошлаш, тасдиқномалар ҳам оддий ёзма битим ҳисобланади (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса).

Агар оддий ёзма шаклга риоя қилинмаса, низо келиб чиққан тақдирда, томонлар гарчи ёзма далиллар келтира олсалар ҳам, гувоҳларга таяна олмайдилар.

Агар даъво билдирилган томон битим тузилганлиги фактини, унинг бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлигини инкор этмаса, у ҳолда суд даъвони қондиришга ҳақли бўлади.

қонун талаб қилгани ҳолда ёзма шаклга риоя этилмаслиги битимни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келади.

Нотариал битим қонунда кўзда тутилган ҳолларда, хусусан уйни сотиш-олишда, қишлоқ жойларидан ташқарида беш юз сўмдан ортиқ миқдордаги мол-мулкни инъом этган шартномасида, васият тузиш чоғида шарт бўлади.

Айрим битимлар саъй-ҳаракатлар шаклида тузилиши мумкин, улар ўз-ўзидан шахснинг битимга киришув ҳақидаги ниятидан гувоҳлик беради (конклюдент битимлар).

## Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар

***Мол-мулк дейилганда айрим нарса буюмлар ёки уларнинг жами тушунилади. Баъзи ҳолларда мол-мулк қимматли қоғозлар, пул, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан (харидордан) иборат бўлади. Баъзан бу атама мулкий ҳуқуқлар ёки мулкий ҳуқуқлар ва вазифалар мажмуи сифатида ҳам ишлатилади.***

Асосан мол-мулк билан боғлиқ фуқаролик қонунлари аввало «нарса-буюмларга бўлган ҳуқуқлар»ни мустаҳкамлайди. Нарса-буюмлар мулк ҳуқуқи, гаров ҳуқуқи, олди-сотди, мол етказиб бериш, шартнома тузиш, айирбошлаш, инъом этиш, заём, мулкий ёллаш, гаровга олиш, сақлаш ҳуқуқлари объекти ҳисобланади. Нарса-буюмлар табиат буюмлари ёки меҳнат натижаларидир.

Хоятда хилма-хил нарса-буюмларни қонун муайян тизимга солади; уларни гуруҳларга бирлаштиради, уларнинг ҳар бирига оддий ҳуқуқий тартиб белгилайди.

***Нарса-буюмлар ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол воситаларига бўлинади, улар истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, алоҳида ва биргаликда олинган, асосий нарсалар ва ашёлар бўлади.***

Истеъмол қилинадиган нарсалар деб бир марта фойдаланиладиган нарсаларга айтилади, гарчи улар едирилса ҳам, ўзининг сифатини озми-кўпми узоқ муддат сақлаб қолади (уй-жойлар, машиналар, дастгоҳлар, китоблар).

Бўлинадиган нарсалар шундай нарсаларки, уларни мазкур нарса-буюм учун хўжалик жиҳатидан зарар келтирмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин, лекин уларнинг ҳар бири қиммати ва хўжалик аҳамиятини сақлаб қолади.

Бўлинмайдиган нарсалар - қисмларга бўлиш вақтида улар хўжалик аҳамияти ва қимматини йўқотади.

Нарсалар йиғиндиси-умумий хўжалик ёки хилма-хил нарса-буюмлар мажмуидан иборат бўлиб, кишилар рўзғорида ягона бир бутун, яхлит нарса деб қаралади, лекин табиатан улар ўзаро бирлаштирилмаган бўлади (кутубхоналар, мебеллар гарнитураси). Нарсалар йиғиндисини топшириши лозим бўлган қарздор (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса) уни ўзгартира олмайди.

Ашё, асосий нарса-буюмга хизмат қилишга мўлжалланган бўлиб, унга умумий хўжалик вазифаси билан боғланган бўлади. Асосий нарса-буюм мустақил аҳамиятга, ашё эса боғлиқ аҳамиятга эгадир.

Нарса-буюмларнинг алоҳида тури-пул ва қимматли қоғозлардир. Пул шундай нарсалар жумласига кирадики, улар ўзига хос белгилардан ҳоли бўлиб, уларни миқдор ажратиб туради. Пул зарур тўлов ҳисобланади.

қимматли қоғоз бу мулкий ҳуқуқдан гувоҳлик берувчи шундай бир ҳужжатки, унинг асл нусҳасини кўрсатган тақдирдагина бу ҳуқуқни амалга ошириш мумкин. Бу ўринда шундай қоида амал қилади: ҳужжат бўлса ҳуқуқ бўлади, ҳужжат йўқми демак ҳуқуқ ҳам йўқ.

қимматли қоғозлар номи ёзилган, ордер шаклидаги тақдим этиладиган қоғозлар бўлиши мумкин. Тақдим этиладиган қимматли қоғозда тақдим этувчининг номи ёзилмайди ва уни унга эга бўлган ҳар ким тақдим этиши мумкин (лоторея билети). Номи ёзилган қимматли қоғозда шахснинг номи қайд этилган бўлиб, у ҳужжатда мустаҳкамланган мулкий ҳуқуқни амалга оширишга ваколатли ҳисобланади

Ордер шаклидаги қимматли қоғоз биринчи марта харид қилган муайян шахс номига тузилиб, «унинг буйруғига биноан» деб кўрсатилади. Бу қимматли қоғозда кўрсатиб ўтилган шахснинг ўз навбтида қарз олувчи мазкур қоғози бўйича кимга тўлаши лозимлиги кўрсатилади (чек, коносамент).

қимматли қоғозларга қуйидагилар киради;

- **облигациялар -** қимматли қоғоз бўлиб, уни сақловчининг облигацияни чиқарувчи шахсдан облигациянинг унда кўрсатилган номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентни кўрсатиб ўтилган муддатда олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Облигация уни сақловчига унда қайд этилган номинал қиймат фондини олиш ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларни беради. Облигациялар тақдим этилувчи ёки номи ёзилган облигациялар бўлади, улар эркин муомалада ёхуд муомала доираси чекланган бўлиши мумкин:
- **чек** - қимматли қоғоз; у чек берувчининг чекни сақловчига унда кўрсатилган суммани тўлаши ҳақида банкка берган ва хеч кимга боғлиқ бўлмаган ёзма фаолиятини ўз ичига олади. Чек қонунда белгиланган муддатда тўлаш учун кўрсатилмоғи лозим;
- **вексель** -қимматли қоғоз; у вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг унда назарда тутилган муддат етиб келиши билан вексель эгасига (вексель берувчига)муайян суммани тўлаш бўйича ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган мажбуриятини тасдиқлайди. Биринчи ҳолда вексель оддий, иккинчи ҳолда ўтказилувчи вексель дейилади;
- **акция** -қимматли қоғоз; у акцияни сақловчининг (ҳиссадорнинг) ҳиссадорлик (акционерлик)жамияти фойдасининг бир қисмини дивиденд сифатида олишга, ҳиссадорлик жамияти ишини бошқаришда иштирок этишга жамият тугатилгандан сўнг унинг қолган мулкининг бир қисмини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди. Акциялар ҳам номи ёзилган ва тақдим этувчига мўлжалланган, эркин муомалада ёки чекланган доирада муомалада бўладиган акциялар бўлади;

- ♦ **коносамент**-товарни тасарруф қилиш хужжати бўлиб, уни сақловчининг ҳужжатда кўрсатилган юкни тасарруф қилиш ва ташиб бўлингандан сўнг юкни олиш ҳуқуқини тасдиқлайди;
- ♦ **жамғарма**-сертификати пул маблағлари қўйилганлиги шақида банкнинг берадиган ёзма гувоҳномаси бўлиб, пул қўювчининг белгиланган муддат томом бўлгач, омонат суммасини ва ундаги фоиз миқдорини мазкур банкнинг ҳар қандай бўлимидан олишга бўлган ҳуқуқини тасди-лайди. Сертификат муддатидан олдин ҳақ тўлаш учун тақдим этилган тақдирда пасайтирилган миқдор бўйича ҳисобланган омонат суммасини ва фоизлар тўланади. Жамғарма сертификатлари номи ёзилган ва тақдим этувчига мўлжалланган бўлади.

Мол-мулк кўчмас ва кўчма мол-мулкка ер участкалари, бинолар, иншоотлар.корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар,кўп йиллик ўсимликлар киради. Мол-мулкни унинг вазифасига зарар етказмаган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлса, (агар қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса), бундай мол-мулк кўчма мол-мулкка киритилади.

**Муддатлар.** Кўп ҳолларда фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий жараёнларнинг бошланиши муддатлар билан боғланади Муддатлар ҳуқуқий асослар бўйича қуйидагиларга бўлинади;

- ♦ ҳуқуқ ҳосил қилувчи муддатлар-ҳуқуқ ва вазифаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи муддатлар (18 ёшдан бошлаб ҳуқуқий қобилиятнинг пайдо бўлиши);
- ♦ ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар-ҳуқуқий муносабатларнинг, айрим ҳуқуқлар ва вазифаларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи муддатлар (масалан, қонун юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан ҳуқуқ ва вазифаларнинг ўтишини боғлиқ қилиб қўяди);
- ♦ ҳуқуқни тугатувчи муддатлар-ҳуқуқий муносабатлар, айрим ҳуқуқлар ва вазифаларнинг тўхташига сабаб бўлувчи муддатлар (агар олти ой муддат ичида даъво билдирилмаса, қарз берувчиларнинг мерос берувчига ҳуқуқнинг тўхтатилиши).

Бир хил муддатлар томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши (диспозитив муддатлар), бошқалари ўзгартирилмаслиги мумкин (императив муддатлар).

Муддатларни ким белгилашига қараб улар қуйидагиларга бўлинади;

- ♦ қонунда кўзда тутилган муддатлар;
- ♦ битим томонлари кўрсатган муддатлар;
- ♦ суд белгилайдиган муддатлар.

Муддатларни белгилаш усулига қараб ула календарь санаси билан белгиланадиган вақт ўтиши билан содир содир бўлишимуқаррар бўлган воқеаларни кўрсатадиган муддатларга бўлинади.

Фуқаролик ҳуқуқий вазифаларини бажариш муддатлари умумий ва хусусий бўлади. Умумий муддатлар дейилганда вазифаларни умуман бажариш муддатлари назарда тутилади. Хусусий муддат вазифаларнинг муайян қисмини ёки қисмларга бўлиб бажариш муддатини билдиради.

Муддатлар йиллар, ойлар,ҳафталар,кунлар, соатлари билан хисобланади. Муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календар санадан ёки воқеадан кейинги кундан бошланади. Масалан.меросни қабул қилиб олиш муддати меросни берувчи вафотининг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири муддатнинг охириги йилидан тегишли ой ва кунда тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охириги ойидан тегишли кунда тамом бўлади. Ярим ой билан белгиланадиган муддат кунлар билан ҳисоб қилинадиган муддат сифатида қаралади ва 15 куга тенг бўлади.

Ойлар билан ҳисоб қилинадиган муддатнинг охири тегишли числоси (куни) бўлмайдиган ойга тўғри келиб қолса, у ҳолда муддат ойнинг охирги кунида тамом бўлади.

Ҳафталар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охирги хафтасининг тегишли кунида тамом бўлади. Агар охирги кун иш кунига тўғри келмай қолса, муддатнинг тамом бўлиш куни иш куни бўлмаган кундан кейин келадиган энг яқин иш куни ҳисобланади.

Бирор харакатни бажариш учун муддат белгиланган бўлса, у ҳаракт муддатнинг охирги куни соат 24 га қадар бажарилиши, ташкилотда эса ишларни тўхтатишнинг тегишли соатида адо этилиши мумкин.

Почта ёки телеграфга муддатнинг охирги куни соат 24 га қадар топширилган барча ёзма аризалар ва билдиришлар муддатида топширилган ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўзларининг субъектив ҳуқуқларини фақат муайян муддат мобайнида-даъво билдириш муддати ичида ҳал этишлари мумкин. Даъво билдириш муддати дейилганда ҳуқуқи бузилаётган шахснинг даъвоси бўйича унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш муддати тушунилади.

Фуқаролик қонуни даъво билдиришнинг икки хил миллатини; умумий ва қисқартирилган муддатини белгилайди. Даъво билдиришнинг умумий муддати уч йил қилиб белгиланган. Агар аниқ ходиса бўйича қисқартирилган муддат назарда тутилмаган бўлса, умумий муддат татбиқ этилади. қисқартирилган муддат талабларнинг айрим турлари учун назарда тутилган бўлиб, давом этиши турлича бўлади, масалан, жарималар ундириш ҳақидаги даъволар юзасидан муддат-олти ой қилиб белгиланган.

## Мулк ва унинг ҳуқуқий асослари

Мулк ҳуқуқи ҳар қандай мулк тизимининг, шу жумладан бизнинг ҳуқуқимизнинг туб омили ҳисобланади.

***Мулк эгаси мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Мулк билан мулкчилик ҳуқуқини фарқлаш керак.***

Мулк иқтисодий тушунча,мулкчилик ҳуқуқи-хуқуқий тушунчадир. Мулк-бу кишилар ўртасида нарса буюмлар хусусида бўлган муносабатлардир, улар моддий неъматларнинг бир шахс (жамоа)

томонидан ўзлаштирилиши ёки уларга тегишли бўлиши ҳамда тегишли равишда бу неъматларнинг барча бошқа шахслардан бегоналаштирилишидир.

Мулк ҳуқуқи субъектлари республика фуқаролари жамоалари ёки бирлашмалари, жамоа диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва бошқа бирлашмалари. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари барча даражадаги ҳалқ депутатлари Кенгашлари ва давлат бошқарувининг улар вакил қилиб юборган кишилари, бошқа давлатлар халқаро ташкилотлар, юридик шахслар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар хисобланади.

Маълумки, мулк умумий мулк бўлиши ҳам мумкин. Мол-мулк умумий мулк дейилганда моддий неъматларнинг мансублигидаги шундай муносабатлар тушуниладики, бунда мол-мулк ҳуқуқи асосида бир вақтнинг ўзида бир неча кишига тегишли бўлади.

Умумий улушли мулк шу томони билан ажралиб турадики, бунда аниқ бир мол-мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқи улушлар бўйича биргаликда бир неча шахсларга тегишли бўлади, яъни мол-мулк бўлинмайди, балки мулкчиликнинг ҳуқуқи бўлинади.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқ улуши турли битимларнинг мавзуси (олди-сотди, инъом қилиш, мерос тариқасида бериш) бўлиши, шунингдек қарз берувчилар даъволарининг объекти бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам мулк эгаси умумий мулкдаги ўз улушидан мустақил равишда фойдаланишга ҳақлидир.

**Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилиши.** Юридик фактлар мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилишига асос бўлиши мумкин. Нормал товар оборотида битта шахснинг конкрет мол-мулкига доир мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши бошқа шахснинг бу мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқининг тўхтатилишини билдиради. Шуни назарда тутиш керакки, айни бир юридик фактлар одатда мулк ҳуқуқининг пайдо бўлишига ҳам.унинг тўхтатилишига ҳам асос бўлиб қолади.

Мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва тўхтатилиши асослари умкғумий ёки умумфуқаролик ва махсус асосларга бўлинади. Уларга қуйидагилар киради; ишлаб чиқариш фаолияти натижасида янги нарса буюмларнинг яратилиши; мевалар ва даромадларга мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритилиши; сотиб олувчининг нарсанинг эгаси ёки уни бегоналаштиришга вакил этилган шахс билан шартнома тузиши (олди-сотди, мол етказиб бериш); бир томонлама битимлар (васият).

Махсус асосларга эгасиз мол-мулкни талаб қилиб олинмаган топилма, хазинани мусодара қилиш, унинг давлат мулкига ўтиши киради. Асосларнинг бу тури фақат қонун билан ғатъий белгиланган мулк эгаларида мулкчилик ҳуқуқи вужудга келишига имкон беради.

Нарса-буюмлар турли усуллар билан берилиши мумкин; сотиб олувчининг ўзига топшириш йўли билан, уларни сотиб олувчи кўрсатган манзилгоҳга юбориш учун почтага топшириш йўли билан, тақсимлаш ҳужжатини (коносаментни) топшириш йўли билан.

Мулкчилик хуқуқининг тўхтатилиши асослари мулк эгасига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган асосларга бўлинади. Боғлиқ асослар-булар мол-мулкни мусодара қилиш бўйича ёки пул маблағларини сарфлаш бўйича битимлар; нарса-буюмлар истеъмол қилиш; нарса-буюмлани йўқ қилишдир.

Мулкчилик ҳуқуқини тўхтатишнинг мулк эгасига боғлиқ бўлмаган асосларига қуйидагилар киради; мулкни мажбурий сотиш ёки мулк эгасидан унга жарима солиш тарзида тортиб олиш; табиий офат туфайли мол-мулкнинг зарар кўриши; мулк эгасининг ҳохишидан қатъи назар мол-мулкнинг виждонли харидор томонидан сотиб олиниши.

қонун мулкчиликнинг асосий шакллари сифатида хусусий ва оилавий бўлади.

Мулк ҳуқуқи тизими қуйидагилардан ташкил топади;

- республика фуқароларининг хусусий мулки ҳуқуқи ва хорижий фуқароларнинг мулкчилик ҳуқуқи;
- оилавий мулк ҳуқуқи, маҳалла мулки ҳуқуқи ва юридик шахсларнинг мулкчилик ҳуқуқи;
- Ўзбекистон Республикаси давлат мулкчилик ҳуқуқи ва маъмурий-ҳудудий тузилммалар давлат мулкчилик (коммунал мулкчилик) ҳуқуқи;
- ажнабий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг мулкчилик ҳуқуқи; ажнабий давлатлар, юридик шахсларнинг мулкчилик ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида Мулк тўғрисидаги қонуннинг 24 ва 26-моддалари қуйидаги тушунчаларни киритади;

- Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ва давлат мулкини тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи;
- бегоналарнинг мол-мулкига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишга доир мутлақ ваколатлардан иборат бўлиб, мулк эгасининг ҳуқуқларидан келиб чиқади ва унинг ҳохиши билан (ёки қонуннинг бевосита кўрсатмаси билан) вужудга келади, мулк ҳуқуқига нисбатан чекланган мазмунга эга бўлса ҳам, у билан баробар қонун билан ҳимоя қилинади.

Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ишлаб чиқариш корхоналарига, тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи давлат муассасаларига берилади. Тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан бирмунча чекланган бўлади.

***Хусусий мулк мол-мулкка хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш натижасидир.*** Хусусий мулк мулк эгасининг шахсий меҳнатига ва ёлланма меҳнатни татбиқ этишга, яъни меҳнатни ташкил этишнинг мажбур этувчи шаклини эмас, балки мулк эгаси билан эркин шартномага асосланган меҳнат негизида ташкил топиши мумкин.

қонунда кўзда тутилишича, айрим объектлар хусусий мулк бўлиши мумкин эмас. Бундай объектларнинг рўйхати қонун билан белгилаб берилган.

Жамоа мулки иқтисодий тушунча сифатида моддий неъматлар (мулк)нинг жамоага тегишли эканлигини, яъни ўзлаштиришнинг якка тартибдалигини эмас, балки жамоа шаклини билдиради.

Умумий мулк ҳуқуқи учун ўзлаштириш субъектларининг кўп сонли эканлиги, яъни қатнашчиларнинг бирлашган мулкига нисбатан битта мулк ҳуқуқининг бир нечта субъектлари бўлиши хосдир.

Юридик шахснинг мулк ҳуқуқи ўзлаштириш субъектининг бирлиги билан ажралиб туради, чунки юридик шахс шу шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки янги мустақил ташкилий тузилма ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг бошқа моддий ҳуқуқларига тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи ва тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи киради.

Маҳалла мулк ҳуқуқининг субъектлари маҳалла аҳолисидир, маҳалла қўмиталари бу мулкка тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф этадилар.

## Мажбурият ҳуқуқи

***Мажбуриятлар бу фуқаролик –ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, улар мол-мулкни топшириш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, зарар келтириш ёки мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш билан боғлиқ ҳолда қарор топади, бу муносабатлар натижасида битта томон бошқасидан муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ёки қандайдир хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишни талаб қилишга ҳақли бўлади.***

Маълумки мажбурият муносабатлари мулкий хусусиятга эга бўлади, лекин номулкий муносабатлар ҳам бўлиши мумкин.

Мажбуриятнинг мазмуни ҳуқуқлар ва вазифалардан иборат бўлади. Кимнинг ҳуқуқи бўлса, у кредитор (қарз берувчи), кимнинг вазифалари бўлса, у қарздор деб аталади.

***Мажбуриятлар вужудга келиш асосларига биноан шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар (бир томонлама битимлар, маъмурий ҳужжатлар, зарар етказиш, мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш ёки сақлаб туриш) бўлади, томонлар ўртасида хуқуқлар ва вазифаларнинг тақсимланишига кўра оддий ва ўзаро мажбуриятлар бўлади.*** Оддий мажбуриятларда битта томон фақат ҳуқуқларга, иккинчи томон мажбуриятларга эга бўлади, ўзаро мажбуриятларда эса ҳар бир томон ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади. Ҳуқуқий алоқаларнинг микдорига қараб мажбуриятлар оддий ва мураккаб мажбуриятларга бўлинади. Оддий мажбуриятларда битта ҳуқуққа битта вазифа тўғри келади, иккинчи, яъни мураккаб мажбуриятда бир нечта ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғри келади.

Шунингдек мажбуриятлар муқобил ва факультатив мажбуриятларга, асосий ва қўшимча мажбуриятларга бўлинади. Муқобил мажбуриятда қарздор кўзда тутилган бир неча мажбуриятдан биттасини амалга ошириши лозим. Факультатив мажбуриятда қарздорга мажбуриятни

алмаштириш (ишни бажаришни мол-мулкни топшириш билан алмаштириш) ҳуқуқи берилади.

Асосий ва қўшимча мажбуриятлар бир-бири билан боғланган бўлади. Асосий мажбуриятнинг тўхтатилиши қўшимча мажбуриятни ҳам тугатади.

Мажбуриятлар орасида регресс мажбуриятлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, бундай мажбуриятлар назарда тутиладики, улар туфайли кредитор қарздордан ўзига у учинчи шахсга берган мол-мулкни топширишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асослар-битимлар, маъмурий ҳужжатлар, бошқа шахсга зарар етказиш, етарли асос бўлмаган ҳолда бошқа шахс ҳисобидан мол-мулкни сотиб олиш ёки сақлаш фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа хатти-ҳаракатлари ҳисобланади.

Битимлар орасида шартномалар муҳим ўрин эгаллайди. Айрим мажбуриятлар бир томонлама битимлардан келиб чиқади (ёдгорлик ўрнатиш учун лойиҳа яратишга танлов эълон қилиш, васият бўйича меросхўрга бир неча шахслардан биттасининг фойдасига қандайдир мажбуриятни бажариш топширилади).

Умумий қоидага кўра мажбуриятда ички томон бўлади; кредитор ва қарздор. Лекин шундай мажбуриятлар ҳам борки, унда томонларнинг сони иккитадан ортиқ бўлади, улар ***кўп шахсли мажбуриятлар деб аталади. Улар урушли ва бирдамлик мажбуриятларига бўлинади***.

Кредиторлар кўп сонли бўлганда (фаол кўпчилик) ҳар бир қарз берувчи қарздордан ўз фойдасига қонунда белгиланган ёки шартномада кўзда тутилган умумий мажбуриятдаги улушини бажариб беришни талаб этиш хуқуқига эга бўлади.

***Улушли мажбурият (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса) кўп шахслар иштирок этадиган ҳар қандай мажбурият бўлиши мумкин.***

Бирдамлик мажбуриятлари уч турда бўлади;

- ♦ битта кредитор-бир неча қарздор (бирдамлик мажбурияти);
- ♦ битта қарздор бир неча кредитор (бирдамлик талаби);
- ♦ бир неча қарздор ва бир нечта кредитор (аралаш бирдамлик).

Бирдамлик мажбуриятларидан энг кўп тарқалгани биринчи турдаги мажбуриятдир, бунда кредитор барча қарздорлардан биргаликда, шунингдек улардан ҳар биридан алоҳида мажбуриятлар бажаришни ҳам тўлиқ, ҳам қарзнинг қисмлари талаб қилишга ҳақли бўлади.

қонун мажбуриятдаги кредиторни ҳам, қарздорни ҳам алмаштиришни (ҳуқуқий ворислик) назарда тутади. Лекин шундай мажбуриятлар ҳам борки, улар қатъиян шахсий тусда бўлади (рассомнинг расм ишлаб бериш учун олган мажбурияти).

Талабни ён бериш-кредитор билан янги шахс ўртасида бу шахсга қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини бериш хақидаги битимдир. Бундай битим қонунга, шартномага ёки мазкур талабнинг шахсий хусусиятига зид келмаса амалга ошиши мумкин. қарздорнинг ана шундай битимга

розилиги талаб қилинмайди, чунки унинг манфаатларига дахл қилинмайди, лекин у бўлиб ўтган битимдан хабардор этилиши лозим.

Бурчни ўтказиш деганда кредитор қарздор ва учинчи шахс ўртасида қарздорни бу шахс билан алмаштириш ҳақидаги битим тушунилади. Кредиторнинг битимда иштирок этиши зарур шартдир, чунки унга қарздор ким бўлиши бефарқ эмас. Бурчни бошқага ўтказиш ва талабни ён бериш хақидаги битим ёзма равишда амалга оширилган битимга асосланган бўлиб, ёзма шаклда бўлиши лозим.

Мажбуриятнинг тарафлари - кредитор еки қарздор сифатида бир еки бир пайтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин.

Мажбуриятда қарздор томонида иштирок этган шахслардан бирига кредитор билдирган талабларнинг ҳақиқий эмаслиги, шунингдек бундай шахсга талаб қўйишга доир даъво муддати ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган шахсларга бўлган талабларига ўзича даҳл этмайди.

Агар тарафлар шартномага биноан бир-бирларига нисбатан мажбуриятли бўлса, тарафлардан ҳар бири бошқа тараф олдида унинг фойдасига нима қилиши шарт эканлиги жиҳатидан унинг қарздори ва айни бир пайтнинг ўзида ундан нима талаб қилишга ҳуқуқли эканлиги жиҳатидан унинг кредитори ҳисобланади.

Мажбурият унда тарафлар сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

қонун ҳужжатларида еки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи еки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкин.

## Мажбуриятларни бажариш

Шартнома интизомни таъминлашнинг муҳим шарти мажбуриятининг бажарилиши ҳисобланади. ***Мажбуриятнинг бажарилиши дейилганда қарздорнинг ундан кредитор талаб қилишга ҳақли бўлган ҳаракатни амалга ошириши тушунилади.*** Мажбуриятларнинг бажарилиши муайян талабларга жавоб бериши лозим. У лозим даражада ва ҳақиқий бўлиши керак. Лозим даражада бажариш мажбуриятнинг қонунда, шартномада билдирилган талабларга мувофиқ равишда адо этилишини билдиради. Лозим даражада бажариш буюмнинг сифат ва миқдорий тавсифларига оғишмай риоя этилишини, мажбуриятларнинг муддатида, муайян жойда, муайян усулда (умуман ёки қисмларга бўлиб) бажарилишини назарда тутади.

Мажбуриятни ҳақиқий бажариш уни табиий тарзда бажаришни кўзда тутади. Ижро этишнинг мумкин эмаслиги бошланиши билан ҳақиқий бажариш талаби бекор бўлади.

***Кредитор қарздорнинг шартномани аниқ ва ўз муддатида бажаришига ишончи комил бўлмаган тақдирда қонун шартномани таъминлаш воситаларига мурожаат қилиш имконини яратиб беради, бу воситаларга неустойка, бай пули, кафиллик ва гаров киради.***

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса - ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (экю, "махсус қарз олиш ҳуқуқлари" ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кунидаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг
бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

Агар мажбуриятни бажариш жойи қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёинки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилмаса, ижро қуйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

- кўчмас мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича - мол-мулк турган жойда;
- ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мулкни
- топшириш мажбуриятлари бўйича товарни кредиторга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;
- қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мулкни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича - мол-мулкни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиши пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;
- пул мажбурияти бўйича - мажбурият вужудга келган пайтда
- кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса - унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса

- ижро этиш жойи ўзгартирилиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида еки жойлашган ерида;

♦ бошқа барча мажбуриятлар бўйича - қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул еки қимматли қоғозларни нотариуснинг депозитига, қонунда белгиланган ҳолларда эса – суднинг депозитига қўйишга ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қуйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

♦ мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор еки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

♦ кредитор муомалага лаеқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса

♦ еки вакил рози бўлмаса;

♦ мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик

♦ йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

♦ кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши еки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини еки қимматли қоғозларни нотариус ехуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади.

Депозитига пул еки қимматли қоғозлар қўйилган нотариус ехуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

Агар қарздор икки еки бир неча ҳаракатлардан бирини қилиши ехуд кредиторга бир еки бошқа мол-мулкни топшириши лозим бўлса, башарти қонун ҳужжатлари, шартнома еки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиерида бўлади.

Тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади.

Бурчли тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган еки мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаслигини очиқ кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга еки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва кўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномада кўрсатилган мажбурият тўла ҳажмда бажарилмаган бўлса, муқобил ижрони ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятининг иккинчи тарафнинг тўла ҳажмда бажарилмаган мажбуриятига мос келадиган қисмини бажаришни тўхтатиб қўйишга еки бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Агар бир тараф шартномада белгилаб қўйилган ўз мажбуриятини бажармаган бўлишига қарамай, иккинчи тараф мажбуриятнинг муқобил ижросини амалга оширган бўлса, биринчи тараф ўз мажбуриятини бажариши шарт.

Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қилиб олаетган вақтида ушбу ҳужжатни қайтариб бериши, қайтариб беришнинг имкони бўлмаганида эса буни ўзи бераетган тилхатда кўрсатиши керак. Тилхат ўрнига қайтариб берилаетган қарз ҳужжатига устхат езилиши мумкин. қарз ҳужжатининг қарздорда бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор
бўлганлигини тасдиқлайди.

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан еки қайтариб бериш имкони йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади.

Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари еки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

***қонун ҳужжатлари еки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган еки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.***

Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас.

Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги еки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

***Неустойка жарима еки пеня шаклида бўлади.***

қарздор мажбуриятларни бажармаган еки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланалиган неустойка пеня ҳисобланади.

Неустойка тўғрисидаги келишув езма шаклда тузилиши керак.

Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган еки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

***Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни еки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.***

қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда гаров туфайли гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан қаноат ҳосил қилишга ҳақлидир. Гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан кредитор талабининг қондирилиши (агар қонунда бошқа нарса

белгиланган бўлса) суднинг, хўжалик судининг қарорига кўра амалга оширилади.

Гаров ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- ♦ гаров билан таъмин этилган мажбуриятнинг тўхтатилиши билан;
- ♦ гаровга қўйилган мулк нобуд бўлган тақдирда;
- ♦ гаровга сақлаб турувчи шахс гаровга қўйилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган тақдирда;
- ♦ гаровга қўйилган мулк мажбурий равишда сотилган тақдирда.

Фуқароларга гаровхона (ломбард) нинг гаров асосида қарз бериши ҳамиша мулкни гаровхонага топшириш билан амалга оширилади. Буюмлар томонларнинг келишувига биноан баҳоланади. Гаровга нарса қўйган киши гаровхонага қарзни шартномада (гаров билетида) кўрсатилган муддатда қайтариши шарт. қарз қайтарилмаган тақдирда гаровхона бир ой муддат ўтгандан кейин мулкни комиссия шартномасига кўра сотиш учун савдо ташкилотларига топширади. Буюмни сотишдан тушган пулдан қарз ва унинг фоизлари, сақлаш,суғурта ва сотиш харажатлари қопланади. қолган маблағ гаров билети эгасига қайтарилади. Агар у уч йил ичида талаб қилиб олмаса, қолдиқ давлат даромадига ўтказилади.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик еки унга зиен етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти мол-мулкни йўқотиш еки унга зиен етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Гаров шартнома еки қонун асосида амалда юзага келади.

***Гаров закалат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.***

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади.

***Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.***

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашелар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаети ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкини гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши еки чекланиши мумкин.

***Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ехуд, башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса - нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан утказилиши шарт бўлганида эса - у рўйхатдан утказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.***

Башарти, гаров нарсаси қонунга еки шартномага асосан гаровга қўювчида бўлиши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаси берилган пайтдан, башарти бундай топшириш шартнома тузилишидан аввал амалга ошган бўлса - шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома езма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни еки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

«Ипотека тўгрисида»ги қонун Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28июнда қабул қилинган.

Ушбу қонуннинг мақсади кўчмас мулк гарови (бундан буен матнда ипотека деб юритилади) қўлланилганда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ипотека ипотека тўгрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги ипотека) еки қонун асосида (қонун асосидаги ипотека) вужудга келади.

Ипотека тўгрисидаги шартнома бўйича бир тараф-ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор бўлган гаровга олувчи (бундан буен матнда ипотекага олуви деб юритилади) шу мажбурият бўйича ўзининг қарздорга нисбатан пул талаблари бошқа тарафнинг-гаровга қўювчининг (бундан буен матнда ипотекага қўювчи деб юритилади) гаровга қўйилган кўчмас мулкни қийматидан ипотекагақўйувчининг боқа кредиторларига қараганда имтиезли қаноатлантирилиш ҳуқуқига эга бўлади)

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи еки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашевий кафил) ипотекага қўйувчи бўлиши мумкин.

Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўгрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекақўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

Ипотека, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси еки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбуриятни, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга

келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин.

Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер учаскалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Ипотека тўгрисидаги қоидаларга қуйидагилар киради:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаетган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига;

якка тартибдаги уй-жой қуриш еки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

агар шартномада еки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўгрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

агар шартномада еки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ипотека тўгрисидаги шартномада номи, турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаси, унинг баҳоси,моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек тарафлар келишувига эришган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Ипотека тўгрисидаги шартномада ипотека нарсаси бўлган мол-мулк ипотекага қўйувчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва ипотекага қўйувчининг бу ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг ( бундан буен матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) номи кўрсатилган бўлиши керак.

Агар гаровга қўйувчи тегишли ижара ҳуқуқи гаров нарсаси бўлса, ижарага олинган мол-мулк айнан унинг ўзи ипотека нарсаси бўлгандагина каби гаров шартномасида белгиланиши ва ижара муддати кўрсатилиши керак.

Ипотека нарсасини баҳолаш ипотекага қўйувчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга кўра еки баҳолаш фаолияти тўгрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншоатлар) гарови давлат реестрига тегишли езув киритиш орқали амалга оширилади.

Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўгрисидаги шартнома асос бўлади.

Ипотека олувчининг ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ва ипотека тўгрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари, агар ушбу қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

Гаров хатини рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан дастлабки ипотекага олувчига берилаетган пайтда унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Ҳужжат номига киритилган «гаров хати» деган сўз;

Ипотекага қўюувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи еки, агар ипотекага қўювчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

Мажбуриятнинг бажарилиши ипотека билан таъминланадиган шартномаларнинг мазкур шартнома тузилган сана ва жой еки ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг вужудга келиши асослари кўрсатилган реквизитлари;

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг, агар у ипотекага қўювчи бўлмаса, фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи еки, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери ( почта манзили);

Ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси ва, агар шу мажбурият бўйича фоизлар тўланиши керак бўлса, уларнинг миқдори ехуд бу сумма ва фоизларни лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартлар;

Ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси тўланадиган муддат, агар бу сумма қисмларга бўлиб тўланиши лозим бўлса, тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ҳамда улардан ҳар бирининг миқдори еки тўловларнинг ана шу муддатлари ва миқдорларини аниқлаш имкониятини берадиган шартлар (қарзни узиш режаси);

Ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг номи ва уни идентификация қилиш учун етарли тавсифи ҳамда шундай мулк турган жой;

Ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси, ипотекани белгилаш қонунга асосан мажбурий бўлган ҳолларда эса, шундай мол-мулкнинг баҳоловчи хулосаси билан тасдиқланган, пулда ифодаланган баҳоси;

Ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулк ипотекага қўювчига тегишлилигига сабаб бўлган ҳуқуқ ва давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва жойи кўрсатилган холда рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, агар ипотекага қўювчига тегишли ижара ҳуқуқи ипотека нарсаси бўлса, Ушбу қисмнинг тўққизинчи хатбошисига мувофиқ ижара нарсаси бўлган шундай мол-мулкнинг номи ва шу ҳуқуқнинг амал қилиш муддати;

Ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулкка гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи, сервитут еки бошқа ҳуқуқ юкланганлиги ехуд ипотека давлат рўйхатидан

ўтказилаетган пайтда мазкур мулкка учинчи шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳеч қандай ҳуқуқ юкланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Ипотека қўювчининг имзоси, агар у учинчи шахс (ашевий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ҳам имзоси;

Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Дастлабки ипотека олувчига гаров хати берилган сана. қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилган тақдирда, ушбу қисмнинг ўн биринчи хатбошисида кўрсатилган маълумотларни гаров хатига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таъминланади.

Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадларга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

Бутун корхона еки бошқа мулкий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи унинг таркибига кирувчи кўчмас ва кўчар мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам, агар қонун еки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жорий қилинади.

Бино еки иншоот ипотекасига айни бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино еки иншоот жойлашган ер участкасини ехуд бу участканинг гаровга қўйилаетган объект ишлашини таъминлайдиган қисмини еки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ехуд унинг тегишли қисмини ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипотекага қўйган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ер участкасини ипотекага қўйишда гаров ҳуқуқи, агар шартномада бошқача шарт назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчининг ушбу участкада бўлган еки қурилаетган бинолари ва иншоотларига жорий қилинмайди.

Агар гаровга қўювчига эмас, балки бошқа шахсга қарашли бинолар еки иншоотлар жойлашган ер участкасига ипотека белгиланган бўлса, гаровга олувчи ундирувни ушбу участкага қаратганида ва у ким ошди савдосида сотилганида гаровга қўювчининг ушбу шахсга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари участкани сотиб олувчига ўтади.

Гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида пайдо бўладиган гаровга нисбатан эса - қонунда, гаровга қўювчи келажакда эга бўладиган ашеларни ва мулкий ҳуқуқларни гаровга қўйиш назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса еки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарсасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли.

Агар қонунда еки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи фақат

гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Гаровга олувчи ўзига топширилган гаров нарсасидан шартномада назарда тутилган ҳоллардагина фойдаланишга ҳақли бўлиб, гаровга қўювчига ундан фойдаланиш тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб туради.

Шартномага мувофиқ гаровга олувчи зиммасига асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг манфаатларини кўзлаб, гаров нарсасидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юклаб қўйилиши мумкин.

Шартнома шартларига кўра гаровга олувчига ўзига топширилган гаров нарсасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ҳолларда у бошқа шахслардан, шу жумладан гаровга қўювчидан ҳам, ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишини бартараф этишни, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам талаб қилиши мумкин.

Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади.

Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас.

Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти, ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга куювчининг ҳуқуқларини ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари вужудга келишда кафиллар мухим ўрин эгалашлари мумкин.

***Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла - ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.***

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Ёзма шаклдаги шартнома кафилликнинг пайдо бўлишига асос хисобланади. Кафиллик қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- ўзи таъминлайдиган мажбуриятни тунаши билан;
- агар кафиллик берувчи янги қарздор учун жавобгар бўлишга рози бўлмаса, қарз бошқа кишига ўтказилганда;
- агар кредитор мажбурият муддати бошланган кундан бошлаб уч ой ичида кафиллик берувчига даъво билдирмаса.
- Талаб қилиш пайти номаълум бўлган ёки маълум бўлган мажбуриятлар бўйича (агар жавобгарлик тўғрисида бошқа битим бўлмаса), кафиллик берувчининг жавобгарлиги кафиллик ҳақидаги шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг тўхтатилади.

қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган еки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда еки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумлалан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги еки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

***Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси еки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кура кафил ўз зиммасига олаетган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида езма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга езма мажбурият беради.***

Кафолат принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди.

Кафолат берилгани учун принципал кафилга ҳақ тўлайди.

Кафилнинг бенефициар олдидаги кафолатда назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу кафолат берилган асосий мажбуриятга, гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинган бўлсада, боғлиқ эмас.

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак.

Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда кўриб чиқиши, муддат

кўрсатилмаганда эса - мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ехи келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак.

Агар бенефициарнинг талаби ехи унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келмаса ехуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади.

Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ехи унинг тегишли қисми бажарилганлиги ехуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги еинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;
- кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;
- бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;
- бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида езма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

***Шартнома тузаетган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.***

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, езма равишда тузилиши керак.

Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига, хусусан ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага риоя қилинмаслиги оқибатида, шубҳа туғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган деб ҳисооланади.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса,закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Агар мажбуриятни бажармаганлик еки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

қонунда еки шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйиладиган;

- ♦ зарар ҳам неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкин бўлган;
- ♦ кредиторнинг танловига кўра еки неустойка ехуд зарар ундириб олиниши мумкин бўлган ҳоллар белгиланиши мумкин.

Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ехуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш еки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти еки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги еки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин.

Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

***қонун ҳужжатлари еки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак.***

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса еки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш еки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса.

Субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондиришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириши, борди-ю бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса - асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиши керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

## Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарлик-таъсир кўрсатишнинг алоҳида чораси бўлиб у фуқаролик қонунини, бошқа шахсларнинг хуқуқлари ва манфаатларини бузган ҳеч бир товонсиз мол-мулкдан маҳрум этишдан иборатдир. Жавобгарликнинг асосий шакли ҳуқуқбузардан у етказган зарарлар ва жарималарни ундириб олиш ҳисобланади. Лекин шундай шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин; битим бўйича қўлга киритилган ҳамма нарсани давлат даромадига ўтказиш, мол-мулкни мусодара қилиш, мулкий санкциялар.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бузган кишига нисбатан уни жавобгарликка тортишдан ташқари, таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ҳам мавжуддир. Булар қарзни ундириб олиш, шартномани бажармаган қарздор билан шартномани бекор қилиш, қарзга берилган пул миқдорини талаб қилиб олиш, мол-мулкни ғайри қонуний равишда ўзиники қилиб олган кишидан суд қарорига биноан мулк эгасининг ўз нарсасини тортиб олишидир.

Фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарлик принципини қуйидагилардир;

- бу жавобгарликнинг қонунбузарларга муқаррар равишда татбиқ этилиши;
- мулкий жазо чорасининг содир қилинган жиноятга мувофиқ келиши.

Фақат қонунда кўзда тутилган ҳолардагина оширилган жавобгарлик белгиланиши мумкин (масалан, сифатсиз маҳсулот етказиб берилган тақдирда).

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошланиши учун бир қатор шарт-шароитлар бўлиши зарур:

- биринчидан, маъсулият юкланган киши хулқ - атворининг ҳуқуққа зидлиги;
- иккинчидан бошқа субъектга зарар етказилиши;
- учинчидан, биринчи шартнинг иккинчиси билан сабабий боғланиши;
- тўртинчидан, ҳуқуққа зид хулқ - атворда ва содир бўлган зарали натижаларда қонунбузарнинг айби.

Бироқ айбсиз ҳолда ҳам бир қатор жавобгарлик ҳолларининг мавжудлигини назарда тутиш керак. Масалан, асоссиз равишда олинган ёки бировнинг ҳисобига сақланган нарсалар учун жазо белгилашда, ҳавфсизлиги юқори даражада бўлган манбага зарар етказилганда шундай бўлади.

Хулқ - атворнинг ҳуқуққа зидлиги шуни билдирадики, жавобгарнинг хатти-харакатлари ҳуқуқ нормасини ва уларга асосланган суъъектив ҳуқуқларни ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузади.

Зарар етказиш дейилганда қуйидагилар тушунилади;

- мол-мулкнинг нобуд бўлиши;
- унга шикаст етказилиши;

- ортиқча чиқимлар қилиниши;
- даромад олмаслик.

Зарарларнинг ана шу тўрт турини содир қилганлик учун жазолаш тўлиқ жавобгарликдан иборатдир. Агар қонун синаб ўтилган зарар турларидан фақат айримларини қилганлик учун жазолашга йўл қўйса,у ҳолда чекланган жавобгарлик ҳақида гап боради.

Зарар етказилиши ҳуқуққа зид ҳулқ-атвлор билан боғлиқ бўлиши лозим. Бу боғлиқлик бевосита ва бавосита хусусиятга эга бўлади. Бевосита боғлиқлик шундай боғлиқликки, унда сабаб ва оқибат бевосита алоқадор бўлади, яъни ҳарактнинг кетидан мазкур оқибат ҳам бошланади. Бевосита боғлиқлик шундай боғлиқликки, унда сабаблар бевосита намоён бўлади, оқибати эса кейинги бўғинлар орқали юз беради.

Бевосита сабаб боғланиши ҳамиша юридик аҳамиятга эга бўлади, бевосита боғланиш эса бошқа сабаб боғланишлари орасида устун аҳамиятга эга бўлганда юз беради.

***Айб-бу шахснинг ўзи содир қилган, ҳуқуққа зид ҳулқ атворига руҳий муносабатда бўлишидир.*** У атайлаб қилиш ва эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Агар жиноят ҳуқуққа шахснинг айбсизлиги презумпиясидан келиб чиқса, фуқаролик ҳуқуқи эса айбдорлик презумпиясидан келиб чиқади. Одатда ҳуқуқбузар ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши лозим бўлади.

Жавобгарлик чоралари секциялари мусодара санкциялари, жарима солиш компенсация (ўрнини қоплаш) санкцияларига бўлинади. Мусодара санкциялари қарздорни мулкдан маҳрум этишни билдиради. Жарима солиш санкциялари зараларни қоплаш имкониятидан ташқари белгиланади. Компенсация санкциялари бошқа томонга етказилган зарарни қоплаш мақсадида қарздорнинг мол-млукини олишга қаратилади (зачёт жарима)

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг миқдори ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа зид ҳулқ - атвори туфайли зарар кўрган кишига етказилган зарарлар билан белгиланади.

Одатда айбнинг миқдори ҳуқуқбузарнинг қилган айбининг шакли ва даражасига боғлиқ бўлмайди. қарздорнинг жавобгарлигини камайтириш ҳақидаги масала шундай ҳолда келиб чиқиши мумкинки, агар айбдор келтирган зарарнинг ҳажмига қарздорнинг айби ҳам таъсир қилсагина шундай бўла

## Интеллектуал мулк

***Интеллектуал мулк - адабиёт, санъат асарлари, ихтиролар яратиш, радио телевидение кўрсатувларини тайёрлаш, фойдали моделлар, саноат намуналарини, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузиш ва бошқа ижод қилиш натижасида вужудга келади.***

Интеллектуал мулк объектларига:

- интеллектуал фаолият натижалари;
- фуқаролик муомаласи иштирокчиларнинг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар;
- интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувучи воситалар киради.

Интеллектуал фаолият натижалари;

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) дир.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларнинг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар;

- фирма номлари;
- товар белгилари (зизмат кўрсатиш белгилари);
- товарлар чиқарилган жой номи.
- Интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувучи воситалар;
- Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектидан ўз ҳохишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади.

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар.

Ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс-ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига еки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради.

Лицензия шартномаси бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим.

Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

- ♦ интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;
- ♦ интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;
- ♦ қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли.

қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000 йил 25 майда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- ♦ **Лицензия -** лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ);
- ♦ **Фаолиятнинг лицензияланаётган тури-** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;
- ♦ **Лицензиялаш-** лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;
- ♦ **Лицензия талаблари ва шартлари -** фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;
- ♦ **Лицензияловчи органлар -** қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар;
- ♦ **Лицензия давогари -** лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

- **Лицензиат -** фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;
- **Лицензия шартномаси -** фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;
- Лицензиялар реестри - берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи.

## Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган муносабатлар

***Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ифодалайди.***

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳисобланади. Бунда асарнинг қадр-қиммати ва нашр этилган ёки этилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Асар муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида тан олиниши учун қонун икки шартни қўяди;

- биринчидан, асар маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши;
- иккинчидан, бу объектив шакл муаллиф ижодий фаолияти натижаларини (қўлёзма, чизма) акс эттиришга имкон бериши керак.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган еки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг еки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

Муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиет ва саънат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

Езма (қўлезма, машинкаланган езув, нотали езув ва ҳаказо);

Огзаки (омма олдида сўўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳаказо);

Овозли еки видео езув (механик, магнитли, Раққамли, оптик ва ҳаказо).

Ижодий фаолияти натижасида асар яратган шахс муаллифлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади.Бу ерда белгиловчи таркибий қисм ижоддир.

Агар Республика ҳудудида биринчи марта босилиб чиқарилган ёки босиб чиқарилмаган бўлса-да, лекин бирдан-бир объектив шаклда республика ҳудудида бўлган асар учун, у қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи берилади.

Асарлари биринчи марта босилиб чиққан ёки бирон-бир объектив сабабларга кўра чет давлат ҳудудида бўлган республика фуқароларининг муаллифлик ҳуқуқи тан олинади.

Муаллифлик бир неча шахслар (шериклик) дан иброт бўлиши мумкин. Шерик муаллифликдан асар маълум қисмининг муаллифлари аниқ бўлса, тўла яратилган қисми учун муаллифлик ҳуқуқи сақлаб қолинади, агар асар яхлит бир бутунни ташкил этса ва биргаликда ёзилган бўлса, асар шерик муаллифларнинг ҳаммасига тегишли бўлади.

Тўплам тузувчилар, юридик шахслар муаллифлик ҳуқуқи субъекти бўлишлари мумкин. Асар муаллифига ўз асарлари учун тўла муаллифлик ҳуқуқи ном қўйиш, дашҳлсизлик ҳуқуқи, нашр этиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, ҳақ олиш ҳуқуқи берилган.

**Муаллифлик ҳуқуқи -** ***муаллиф ҳуқуқи бўлиб, муайян асарнинг яратувчиси ҳисобланади.*** қонун муаллифлик ҳуқуқини фақат унинг ҳаётлик вақтида эмас, балки вафот этгандан кейин ҳам ҳимоя қилади.

**Ном бериш ҳуқуқи -** ***ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ ва у асарини ўз номи, тахаллуси билан ёки умуман номини кўрсатмай чоп эттириш ҳуқуқини сақлаб қолади.***

**Фойдаланиш ҳуқуқи. А**сардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда:

- Матбуотда;
- омма олдида ижро этиш йўли билан ҳаво тўлқинлари орқали эшиттириш, видеода, овоз ёзиб олишда, кабелли телевиденияда ернинг сунъий йўлдоши ва бошқа техника воситалари ёрдамида, таржима қилиш, асарни қайта ишлаш, чоп этилган нусҳаларини тарқатиш, меъморчилик ва дизайн лойиҳасини ўтказиш орқали оммага етказишда фойдаланишни англатади.

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда патент

идорасининг бундай ҳужжат бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади. Патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан
муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараенларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш еки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуқи патент эгасига тегишлидир.

Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланишга ҳақли эмас бундай фойдаланиш ушбу Кодекс еки бошқа қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Патентланган ихтирони, фойдали модель еки саноат намунасини қўлланган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайерлаш, қўлланиш, четдан олиб келиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш еки шу мақсадда сақлаш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаетган усулни қўлланиш ехуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаетган усул воситасидагина, тайерланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш еки шу мақсадда сақлаш патент эгаси алоҳида ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

Бошқача ҳолат исботлангунга қадар маҳсулот патентланган усул билан тайерланган ҳисобланади.

Патент олиш ҳуқуқи, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар, патентга эгалик ҳуқуқи ва патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа шахсга тўлиқ еки қисман берилиши мумкин.

2002 йил 14 июнь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги 209-сонли қарорини қабул қилди. қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳисоб рақамларига тушадиган маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсад қилиб олинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 июндаги 209-сон қарорига 2-илова «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси тўғрисида» Низом эълон қилинди.

Низомга биноан қуйидагилар Патент идорасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;
- Саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқий муҳофаза хизмати кўрсатиш;

♦ Расмий рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига оид патент ҳужжатларининг давлат фондини ва маълумотлар банкини шакллантириш;
♦ Ўзбекистон Республикасида илмий-техника, бадиий-конструкторлик ва бошқа ижодиётларнинг ривожланиши учун шароитлар яратишга кўмаклашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорига 3-илова «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан патент пошлиналарини ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни ундиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» Низом эълон қилди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига патент пошлиналари ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ундиришдан тушадиган миллий ва хорижий валюталардаги маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Муаллиф розилигини олмасдан ва муаллифлик ҳақини тўламасдан, лекин муаллиф исм-шарифини ва олдинги манбани кўрсатиш йўли билан қуйидагиларда фойдаланиш мумкин; кўчирма олиш, радио, телевидение ва газеталарда, омма олдида айтилган нутқ, маърузалар, газета ва журналда эълон қилинган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва диний мақолаларда (бунда асар муаллифи томонидан махсус ман этилган бўлиши керак), кино, радио, телевидениеда кундалик воқеалар баён этганда ва умумлаштирилганда. Ана шу шартлар билан босилиб чиққан асарларни фойда олиш манфаатини кўзламанан ҳолда илмий-ўқув ва оқартув ишлари мақсадларида репродукция
(нусха олиш) қилишга, босилиб чиққан асарларни кўрлар учун бўрттириб ишланган нуқтали шрифт билан нашр этишга йўл қўйилади. Шу мақсадда махсус яратилган асарлар бунга кирмайди, ЭВМ дастури учун ягона нусхаси тайёрланган асарлар дастур нусхаси эгаси билан қонунда белгиланган шартлар асосида фойдаланилади.

Муаллиф асаридан ўзга шахслар томонидан фойдаланиш муаллиф билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бу шартномага мувофиқ муаллиф буюртма асарни яратиши ва уни фойдаланиш учун бериши, фойдаланувчи эса ундан фойдаланиши ёки шартномада кўрсатилган усулда асардан фойдаланишни бошлаши шарт.

Асардан бошқа шахс томонидан фойдаланганлик учун ҳақ олиш-муаллифнинг асосий мулкий ҳуқуқидир. Ҳақ блериш миқдори ва тартиби, уни тўлаш тартиби ва муддати муаллиф билан тузилган шартномада кўрсатилади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун умри давомида ва у вафот этган йил ёки кейиги йилнинг 1-январидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади.

Муаллиф ворисларига асар дахлсизлигини муҳофаза қилиш, чоп эттириш, ундан фойдаланишни амалга ошириш ва унга рухсат бериш,

шунингдек, асардан фойдаланишга рухсат этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқи берилади. Муаллифнинг бошқа ворисларига, шу жумладан юридик шахсларга фақат асардан фойдаланиш ҳуқуқи ўтиши мумкин.

## Ворислик ҳуқуқи

***Ворислик ҳуқуқи дейилганда вафот этган фуқаронинг мол-мулки унинг меросхўрларига ўтиши тушунилади.*** Ворислик ҳуқуқи фуқаролар вафот этганидан кейин уларнинг мулкий ва айрим номулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга ўтиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулкига таалуқли бўлган мол-мулк мерос қилиб олиш объекти ҳисобланади. Булар фуқароларнинг меҳнат даромадлари ва жамғармалари, уй-жой, хонадон, уйдаги ёрдамчи хўжалик, уй-рўзғор буюмлари ва ашёлари, шахсий истаъмол буюмлари ва жиҳозлардир.

Вафот этган кишининг хусусий мулк ҳуқуқи, айрим мажбурият ҳуқуқлари (жамғарма банкида омонатни талаб қилиб олиш, суғурта пули, қалам ҳақи олиш ҳуқуқи), шунингдек муаллифлик ҳуқуқи, ихтиро қилиш ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтади.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғланган мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар (нафақа олиш, алимент олиш ҳуқуқи, алимент тўлаш бурчи) мерос сифатида ўтмайди.

Ворислик ҳуқуқининг пайдо бўлиш мероснинг очилиши билан боғлиқ бўлиб, у мерос қолдирувчининг вафот этиши ёки унинг вафот этган деб белгиланган татибда эълон қилиниши билан бошланади. Мероснинг очилиш вақти мерос қолдирувчининг вафот этган куннинг эртаси ёки суднинг шахснинг вафот этганлигини эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун ҳисобланади.

Мерос очилган жой қуйидагилар ҳисобланади;

- мерос қолдирувчининг кейинги яшаган жойи:
- кейинги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда мерос қилиб олинадиган мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган манзил.

Мерос қилиб олиш қонун ва васият бўйича амалга оширилади. қонун бўйича мерос қилиб олиш васият билан алмаштирилмаган ҳолда содир бўлади. Васият қилувчига қарши қаратилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан унинг ўлимига сабабчи бўлган фуқаро қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва бу ҳуқуқлари қайта тикланмаган ота-оналар болалари вафот этгандан сўнг мерос олишлари мумкин эмас.

Биринчи навбатдаги ворислар марҳумнинг эри ёки хотини, оилада туғилган ва асраб олган фарзандлари ва ота-онаси ҳисобланади.

Иккинчи навбатдаги ворислар вафот этган кишининг ака-укалари, опа-сингиллари, учинчи навбатдаги ворислар-бувилари, боболари, набиралари, амакилари (тоғалари) ва аммалари (холалари) ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи мол-мулкини тўлиқ ёки қисман битта ёки бир нечта ворисларга-қонуний ворисларга ҳам, шунингдек давлатга ва юридик шахсларга ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақлидир. У васиятда ҳар қандай ворисни мерос ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлидир. Бироқ биринчи навбатдаги меросхўрлар-балоғатга етмаганлар ёки меҳнат қилишга лаёқатсизлар васиятнинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича мерос олишда мероснинг қанча қисмини олишлари лозим бўлса, унинг 2-3 қисмини олишга ҳақлидирлар.

Мерос қолдирувчи фақат ўзига тегишли мол-мулк доирасидагина васият қилиш мумкин.

Нотариал жиҳатдан тасдиқланган васиятларга қуйидагилар тенглаштирилади;

♦ касалхонада, санаторийда, даволанаётган, қариялар уйларида турган кишиларнинг бош шифокорлар, уларнинг ўринбосарлари ёки шу даволаш муассасаларининг даволовчи шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятлар;
♦ денгиз кемаларида ёки ички сузиш кемаларида хизматда бўлган фуқароларнинг ана шу кемалар капитанлари томонидан тасдиқланган васиятлар;
♦ геология ва бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг ана шу экспедицияларнинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятлари;
♦ ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий қисмлар жойлашган пунктлардаги ва давлат нотариуси йўқ жойларнинг ишчилари ва хизматчиларининг ана шу қисмлар қўмондонлари тасдиқлаган васиятлари;
♦ ҳукм қилинганлар ва тергов назоратида турган жойдаги шахсларнинг ана шу муассасалар бошлиқлари тасдиқлаган васиятлари.
♦ Мол-мулк қуйидаги ҳолларда давлатга мерос ҳуқуқи бўйича ўтади;
♦ мерос берувчининг қонун бўйича ворислари бўлмаган тақдирда ёки васиятнинг бегона киши фойдасига ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши;
♦ барча ворисларнинг меросни қабул қилишдан воз кечиши;
♦ мерос очилгандан кундан бошлаб олти ой ичида ворисларнинг меросни қабул қилмаслиги;
♦ васият қилувчи томонидан ҳамма ворисларни меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш.

Фуқаролик қонунчилигида эгасиз қолган мол-мулкнинг ҳуқуқий холати кўрсатилган.

***Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ехуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ехуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.***

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи еки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан хейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, қўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтда, масалан, сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчни бажариш, қонунда кўрсатилган бошқа ишларга жалб этилишида, иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Бу даврда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ходимнинг хизмат сафарлари (командировкалар) бу – ходимнинг иш берувчи фармойишига кўра маълум муддатга доимий иш жойидан бошқа жойга хизмат топшириғини бажариш учун боришидир.

Бундай ходимнинг биринчидан, иш жойи қланиб қолади, иккинчидан, иш ҳақи ва сарфлаган харажатлар компенсацияси ходимнинг асосий иш жойида тўланади.

қуйидагиларни хизмат сафарларига юбориш мумкин эмас:

- ҳомиладор ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни;
- онасиз болаларни тарбиялаётган эркаклар ва вояга етмаган болаларни тарбиялаётган васийлар, ҳомийларни.
- Агар аёл уч ёшдан ўн турт ёшгача (ўн олти ёшгача ногирон) болалари бўлса ҳам ўз розилиги билан ҳизмат сафарига бориш розилигини билдирса, юборилиши мумкин.

2006 йил 9 июн «2006 йил 1 июлдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисдаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3761 сонли фармони эълон қилинди.

Фармонга биноан:

2002 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

- Иш ҳақи-ойга 10800 сўм;
- Ёшга доир пенсиялар ойига 21395 сўм;
- Болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа-ойига 21395 сўм;
- Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқарларга бериладиган нафақа-ойига 12960 сўм миқдорида белгилансин. (Хар йили бу кўрстиш кўпайиб боради).

2002 йил 19 март Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги 88- сонли қарорига биноан:

Фуқароларнинг конститутциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш.

2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши тақиқлансин, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

Тижорат банклари тегишли кафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида иш ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларига кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш ҳуқуқи билан тижорта банкининг мулкига ўтади.

Тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик карточкалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтирсинлар.

## Таълим тизимидаги ходимларнинг иш вақти, давм олиш вақти ва иш хаққи

***Мактабгача таълим муассасаларида иш вақти ва дам олиш вақти.*** Мактабгача болалар муассасаларининг педагог ходимларига қисқартирилган иш вақти белгиланади. Хўжалик бекалари, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, идиш-товоқ ювиш ва болаларни овқатлантириш ишида банд бўлган ёрдамчи ишчи-энагалар учун, шунингдек сил касаллиги билан оғриган, ақлий жиҳатдан заиф болалар ҳамда марказий нерв системаси оғир жароҳатланган, шу жумладан нутқида оғир нуқсонлари бўлган ва полиомилит касаллигини бошдан кечирган болалар тарбияланадиган мактабгача болалар муассасаларида олти соатлик иш куни жорий этилган.

Мактабгача болалар муассасаларининг иш тартиби ҳокимнинг қарори ёки тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ҳоким билан келишилган ҳолда белгиланади. Мактабгача болалар муассасалари одатда ҳафтасига беш ёки олти кун ишлайди. Болаларнинг уларда бўлиш муддати иш ҳафтаси кундан иборат бўлганда ва бир кун дам олинганда суткада 9, 10, 11, 12 ва 24 соат, иш ҳафтаси беш кундан иборат бўлиб, икки кун дам олинганда суткада 9, 10, 5, 12 ва 24 соат қилиб белгиланади. Зарур ҳолларда уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун якшанба ва байрам кунлари ҳам ишлайдиган навбатчи гуруҳлар ташкил қилиниши мумкин.

Болалар боғчасининг иши эрталаб соат еттидан кейин бошланиб, кечи билан соат йигирмада тугайди. Истисно тариқасида бу вақтни ярим соатга ўзгартиришга йўл қўйилади.

Ишчи ва хизматчилар учун икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси жорий қилинади. Смена муддати ички меҳнат тартиби қоидалари ёки сменалилик графиги билан белгиланади.

Беш кунлик иш ҳафтасини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилмаган тақдирда олти кунлик иш ҳафтаси жорий этилади. Ҳар кунги иш муддати ҳафталик иш нормаси 40 соат бўлганда-етти соатдан ва ҳафталик иш нормаси 35 соат бўлганда-олти соатдан ошмаслиги керак.

Беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтаси мактабгача болалар муассасаси маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ва жамоанинг фикри ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Сменалилик графигини ҳам маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқади ва амалга киритилишидан бир ой олдин ҳар бир ходим тилхат билан ундан хабардор қилинади.

Мактабгача болалар муассасалари тарбиячиларнинг овқатланиши иш бошланишидан 30 дақиқа бурун ёки тугагандан кейин ёхуд болалар билан биргаликда ёки болалар уйқуга кетган пайтда уюштирилади. Иш шароитларига кўра овқатланиш ва дам олиш учун танаффус белгилаш мумкин бўлмаган бошқа ходимлар учун ҳам бу масала шу тахлитда ҳал этилади. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тушлик танаффус ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

***Умумтаълим мактабларида иш вақти ва дам олиш вақти.*** Мактабларда бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси жорий қилинган, бошланғич синфларда беш кунлик иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

Мактабда иш вақти, унинг бошланиши ва тугаши халқ таълими маҳаллий органлари томонидан сменалар миқдорига қараб белгиланади.

Педагог ходимларнинг иш вақти дарс жадвали ва ўрта мактаб Низоми ҳамда ички меҳнат тартиб-қоидаларига биноан уларга юкланадиган лавозим вазифалари билан белгиланади. Маъмурият ишга келиш ва ишдан кетиш ҳисобга олиб борилишини йўлга қўйиши шарт.

Мактабларда педагог ходимларнинг вақтини тартибга солиб туришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, мактаб директори касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоа билан келишган ҳолда ҳар ўқув йилида ҳар бир ўқитувчи учун дарс соатлари миқдорини белгилайди. Бу иш ходимларнинг таътилга кетишига қадар қилиниши ва бунда қуйидаги шароитлар албатта ҳисобга олиниши шарт:

- Педагог ходимларда, одатда, синфлар (гуруҳлар)нинг давомийлиги ҳамда дарс соатлари ҳажми сақланиши лозим;
- Ўқитувчилар, тарбиячиларнинг айни шу мактабнинг ўзида олган ойликлари ҳисобига ўзлари учун белгиланган дарс соатларидан ташқари берадиган дарслари қанча бўлиши кераклиги белгилаб қўйилмаган. Дарс соатларини тақсимлаш чоғида бажариладиган

ишнинг сифати, педагог ходимлар билан таъминланиш даражаси ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда бошқа омиллар ҳам ҳисобга олиниши керак;

- Ёш мутахассислар улар ўқув юртларини тамомлаганларидан кейин белгиланган ойлик иш ҳақига мувофиқ келадиган дарс соатлари билан таъминлаш зарур;
- Ходимга тўлиқ бўлмаган дарс соатлари белгилашга фақат унинг ёзма равишда ифодаланган розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилади;
- Педагог ходимларнинг дарс соатлари ҳажми, одатда, бутун ўқув йили давомида ўзгартирилмаслиги лозим. Фақат мактабда ўқувчилар ва бутланган синфлар сони қисқарган, уларнинг бир қисми ўша ернинг ўзида янгидан қурилган мактабга ўтказилган, шунингдек баъзи алоҳида ҳоллардагина дарс соатлари миқдори камайтирилиши мумкин.

2002 йил 7 августа Ўзбекистон Республикаси Президенти «2002 йилнинг 1 сентябрида бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳвқи миқдорларини ошириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонга биноан 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академок лицейлар ва касб-хунар коллежлари хамда ўрта-махсус, касб-хунар таълим муассасалари муалимларининг педагог юкламалари қуйидагича белгиланган;

- Бошланғич синфларда – ҳафтасига 18 соат;
- Юқари синфларда – ҳафтасига 20 соат;
- Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида – йилига 800 соат.

Дарс жадваллари ҳам касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ва педагог ходимлар билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинган ҳамда санитария-гигиена нормаларига риоя қилинган ва ўқитувчининг вақти энг кўп тежалиши назарда тутилган ҳолда тузилади ва тасдиқланади. Бунда педагог ходимларга услубий ишлар олиб боришлари ва ўз малакаларини оширишлари учун ҳафтада бир бўш куни назарда тутилиши лозим.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишчиларнинг иш куни муддати сменалилик графиги билан белгиланади. Бундай график ҳафта ёки бошқа ўқув даври учун белгиланган иш вақти муддатига риоя қилинган ҳолда тузилади ва мактаб маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Дам олиш, овқатланиш тартиби ва жойини мактаб маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда белгилайди. Сменалилик графиги ходимларга тилхат олиб таништирилиши ва, одатда, амалга киритилган жойда осиб қўйилиши керак.

Ходимларнинг айрим тоифалари (тунги энагалар, ўт ёқувчилар) учун касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда иш вақти жамлаб ҳисобга олиб белгиланиши мумкин. Ходимларнинг бундай тоифаси учун

тузилган иш графигида ҳафтасига 40 соатдан кам бўлмаган муддат билан узлуксиз дам олиш кўзда тутилади.

Байрам ва дам олиш кунлари ишлаш тақиқланган. Дам олиш ва байрам кунларида ўқитувчилар, тарбиячилар ва мактабларнинг бошқа баъзи ходимларини навбатчилик қилиш ва баъзи турдаги ишларга жалб қилишга қонунларда кўзда тутилган алоҳида ҳоллардагина табиий офатнинг олдини олиш ва уни тугатиш, зарур бўлган, илгаридан кўзда тутилмаган ишларни тезда бажариш учун касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги билан маъмуриятнинг ёзма равишдаги буйруғи асосида йўл қўйилади. Дам олиш ва байрам кунларида навбатчилик қилганлик ёки ишлаганлик дам олиш куни учун амалдаги қонунларга мувофиқ берилади.

Мактаб-интернатлар, болалар уйлари, махсус мактабларнинг ходимлари, иш вақтини жамлаб хисобга олиш тартиби жорий қилинган ходимлар дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилинадилар. Бу иш вақти, одатда, ойлик иш вақти нормасига қўшилади. Уларга бериладиган дам олиш кунлари графикда кўзда тутилади. Байрам кунлари бажарилган ишга ойлик маошидан ташқари бир ҳисса соатлик ёки кунлик норма миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг ҳохиши билан унга бошқа дам олиш куни берилиши ҳам мумкин.

Маъмурият педагог ходимларни мактабда навбатчилик қилишга жалб этади. Навбатчилик машғулотлар бошланишидан камида 20 дақиқа илгари бошланиши ва машғулотлар тугагандан кейин кўпи билан 20 дақиқа ўтгунига қадар давом этиши лозим. Навбатчилик графиги мактаб директори томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тузилади.

Кузги, қишки ва баҳорги шунингдек ёзги каникуллар вақти, агар навб атдаги таътилга тўғри келмаса, иш вақти ҳисобланади. Бу даврда педагог ходимлар маъмурият томонидан ўз дарс соатларидан ортиқ бўлмаган вақт доирасида таътил бошлангунига қадар ташкилий ишларга жалб қилинадилар.

Мактаб меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши зарур ҳолларда, аммо йилига камида икки марта ўтказилади.

Педагогика кенгаши мажлислари, одатда, ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг мактаб ичидаги услубий бирлашмаларининг машғулотлари ўқув чорагида кўпи билан икки марта ўтказилади.

Умумий ота-оналар йиғилишлари йилига камида икки марта, синф йиғилишлари-йилига камида тўрт марта чақирилади

Меҳнат жамоасининг йиғилишлари, педагогика кенгашларининг мажлислари ва услубий бирлашмасининг машғулотлари, одатда, кўпи билан икки соат, ота-оналар йиғилишлари-бир ярим соат, ўқувчилар йиғилишлари-бир соат, тўгаракларнинг машғулотлари-45 дақиқадан бир ярим соатга қадар давом этиши керак.

Йиллик таътиллар бериш навбатини мактаб маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда мактабнинг нормал

ишлашини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб ва ходимларнинг дам олиши учун қулай шароит яратишни ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Таътиллар, одатда, ёзги таътил давридв берилади.

Таълим муассасаларига меҳнат ҳақи тўлашга мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида ойлик ва лавозим маошларига табақалаштирилган тарзда устамаларни мустақил белгилаш ҳамда меҳнат хақи тўлаш ва рағбатлантиришни ташкил қилишнинг турли хил шаклларини қўллаш ҳуқуқи берилган.

қишлоқ хўжалик мутахассисларига белгиланган имтиёзлар қишлоқ жойларда жойлашган давлат таълим муассасаларининг педагог ходимлари учун ҳам тааллуқлидир.

Давлат таълим муассасаларининг таълим-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув хўжаликларининг ходимларига тегишли корхоналарнинг шундай йўналишдаги ходимлари учун белгиланган имтиёзлар қўлланилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа муассасалар давлат таълим муассасаларининг ходимларига қўшимча ижтимоий имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

Тариф системаси бир қанча қоидалар йиғиндисини ўз ичига оладики, уларнинг ёрдамида меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошланғич нормаларини бирмунча асосли равишда белгилаш мақсадида ҳар хил иш турларини қиёсан баҳолашнинг ягона миқёслари фойдаланилади. Тариф системаси ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системасига ва раҳбар, муҳандис-техникка ва бошқа зизматчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системасига бўлинади.

Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системаси тариф-малака маълумотномаси, тариф жадвали, тариф бўйича белгиланган маош ва тариф коэффициентларидан иборат.

Тариф-малака маълумотномаси ишлаб чиқаришлар ва иш турларига қараб гуруҳларга бўлиб чиқилган ишчи касбларининг тариф-малака тавсифларини, у ёки бу иш мувофиқ келадиган малака даражаларини, ишчига тегишли малака даражаси беришда билими ва малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Тариф жадвали малака даражаси ҳар хил ходимларнинг меҳнати ўртасидаги нисбатни уларнинг малакасига қараб белгилайди. У мураккаб меҳнат учун янада юқори ҳақ тўланишини таъминлайди. Тариф жадвали тариф-малака даражалари ва тариф бўйича белгиланган маошдан ташкил топади. Биринчи малака даражаси энг оддий ишлар бўлса, охирги малака даражасига мураккаб ишлар киради. Биринчи малака даражаси билан кейинги малака даражалари ўртасидаги нисбатга тариф коэффиценти деб аталади. У ана шу малака даражалари билан биринчи малака даражаси ўртасидаги тариф бўйича белгиланган маош нечоғли юқорилигини кўрсатади.

Тариф бўйича белгиланган маош-вақт бирлиги соат, кун, ой учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайдиган нормадир. Тариф бўйича белгиланган маош ёрдамида бир хил мураккабликдаги ишларни бажараётган бир хил касбдаги ишчилар меҳнатига бир хилда ҳақ тўлаш таъминланади.

Агар ишчиларга иш ҳақи тўлашда тариф бўйича белгиланган маош асос қилиб олинса, раҳбар, муҳандис-техник ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маоши асос қилиб олинади. У ҳам маъмурият томонидан мустақил равишда белгиланади. Бироқ ходимларнинг бу тоифаси меҳнатига ҳақ тўлашнинг бошқа шаклларидан ҳам даромаддан фоиз, фойдадан улуш ҳисобида ва ҳоказо фойдаланиш мумкин.

## Ìåҳíàò èíòèçîìи

Иш берувчи томонидан шу корхонанинг ички кун тартибида, Низомида белгиланган коида-тартиблар хар бир ходим томонидан бажарилиши шарт.

Ходимнинг айби билан ўзига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик меҳнат интизомини бузиш деб танилади.

Èø áåðóâ÷è âà õîäèìíèíã ўðòàñèäà òóçèëãàí ìåҳíàò øàðòíîìàñèíè àìàëãà îøèðèøäà, ìåҳíàò âàçèôàñèíè ñèòқè äèëäàí áàæàðèøäà êîðõîíàäà ўðíàòèëãàí ìåҳíàò òàðòèáèãà ðèîÿ қèëèø ìóҳèì àҳàìèÿò êàñá ýòàäè. ×óíêè êîðõîíàäà ìåҳíàò òàðòèáè èø áåðóâ÷è êàñáàá óþøìàñè қўìèòàñè ¸êè õîäèìëàðíèíã áîøқà âàêèëëèê îðãàíè áèëàí êåëèøèá òàñäèқëàéäèãàí è÷êè ìåҳíàò òàðòèáè қîèäàëàðè áèëàí áåëãèëàíàäè. Èíòèçîì òўғðèñèäà óñòàâ âà Hèçîì қàáóë қèëèíàäè. Áó ҳóææàòëàðäà õîäèìíèíã âà èø áåðóâ÷èíèíã áóð÷ëàðè êўðñàòèëãàí.

Õîäèì ўç ìåҳíàò âàçèôàëàðèíè ҳàëîë, âèæäîíàí áàæàðèøè, ìåҳíàò èíòèçîìèãà ðèîÿ қèëèøè, èø áåðóâ÷èíèíã қîíóíèé ôàðìîéèøëàðèíè ўç âàқòèäà âà àíèқ áàæàðèøè, òåõíîëîãèÿ èíòèçîìèãà, ìåҳíàò ìóҳîôàçàñè, òåõíèêà õàâôñèçëèãè âà èøëàá ÷èқàðèø ñàíèòàðèÿñè òàëàáëàðèãà ðèîÿ қèëèøè, èø áåðóâ÷èíèíã ìîë-ìóëêèíè àâàéëàá àñðàøè øàðò.

Èø áåðóâ÷è õîäèìëàð ìåҳíàòèíè òàøêèë қèëèøè, қîíóíëàð âà áîøқà íîðìàòèâ ҳóææàòëàðäà, ìåҳíàò øàðòíîìàñèäà íàçàðäà òóòèëãàí ìåҳíàò øàðîèòëàðèíè ÿðàòèá áåðèøè, ìåҳíàò âà èøëàá ÷èқàðèø èíòèçîìèíè òàúìèíëàøè, ìåҳíàò ìóҳîôàçàñè қîèäàëàðèãà ðèîÿ ýòèøè, õîäèìëàðíèíã ýҳòè¸æ âà òàëàáëàðèãà ýúòèáîð áèëàí қàðàøè, óëàðíèíã ìåҳíàò âà òóðìóø øàðîèòëàðèíè ÿõøèëàá áîðèøè øàðò.

Êîðõîíàäà äîèì èøëàãàí, ìåҳíàò èíòèçîìèãà, ìåҳíàò òàðòèáèãà áóéñóíãàí õîäèìëàðãà õàð-õèë òóðäàãè ðàғáàòëàíòèðèøëàð қўëëàíèëàäè. Ðàғáàòëàíòèðèøëàð қàòîðèãà äàâëàò âà æàìèÿò îëäèäàãè àëîҳèäà õèçìàòëàðè ó÷óí äàâëàò ìóêîôîòëàðèãà òàқäèì ýòèëèøè, æàìîà øàðòíîìàäè, êåëèøóâëàðèäà, è÷êè ìåҳíàò òàðòèáè қîèäàëàðèäà êўðñàòèëãàíëàð êèðàäè.

Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñè Ìåҳíàò Êîäåêñèíèíã 181 ìîääàñèäà áèíîàí õîäèìãà ìåҳíàò èíòèçîìèíè áóçãàíëèãè ó÷óí èø áåðóâ÷è қóéèäàãè èíòèçîìèé æàçî ÷îðàëàðèíè қўëëàøãà ҳàқëè:

1. õàéôñàí;
2. ўðòà÷à îéëèê èø ҳàқèíèíã ўттиз ôîèçèäàí îðòèқ áўëìàãàí ìèқäîðäà æàðèìà. È÷êè ìåҳíàò òàðòèáè қîèäàëàðèäà õîäèìãà ўðòà÷à îéëèê èø ҳàқèíèíã эллик ôîèçèäàí îðòèқ áўëìàãàí ìèқäîðäà æàðèìà ñîëèø ҳîëëàðè ҳàì íàçàðäà òóòèëèøè ìóìêèí.
3. ìåҳíàò øàðòíîìàñèíè áåêîð қèëèø.

Ҳайфсан бериш барча ходимларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Барча ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан жавобгарликка тортиладилар. Раҳбар ва масъул ходимлар, шунингдек, маъмурий идоралар ходимлари махсус Низомлар ва қоидаларга асосан интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Одатда жарима ўрта иш ҳақидан 30 миқдорида солинади. Лекин меҳнат интизомини мунтазам равишда бузганлик, узурли сабабларсиз ишга келмаганлик, ишга маст ҳолда келганлик учун ходимга унинг ўртача иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиниши мумкин.

Èíòèçîìèé æàçî àìàë қèëèá òóðãàí ìóääàò ìîáàéíèäà õîäèìãà íèñáàòàí ðàғáàòëàíòèðèø ÷îðàëàðè қўëëàíèëìàéäè.

Ҳàð áèð íîæўÿ õàòòè - ҳàðàêàò ó÷óí ôàқàò áèòòà èíòèçîìèé æàçî қўëëàíèøè ìóìêèí.

Èíòèçîìèé æàçî áåâîñèòà íîæўÿ õàòòè - ҳàðàêàò àíèқëàíãàíäàí êåéèí, àììî áó õàòòè-ҳàðàêàò àíèқëàíãàíäàí áîøëàá, õîäèìíèíã êàñàë ¸êè òàúòèëäà áўëãàí âàқòèíè ҳèñîáãà îëìàñäàí, óçîғè áèëàí áèð îé è÷èäà қўëëàíèëàäè.

Íîæўÿ õàòòè - ҳàðàêàò ñîäèð ýòèëãàí êóíäàí áîøëàá îëòè îé ўòãàíèäàí, ìîëèÿ-õўæàëèê ôàîëèÿòèíè òàôòèø ¸êè òåêøèðèø íàòèæàñèäà àíèқëàíãàíäà ýñà, - ñîäèð ýòèëãàí êóíäàí áîøëàá èêêè éèë ўòãàíèäàí êåéèí æàçîíè қўëëàá áўëìàéäè. Æèíîèé èø áўéè÷à èø þðèòèëãàí äàâð áó ìóääàòãà êèðìàéäè.

Èíòèçîìèé æàçî áåðèëãàíè òўғðèñèäàãè áóéðóқ (ôàðìîéèø) ¸êè қàðîð õîäèìãà ìàúëóì қèëèíèá, òèëõàò îëèíàäè.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ходимга тилхат орқали маълум қилинади. Зарур ҳолларда ундан барча ходимларр хабардор қилинишлари мумкин.

Агарда интизомий жазо берилган кундан бошлаб бир йил давомида ходим янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Агар интизомий жазо олган шахс яна бошқа ножўя ҳаракатлар содир этмаса ва ўзини ҳалол ходим сифатида кўрсатса, маъмурият ўз ташаббуси билан, бевосита раҳбарнинг, меҳнат жамоасининг илтимосномаси бўйича жазони бир йил муддат ўтмасдан олиб ташлаши мумкин.

Интизомий жазо чораси амалда бўлган муддат давомида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

## Меҳнат муҳофазаси

***Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.***

Меҳнат муҳофазаси меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини таъминловчи, саломатлигини ва меҳнат қобилиятини сақловчи ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат.

Меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясини ўз ичига олади. Хавфсизлик техникаси дейилганда хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсир этишини бартараф қилувчи ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими тушунилади. Ишлаб чиқариш санитарчси-зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсир этишини бартараф қилувчи ёки камайтирувчи ташкилий тадбирлар ҳамда техникавий воситалар тизимидан иборат.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун, кодексида, шунингдек Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий актларида, вазирликларда, идораларда, давлат назорат органларининг касаба уюшмалари марказий органлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда қабул қилинган ҳуқуқий актларда берилган.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларнинг турлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, хавфсизлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари, ходимларни ҳимоялаш воситалари, бинолар ва иншоотлар хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил қилишга нисбатан қўйиладиган тартибга солинган талаблар давлат андозалари тизими билан белгиланган. Шулар билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилишда маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган жамоа шартномалари ва битимлари, маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича ишлаб чиқариладиган ва тасдиқланадиган йўриқномалар муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат муҳофазаси нормаларининг мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

- Меҳнат муҳофазаси бўйича умумий талаблар:
- Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш;
- Ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаб беришда ва уларни мунтазам равишда яхшилаб боришда маъмуриятнинг мажбуриятлари;
- Меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилишда ишчи ва хизматчиларнинг мажбуриятлари;

- ♦ Ходимлар айрим тоифаларининг аёллар, вояга етмаганлар, меҳнат қобилияти паст бўлган шахслар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча тадбирлари.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб берадиган, хавфсизлик гувоҳномасига эга бўлган ишлаб чиқариш бинолари ходимларнинг меҳнатини, саломатлигини лозим даражада муҳофаза қилишнинг зарур ҳарти ҳисобланади.

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш қонунга мувофиқ корхоналар ва ташкилотларнинг маъмурияти зиммасига юклатилади. Ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлимлари бевосита жавобгар ҳисобланадилар.

Маъмурият меҳнатни ташкил қилиш жараёнида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиши, барча ходимларнинг уларни бажаришини талаб этиши лозим. Маъмурият:

- ♦ барча иш жойлари техника жиҳатдан лозим даражада жиҳозланишини таъминлашини;
- ♦ иш шароити яратилишини;
- ♦ техника холати назорат қилиб борилишини;
- ♦ ишлаб чиқариш биноларидан оқилона фойдаланиши; ускуналардан тўғри фойдаланишини ва технология жараёнлари тўғри ташкил қилинишини;
- ♦ ходимлар зарарли меҳнат шароитларининг таъсиридан ҳимоя қилинишини;
- ♦ ишлаб чиқариш биноларининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига мувофиқ равишда сақланишини;
- ♦ санитария-маиший бинолар лозим даражада жиҳозланишини таъминлаши зарур.

Маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқариш биноларида ва қурилиш майдонларида ишларни бажариш қоидаларини ҳамда хулқ-атвор нормаларини белгилаб берадиган йўриқномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Шунингдек ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ишларини мунтазам суратда амалга ошириш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва шу сингариларнинг олдини олишга қаратилган хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитариясининг замонавий воситаларини жорий этиш мажбурияти ҳам маъмурият зиммасига юклатилади.

Иш жойларини аттестация қилиш меҳнат шароитини яхшилаш ва уни муҳофаза этишга ҳизмат қилади. Ишчи ва хизматчиларни меҳнат муҳофазаси соҳасида пухта тайёрлаш ҳақидаги талаблар, уларга хавфсизлик техникасидан таълим бериш, хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига, ёнғин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан маъмуриятнинг

ишчи ва хизматчиларга йўл-йўриқлар бериши меҳнат муҳофазасини таъмин этишга хизмат қилади.

қонунда ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқариш омилларининг зарарли таъсир этишидан алоҳида ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар тизими кўзда тутилган бўлиб, у ишчи ва хизматчиларни оғир ишларга, меҳнат шароити зарарли ёки хавфли бўлган ишларга, шунингдек бошқа баъзи ишларга қабул қилиш чоғида уларни мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш ва кейинчалик вақт-вақти билан тиббий текширувдан ўтказиб туришни назарда тутади.

Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек алоҳида температура шароитида бажариладиган ёки ифлослантирадиган ишларда ишловчи ишчи ва  хизматчиларга махсус кийим-бош, махсус пойабзал сақловчи мосламалар ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари (кўзойнак, ёруғлик фильтрлари) текинга берилади. Ишчи ва хизматчилар ишларни бажариш чоғида бу воситалардан фойдаланишлари, маъмурият эса буни доимий равишда кузатиб бориши ва махсус кийим-бошсиз, махсус пойабзалсиз ва ҳимоя мосламаларисиз ишга қўймаслиги шарт.

Ифлосланиш билан боғлиқ бўлган ишларда ходимларга совун, зарасизлантириш воситалари, меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчи ва хизматчиларга эса сут ва шунга тенг қийматли маҳсулотлар текинга берилади.

Меҳнат шароити алоҳида зарарли бўлган ишларда ходимларнинг соғлиғини мустаҳкмлаш ва касб касалликларининг олдини олиш учун уларга шифо-профлактика озиқ-овқатти текинга берилади. Иссиқ цеҳларда ишловчи ходимларни тегишли суратда ичимлик суви билан таъмин этиш йўлга қўйилади.

Корхоналарда юз берган салбий ҳодиасаларни  аниқлаш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартарф қилиш мақсадида бундай ҳодисаларни таҳлил этиш, текшириш ва ҳисобга олиб бориш ҳам маъмуриятнинг вазифасига киради.

Бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиб бориш ҳамда бундай ҳодисаларни сабабларни бартараф қилиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб бориш ишини юқори турган органлар, вазирликлар, идоралар, корхона касаба уюшмаси қўмитаси: меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат инспекторлари, касабаа уюшмаларининг техника бўйича инспекторлари, давлат назорат органлари ўзларига бўйсунган корхоналарда амалга оширадилар.

## Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги

Меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларини бажариш муносабати билан бошқа тарафга етказилган зарарини  Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнат

тўғрисидаги бошқа норматив хужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди.

Ðåñïóáëèêà Ìåҳíàò қîíóíëàðèäà ìåҳíàò øàðòíîìàñè òàðàôëàðíèíã ìîääèé æàâîáãàðëèêè àñîñëàðè êўðñàòèëãàí:

- ♦ хîäèìãа åòêàçèëãàí çàðàð:
- ♦ ìàúíàâèé (æèñìîíèé ¸êè ðóҳèé àçîáëàð);
- ♦ õîäèìíèíã ìåҳíàò қèëèø èìêîíèÿòèäàí ғàéðèқîíóíèé ðàâèøäà ìàҳðóì қèëèø;
- ♦ õîäèìíèíã ñîғëèғèãà åòêàçèëãàí çàðàð;
- ♦ ìîë-ìóëêèãà åòêàçèëãàí çàðàð òóðëàðèäà áўëèøè ìóìêèí.

Иш берувчининг айби қуйдаги хужжатлар билан исботланади:

- ♦ ишлаб чиқаришдаги бахтиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома;
- ♦ суднинг қарори, ҳукми, прокурорнинг; суриштирув ёки дастлабки тергов органинг қарори;
- ♦ меҳнат техник нозирининг ёки меҳнат ккуонунчилигига амал қилиш ва меҳнат хавфсизлиги ҳолатини назорат қилувчи мансабдор шахслар (органлар)нинг хулосалари;
- ♦ ходимнинг касб касаллигига ччалинганлиги ҳақидаги тибби хулоса;
- ♦ айбдор шахсларни маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор;
- ♦ касаба уюшмаси комитасининг ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги сабабли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси учун тўланган харажатларни қоплаш ҳақидаги қарори;
- ♦ бошқа хужжатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ходимнинг соғлиғига зарар етказишда айби йўқлигини исботлаш мажбурияти иш берувчига юкланади.

Èø áåðóâ÷èëãà åòêàçèëãàí çàðàðëàð àñîñàí ìîääèé - ìîë-ìóëêèãà íèñáàòàí áўëèá, ó êàìàéãàí ¸êè ¸ìîí xîëàòãà êåëãàíëèãè ñàáàáëè, õîäèì áåâîñèòà åòêàçèëãàí xàқèқèé çàðàð ó÷óí xàì, èø áåðóâ÷è áîøқà øàõñëàðãà åòêàçèëãàí çàðàðëèí òўëàøè íàòèæàñèäà êåëèá ÷èққàí çàðàð ó÷óí xàì ìîääèé æàâîáãàð áўëàäè.

Çàðàð åòêàçãàí òàðàôëàð, åòêàçèëãàí çàðàðíèíã îғèð îқèáàòèãà, õàæìèãà, қîíóíäà êўðñàòèëãàí áîøқà àñîñëàðèãà êўðà çàðàðíè òўëà қîïëàø, çàðàðíè óíäèðèøäèí âîç êå÷èø, қèñìàí çàðàðíè қîïëàøãà ìàæáóð áўëàäèëàð.

Áàð÷à êîðõîíàëàðäà õàâôñèçëèê âà ãèãèåíà òàëàáëàðèãà æàâîá áåðàäèãàí ìåҳíàò øàðîèòëàðè ÿðàòèëãàí áўëèøè êåðàê. Èø áåðóâ÷è xàð áèð õîäèìãà ìåҳíàò øàðòíîìàñèíè òóçèøäà âà áîøқà èøãà ўòêàçèøäà õîäèìíè ìåҳíàò øàðîèòëàðè òўғðèñèäà, øó æóìëàäàí êàñá êàñàëëèêëàðè âà áîøқà êàñàëëèêëàðãà ÷àëèíèø ýҳòèìîëè, øó áèëàí áîғëèқ xîëäà óíãà áåðèëàäèãàí èìòè¸ç âà êîìïåíñàöèÿëàð, øóíèíãäåê øàõñèé xèìîÿ âîñèòàëàðè xàқèäà õàáàðäîð қèëèøè êåðàê.

Äåìàê, õîäèì ìåҳíàò øàðòíîìàñèíè òóçèø æàðà¸íèäà óíèíã ìåҳíàòè ìóxîôàçà қèëèíèøè òўғðèñèäàãè ìàúëóìîòëàð áèëàí òàíèøãàí áўëèøè ëîçèì. Ìóxîôàçà òóðèãà òèááèé êўðèêäàí âàқòè-âàқòè áèëàí ўòèá òóðèø; ñóò, äàâîëàø-ïðîôèëàêòèêà îçèқ-îâқàòè, ãàçëè øўðñóâ, øàõñèé xèìîÿ âà ãèãèåíà âîñèòàëàð áèëàí òàúìèíëàíèø âà áîøқàëàð êèðàäè.

## Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган имтиёзлар; Оналик ва болалик ҳимояланиши.

Àéðèì òîèôàäàãè õîäèìëàðãà-à¸ëëàð âà áîøқà îèëàâèé âàçèôàëàðíè áàæàðèø áèëàí áîғëèқ øàõñëàðãà қўøèì÷à êàôîëàò âà èìòè¸çëàð áåðèëàäè.

Õîìèëàäîð ¸êè áîëàñè áîðëèãè ñàáàáëè à¸ëëàðíè èøãà қàáóë қèëèøíè ðàä ýòèø âà óëàðíèíã èø ҳàқèíè êàìàéòèðèø òàқèқëàíàäè.

Ìåҳíàò øàðîèòè íîқóëàé èøëàðäà, øóíèíãäåê åð îñòè èøëàðèäà à¸ëëàð ìåҳíàòèíè қўëëàíèø òàқèқëàíàäè.

Òèááèé õóëîñàãà ìóâîôèқ ҳîìèëàäîð à¸ëëàðíèíã èøëàá ÷èқàðèø íîðìàëàðè, õèçìàò êўðñàòèø íîðìàëàðè êàìàéòèðèëàäè ¸êè óëàð àââàëãè èøëàðèäàãè ўðòà÷à îéëèê èø ҳàқè ñàқëàíãàí ҳîëäà åíãèëðîқ ¸õóä íîқóëàé èøëàá ÷èқàðèø îìèëëàðèíèíã òàúñèðèäàí ҳîëè áўëãàí èøãà ўòêàçèëàäè.

Маъмурият барча ишчи ва хизматчилар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъмин этиш билан бирга аёллар ҳақида алоҳидаа ғамхўрлик қилиши лозим.

Хомиладор аёлларни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи бор (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор) ёлғиз оналарни ишга қабул қилишни рад этиш ва шуни баҳона қилган ҳолда уларнинг иш ҳақини камайтириш қонун билан тақиқланади. Ана шу тоифа аёлларни ишга қабул қилишни рад этган такдирда маъмурият бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Ишга қабул қилишни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ёлғиз оналарни маъмурият ташббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно, бундай ҳолларда уларни албатта бошқа ишга жойлаштириш шарти билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади. Кўрсатиб ўтилган аёллар муддатли меҳнат шартномаси (контракт) муддати тугагани сабабли ишдан бўшатилганда ҳам уларни албатта ишга жойлаштириш назарда тутилади. Ишга жойлаштириш даврида уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузилган кундан эътиборан уч ойдан ошмаслиги керак.

Ишсиз ҳомиладор аёл (агар ҳомиладорлик даври 28 ҳафтадан ошмаган бўлса) иш изловчи шахс сифатида давлат иш билан банд қилиш хизмати томонидан рўйхатга олинади. Башарти давлат иш билан банд қилиш хизмати уни 10 кун мобайнида иш билан таъминлай олмаса, ўн биринчи кундан бошлаб у ишсиз аёл мақомини олади.

Ҳомиладор аёлга, у ишсиз деб эътироф этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, 12-ой давомида 26 ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддат учун республикадаги энг кам иш ҳақи микдорида ишсизлик нафақаси тўланади.

Оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Ер остидаги баъзи

ишларда, истисно тариқасида, аёллар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Уларга қуйидагилар киради:

- Аёл раҳбарлик лавозимини эгаллаган ва жисмоний бўлмаган ишларни бажарган тақдирда;
- Аёл санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишларида банд бўлган тақдирда;
- Аёл корхонанинг ер ости қисмларида стажировка ўтаётган тақдирда;
- Аёл жисмоний меҳнат ҳисобланмаган ишларни бажариш учун вақт-вақти билан корхонанинг ер ости қимига тушиши лозим бўлган тақдирда.

Ер ости ишларидан озод қилинган аёллар учун ҳам меҳнат шароити зарарли ишлардан озод қилинган аёлларга берилган имтиёзлар сақланади.

Аёлларнинг улар учун белгилаб қўйилган нормадан ортиқ юк кўтаришлари ҳам тақиқланади. Аёллар кўтарадиган ва ташийдиган юкнинг энг кўп миқдори, орасида бошқа иш билан ҳам машғул бўлганда, 15 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. 1,5 м дан кўп бўлмаган баландликка оғирлиги 10 кг дан ортиқ бўлмаган юкни кўтаришга рухсат этилади. Иш сменаси давомида доимий равишда юк кўтариш ва ташиш билан машғул бўлганда юкнинг оғирлиги 10 кг дан ошмаслиги керак. Бутун иш сменаси давомида кўтарилган юкнинг умумий оғирлиги 7 тоннадан ортиқ бўлмаслиги керак, юк аравачалар ва контейнерларда бир жойдан бошқа жойга ташилганда куч сарфи 15 кг дан ошмаслиги лозим.

Аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларида ишлатишга, эмизикли боласи бўлган аёлларни, шунингдек 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Бу қоида ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлиги аниқланган вақтдан бошлаб ва шу ҳақда тегишли маълумотнома тақдим этганларидан кейин таалуқли бўлади. Бу қоида эмизикли аёлларга болани эмизиш билан ўтган бутун давр учун таалуқли бўлиб, бу давр ҳеч қандай календарь муддат билан чекланмаган.

Ҳомиладор аёллар ва 12 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар иш вақти тугагандан кейин ҳам тунги вақтларда, шунингдек дам олиш ва байрам кунларида навбатчиликка жалб қилининшлари мумкин эмас.

Уч ёшдан ўн тўрт ёшгача боласи бор (16 ёшгача ногирон боласи бор) аёллар уларнинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилинишлари ёки хизмат сафарига юборишлари мумкин эмас.

Тиббий хулосасига мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёхуд улар енгилроқ бўлган ҳамда ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этишини истисно қиладиган бошқа ишларга аввалги ишидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда ўтказилади. Ҳомиладор аёлга тиббий хулосасига мувофиқ енгилроқ бўлган ҳамда ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этишини истисно қиладиган бошқа иш бериш масаласи ҳал этилгунига қадар у ана шу сабаблар туфайли ишга чиқмаган

барча иш кунлари учун корхона, муассаса, ташкилот маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари касаба уюшмалари қўмиталари, санитария назорати органлари билан биргаликда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг иштирокида тиббий талабларга мувофиқ равишда ҳомиладор аёллар ўтказилиши мумкин бўлган иш жойларини белгилайдилар ва улар қилишлари ёхуд уйга олиб ишлашлари мумкин бўлган иш турларини аниқлайдилар, шунингдек шу мақсадда ҳиссадорлик асосларида ишлаб чиқаришлар ва цехлар ташкил қиладилар.

Аёлларга туққунига қадар 70 календарь кун ва туққандан кейин 56 календарь кун (туғиш ёййин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь куни) ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганлигидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади.

Юқорида кўрсатилган таътилдан ташқари, аёлнинг аризасига мувофиқ, унга бола уч ёшига тўгунига қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмаган таътил берилади.

Болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътилдан ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган қўшимча таътилдан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмарга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки юқорида кўрсатилган бошқа шахслар ўз хоҳишларига қараб болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти тартибида ёки уйида ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътили даврида нафақа олиш ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Болани парваришлаш таътили умумий ва узлуксиз иш стажига, шунингдек мутахассислиги бўйича иш стажига қўшилади. Болани парваришлаш таътили вақтида иш жойи сақланади.

Ҳомиладорлик ёки туғиш таътиллари олдидан, шунингдек бевосита ундан кейин ёхуд болани парваришлаш кейин аёлга унинг аризасига биноан навбатдаги йиллик таътил мазкур корхона,муассасаса, ташкилотдаги иш стажидан қатъи назар берилади.

Башарти аёл ўтган ишланган йил учун таътилидан фойдаланмаган бўлса-ю, ҳомиладорлик ва туғиш таътили келгуси иш йилининг бир қисмини қамраб олса, бундай ҳолда унинг илтимосига биноан иккала таътили-ўтган ва жорий иш йиллари учун унга тегишли бўлган таътили ҳомиладорлик ва туғиш таътилига тўғрилаб қўшиб берилиши лозим. Йиллик таътили ҳомиладорлик ва туғиш таътили билан бир вақтга тўғри келиб қолган тақдирда, йиллик таътил туққандан кейин бериладиган таътил тугаганидан кейин берилиши керак.

Эмизикли боласи бўлган оналар ва бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган умумий танаффусдан ташқари, боласини эмизиш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу

танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири камида ўттиз минутлик вақт билан берилади. Болани эмизиш учун бериладиган танаффуслар иш вақти ҳисобига киритилади ва бу вақт учун ўртача иш ҳақи тўланади.

Ҳомиладор аёлнинг 14 ёшгача бўлган боласи бор (16 ёшгача ногирон боласи бор) аёлнинг шу жумладан ўз ҳомийлигида боласи бўлган аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парваришлаётган шахснинг илтимосига кўра тиббий хулосасига мувофиқ маъмурият унга тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси белгилаши шарт. Бундай ҳолларда уларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб ҳақ тўланади.

Маъмурият билан ходимнинг ўзаро келишувига кўра ишга қабул қилиш чоғида ҳам, шунингдек кейинги иш даврида ҳам башарти аёллар болаларини парваришлаши зарурлиги сабабли одатдаги график бўйича ишлаб олмасалар, ўзгарувчан иш графиги жорий қилиниши мумкин.

15 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар уйга олиб ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор бўлган ишловчи аёлларга болаларини парваришлаши учун ишлаб чиқариш шароитлари имкон берган даврда маъмурият билан келишилган ҳолда икки ҳафтага қадар муддат билан иш ҳақи сақланмаган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилади; йиллик таътилни ёз даврида ёки ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтда олиш ҳуқуқи биринчи навбатда берилади.

Ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (васийга, ҳомийга) снаторийда даволанишнинг бутун даври учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади; ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, унга ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Ҳомиладор аёллар ва бир ёшга тўлмаган боласи бор муаллимлар аттестацияга киритилмайдилар, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ва раҳбар ходимларини аттестация қилиш чоғида эса бу қоида бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳам қўлланилади.

Ёшларни 16 ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда касаба уюшмаси билан келишиб, 15 ёшга тўлган шахслар, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари соғлиққа зарар етказмайдиган ҳамда таълим жараёнига хилоф келмайдиган енгил меҳнатни бажариш учун бўш пайтларда 14 ёшдан ишга қабул қилинишлари мумкин.

## Вояга етмаганларга бериладиган имтиёзлар

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар меҳнат муносабатларида вояга етган катта ёшдаги шахслар билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Меҳнат муҳофазаси, иш вақти, таътиллар вақти ва бошқа

баъзи меҳнат шароитлари соҳасида эса имтиёзлардан фойдаланадилар. 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли ёки хавфли бўлган ишларда, шунингдек ер ости ишларида фойдаланиш тақиқланади.

18 ёшга тўлмаган барча шахслар аввал тиббий кўрикдан ўтказилганидан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили тиббий кўрикдан мажбурий тарзда ўтказиб туриладилар. Уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга, шунингдек дам олиш кунлари ишлашга жалб қилиш тақиқланади.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчиларга ҳар йилги таътил ёз пайтида ёки уларнинг ҳохишига қараб йилнинг исталган вақтида берилади ва у бир календарь ойга тенг бўлади. Улар учун ишлаб чиқариш нормалари катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишлаб чиқариш нормаларига асосланиб белгиланади, лекин бу норма 18 ёшга тўлмаган шахслар учун белгиланган қисқартирилган иш вақтига мутаносиб равишда камайтирилган бўлади.

Кунлик иш вақти қисқартирилган ҳолларда уларга иш ҳақи кунлик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ишчи ва хизматчиларга бериладиган миқдорда тўланади. Ишбай асосида ишлашга қўйилган шахслар меҳнатига катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Бунда уларнинг катта ёшдаги ходимларнинг кунлик иш вақтига нисбатан қисқартирилган кунлик  иш вақтига нисбатан қисқартирилган кунлик иш вақти учун катта ёшдаги ходимларнинг тариф маоши бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Умумий таълим мактабларини, ўрта махсус касб-хунар таълимини битириб чиққан ёшларни, шунингдек 15 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган бошқа шахсларни ишга ва ишлаб чиқаришда касб таълими олишга қабул қилиш брони корхоналар ва ташкилотлар учун белгилаб қўйилиши мумкин.

Ўрта махсус касб хунар билим юртларини битириб чиққан ёш ишчилар ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган шахслар олган ихтисослари ва малакаларига қараб иш билан таъминланадилар.

15 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган ишчи ва хизматчиларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишда, ишдан бўшатишнинг умумий қоидаларига риоя қилишдан ташқари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг розилиги билангина йўл қўйилади. Бунда корхонанинг тугатилиши, штатининг қисқартирилиши, эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги, ишни илгари бажариб келган шахс шу ишга қайта тикланиши сабабли ишдан бўшатишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади ва мазкур ходим албатта бошқа ишга жойлаштирилади.

Ўқиб туриб ишлаётган вояга етмаган шахсларни ишга жойлаштириш ўзига хос баъзи хусусиятларга эга. Улар каникуль вақтида ҳам, ўқиш даврида ҳам фақат махсус рўйхатда белгилаб қўйилган корхоналар, муассасалар ташкилотлардагина ишлашлари мумкин.

Улар ишга кираётганларида турар жойларидан маълумотнома, муайян ихтисос бўйича ишга яроқли эканлиги ҳақида тиббий маълумотнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги бўлган шахсий ариза тақдим этишлари зарур.

Ўқиб туриб ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат қилиш ва дам олишини ҳуқуқий тартибга солишдан ўзига хос муҳим хусусиятлар бор. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун кунига 6 соатдан, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун кунига 4 соатдан ортиқ бўлмаган иш вақти муддати белгиланган. 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари кунига икки соатдан ортиқ, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари эса кунига 3 соатдан ортиқ ишлашлари мумкин эмас.

Башарти мактаб ўқувчиси таътил пайтида ишласа, бу ҳолда унинг учун ҳам кунига тўрт соатдан ортиқ бўлмаган иш муддати белгиланади.

Ўсмирларга уларнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш ҳафтаси шароитида мослашувчан график бўйича ишлашга, шунингдек уйда ишглашга ижозат берилиши мумкин, бунда ўқув машғулотлари тиғиз кунларда ишдан холи танаффуслар ҳам берилишига йўл қўйилади.

Ўқиб туриб ишлаётган ўқувчиларга таътил каникуль пайтида ишланган ҳар ой учун икки иш куни ҳисобидан берилади ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Агар кунлик иш вақти қисқартирилган ҳолларда 18 ёшга тўлмаган ходимларга иш ҳақи кунлик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланса, ўқув йили давомида ҳам ўқиб ҳам ишлаётган ўсмир эса ишлаган вақтида мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб иш ҳақи олади. Аммо бунда корхона, муассаса, ташкилот унга қўшимча ҳақ белгилашга ёки бошқа хил имтиёзлар ва афзалликлар беришга ҳақлидир.

Ўқиб туриб ишлаётган ўсмир ишдан бўшаши ҳақида уч кун аввал маъмуриятни ёзма равишда огоҳлантиргандан кейин ишдан бўшаши мумкин. Маъмурият эса ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги аризаси бўлган, башарти ишни давом эттириш уларнинг соғлиғи учун хавфли бўлса ёки улар учун бошқача тарзда зиён-заҳмат етказиши мумкин бўлса, бундай ҳолларда меҳнат муҳофазаси устидан назорат олиб борувчи органларнинг ва вояга етмаганлар ишлари билан шулланувчи комиссиянинг ёзма равишдаги рухсатномаси бўлган тақдирдагина ўқувчини ишдан бўшата олади.

Ишдан бўшатганда ўсмирга меҳнат дафтарчаси эмас, балки ишлаганлиги ҳақида маълумотнома берилиб, унда ихтисоси (мутахассислиги), малакаси, лавозими ва ишлаган вақти кўрсатилади. Бу маълумотларнинг барчаси кейинчалик мазкур шахс умумий асосларда ишлай бошлаганидан кейин белгиланган тартибда тутиладиган меҳнат дафтарчасига ёзилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга республика қонунларида муайян имтиёзлар берилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмурияти бундай ходимларнинг ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун зарур шароит яратиб бериши шарт. Жумладан, бундай ходимлар учун ҳеч бир тўсиқларсиз машғулотларга қатнашишлари, имтиҳонлар, синовларни ўз вақтида топширишларига имкон берадиган иш графиклари тузиб чиқилиши лозим. Олган билимларига мувофиқ равишда таълим олаётган ходимларнинг малака даражаси оширилиши, улар хизмат юзасидан юқори лавозимларга кўтарилиши, уларнинг ҳохиши билан йиллик таътиллар асосий машғулотлар ўтказиладиган, лаборотория ишлари бажариладиган, имтиҳонлар, синовлар топшириладиган вақтга тўғрилаб берилиши мумкин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари учун биринчи йил ишланганда навбатдаги йиллик таътил 11 ой ишлагандан кейин берилиши мумкин.

Ишни таълим билан олиб борувчи шахслар учун қонунда назарда тутилган имтиёзлар ишлаб чиқариш, мавсумий ёки бошқача характердаги ҳар қандай сабаблардан қатъи назар берилиши лозим. Ишдаги ҳар қандай камчиликлар, интизомий ножўя хатти-ҳаракатлар ва шу сингарилар таълим бўйича имтиёзлар беришга таъсир этиши мумкин эмас. Имтиёзлар беришни рад этиш ҳақидаги ҳар қандай келишув ёки уларни чеклашга меҳнат қонунларини қўпол суратда бузиш деб қаралмоғи лозим.

Ишни олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи ходимларга алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, олий ўқув юртларига кирувчиларга кириш имтиҳонлари топшириш учун 15 календарь куни давомида, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга эса 10 календарь куни давомида иш ҳақи сақланмаган таътил берилади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга таълим олиш муносабати билан қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган таътил берилади.

## Меҳнат низолари

Меҳнат низолари-меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий актлар, жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа битимлар, шунингдек меҳнат шартномаси контракт шартларининг қўлланилиши юзасидан ходимлар билан маъмурият ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ва ихтилофлардан иборат.

Меҳнат низолари ўз мазмунига кўра жамоага доир ва шахсга доир меҳнат низоларига бўлинади. Шахсга доир низолар муайян ходим билан маъмурият ўртасидаги низолар бўлиб, улар, одатда, ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларни қўллаш борасида юзага келади.

Жамоага доир низолар барча ходимларга таалуқли бўлган янги меҳнат шароитларини жорий қилиш ёки мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартириш, шунингдек, маъмуриятнинг бутун жамоага нисбатан олган ўз мажбуриятларини бажариши борасида юзага келадиган низолардир.

Меҳнат низолари ўз хусусиятига кўра даъво характеридаги низолар ва даъво характерига эга бўлмаган низоларга бўлинади. Даъво характеридаги низолар меҳнат тўғрисидаги меъёрий актларни қўллаш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай низо давомида ходим даъво ариза бериш йўли билан ўз хуқуқларининг тикланишига ҳаракат қилади. Улар ҳамма вақт шахсий характерга эга бўлади.

Даъво характерига эга бўлмаган низоларга амалдаги меҳнат шартларини ўзгартириш ёхуд янги меҳнат шартларини жорий этиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган келишмовчиликлар киради. Улар шахсий характерга, шунингдек, жамоа характерига ҳам эга бўлиши мумкин.

Шахсга доир низолар меҳнат низолари комиссияси ёки туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади.

Меҳнат низоларини кўриб чиқиш асослари. Меҳнат низолари таалуқлилик жиҳатига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Меҳнат низолари комиссиялари томонидан кўриб ҳал қилинадиган низолар;
2. Туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб ҳал қилинадиган меҳнат низолари;
3. Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига алоқадор бўлган, махсус тартибда кўриб чиқиладиган меҳнат низолари.
4. Амалдаги бу ҳуқуқий норманинг афзалликларидан бири шундаки, ходим биринчи навбатда меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этмай, тўғридан тўғрри судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Меҳнат низоларини кўриб чиқиб ҳал қилишнинг махсус тартиби жорий этилган айрим тоифадаги давлат хизматчилари жумласига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари лавозимларига сайланган, тасдиқланган ва тайинланган мансабдор шахслар;
- Судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари. Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига таалуқли меҳнат низоларининг рўйхати меҳнат қонунчилиги билан қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:
- Меҳнат шартномасини бекор қилиш;
- Бошқа ишга ўтказиш;
- Асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш;
- Интизомий жазо бериш масалаларига таалуқли меҳнат низолари;

Юқорида қайд этилган давлат хизматчиларига таалуқли бошқа меҳнат низолари умумий тартибда кўриб ҳал этилади.

Меҳнат низолари комиссиялари камида 15 киши ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот, меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида

сайланади. Сайлаш тартиби, комиссия аъзоларининг сони, таркиби ва унинг ваколат муддатини ҳам умумий йиғилиш белгилайди. Комиссия ўз таркиби орасидан комиссия раиси, раис ўринбосарларини ва котибини сайлайди. Жамоа умумий йиғилишининг қарорига биноан бўлинмаларда ҳам меҳнат низолари комиссиялари ташкил этилиши мумкин. Улар бўлинма жамоаси томонидан сайланади.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низоларини кўриб чиқувчи бошланғич орган ҳисобланади, қонун ҳужжатларида қараб чиқишнинг ўзгача тартиби қўлланилиши белгилаб қўйилган меҳнат низолари бундан мустасно.

Башарти ходимнинг мустақил равишда ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси ташкилоти иштирокида маъмурият билан олиб борган музокараларида мавжуд келишмовчилик ҳал этилмаса меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилиши лозим. Ходим ўз хуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Белгиланган муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, комиссия бу муддатни қайта тиклаши мумкин. Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Ходим ёзма ариза билан илтимос қилгандагина низо унинг иштироксиз кўриб чиқилишига йўл қўйилади. Башарти ходим комиссия мажлисида ҳозир бўлмаса, унинг аризасини кўриб чиқиш бошқа кунга кўчирилади. Агарда ходим комиссия мажлисига иккинчи марта ҳам узрли сабабларсиз келмаса, комиссия мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиши мумкин, аммо бу ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ходим меҳнат низосининг қараб чиқилишида иштирок этиш учун ўз ҳисобидан адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари коомиссияси ўз мажлисида гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни, корхонада фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш вакилларини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисида иштирок этаётган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади. Комиссиянинг қарори устидан ходим ёки мағмурият ўн кун муддат ичида судга шикоят қилиши мумкин. Бу муддатнинг ўтказиб юборганлиги кейинчалик ариза қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди.

Меҳнат низоларини судда кўриб чиқиш. Суд қуйидаги ҳолларда меҳнат низоларини кўриб чиқади:

- Башарти меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини қараб чиқмаса ва манфаатдор ходим меҳнат низосини қараб чиқиш учун туман судига ўтказишга қарор берган бўлса;
- Ходимнинг, маъмуриятнинг ёки ходим манфаатларини ҳимоя қилувчи тегишли касаба уюшмасининг аризасига биноан;

- Меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда маъмуриятнинг аризасига биноан;
- Прокурорнинг аризасига биноан.

Судларда бевосита қуйидаги меҳнат низолари кўриб чиқилади;

- меҳнат низолари комиссияси сайланмайдиган ёки бирор сабабга кўра бундай комиссия тузилмаган корхоналарда келиб чиққан меҳнат низолари;
- меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш, ишдан бўшатиш вақти ҳамда сабабининг таърифини ўзгартириш, мажбурий прогул вақти ва кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлаш ҳақидаги ходимнинг аризаси ёки прокурорнинг аризаси мурожатномасига биноан;
- корхона, муассаса, ташкилотга етказилган моддий зарарни ходимдан ундириб олиш ҳақидаги маъмуриятнинг мурожаатномасига биноан;
- меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ходимнинг саломатлигига етказилган зарар ўрнини корхона қоплаши ҳақидаги ходимнинг аризаси ёхуд прокурорнинг мурожаатномасига биноан.

Шунингдек бошқа корхоналардан ўтказиш тартибида ишга таклиф этилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этиш; бронь хисобидан ишга юборилган 18 ёшга тўлмаган шахсларни; ногиронларни; ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни; 14 ёшга тўлмаган боласи бор (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор) ёлғиз оналарни; қонунларга мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) тузиши шарт бўлган бошқа шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик тўғрисидаги низолар ҳам бевосита судда кўриб чиқилади.

Меҳнат имзосини ҳал қилиб беришни сўраб судга мурожаат этиш муддати. Меҳнат имзосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза судга ходим ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида, ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги ишлар юзасидан эса ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхаси олинган ёки меҳнат дафтарчаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида топширилади.

Маъмуриятнинг ходим томонидан етказилган моддий зарарни ундан ундириб олиш масаласи бўйича судга мурожаат қилиши учун ходим зарар етказилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан бир йил муддат белгиланган.

Меҳнат низолари бўйича қарор чиқариш. Меҳнат низолари комиссияси ёки суднинг қарори билан ходим ғайриқонуний асосда ишдан бўшатилганлиги ёхуд бошқа ишга ўтказилганлиги тақдирда дарҳол ишга қайта тикланиши лозим. Меҳнат низолари комиссияси ёки суд ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақини тўлаш ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ойлигидаги фарқни тўлаш ҳақида қарор қабул қилади, бироқ бу муддат бир йилдан ошмаслиги керак. Шунингдек

ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга мажбурий қилинган прогул вақти учун ёхуд камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаши муносабати билан корхонага етказилган зарар учун мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгарлик юклатилади.

Ишдан бўшатиш сабабининг таърифи нотўғри ёки амалдаги қонунларга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда меҳнат низолари комиссияси ёки суд уни ўзгартириши ва ишдан бўшатиш сабабини амалдаги қонунларга тўла мувофиқ таърифлаши шарт. Агар ишдан бўшатиш таърифининг нотўғрилиги ходимнинг ишга жойлашишига тўсқинлик қилган бўлса, бир вақтнинг ўзида ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақи тўлаш тўғрисида қарор чиқарилади, бироқ бу муддат ҳам бир йилдан ошмаслиги керак. Бундай ҳолларда меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, ходим эса меҳнат дафтарчасининг ҳақиқий эмас деб топилган ёзуви қайд этилмаган дубликатини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

/айриқонуний равишда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, ишдан бўшатиш сабабининг таърифини ўзгартириш ҳақидаги, шунингдек ходимга иш ҳақи бериш тўғрисидаги қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

Меҳнат низолари комиссияси ёки суднинг ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақидаги қарорининг ижроси маъмурият томонидан кечиктирилган тақдирда меҳнат низолари комиссияси, суд унга барча кечиктирилган давр учун ўртача иш ҳақи ёки шу иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлаш тўғрисидаги қарор чиқаради.

Айрим тоифалардаги ходимларни ишдан бўшатиш масалалари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш. Ўзбекистон, қорақалпоғистон, вилоятлар олий давлат ҳокимияти органлари сайлаб қўядиган, тасдиқлайдиган ёки тайинлайдиган раҳбар ходимларни, судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчиларини ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, мажбурий прогул қилинган вақт ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун уларга ҳақ тўлаш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларига доир низолар юқори турган органлар томонидан кўриб чиқилади.

Ходим аввалги ишига тикланган ҳолларда унга мажбурий прогул қилинган вақт ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўланади, аммо бу муддат бир йилдан ошмаслиги лозим.

## Ходимларининг моддий жавобгарлиги

Моддий жавобгарлик дейилганда ходимнинг айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этиши натижасида корхона, муассаса, ташкилотга

етказилган зарарни тўла ёки қисман қоплашидан иборат вазифаси тушунилади.

Корхонага зарар етказганлик учун ишчи ва хизматчиларни моддий жавобгар қилиш юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Моддий жавобгарликнинг мазкур тури моддий жавобгарликнинг бошқа турларидан (мукофотдан маҳрум этиш ёки уни камайтириш, меҳнатдаги улуш коэффициентини пасайтириш кўзда тутилганлиги, интизомий жазо тариқасида кам ҳақ тўланадиган ишга кўчириш) шу жиҳати билан фарқ қиладики, у, биринчидан, корхона мол-мулкнинг тўла сақланишини таъминлашга ва хўжасизлик ҳолларининг олдини олишга; иккинчидан, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга; учинчидан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ҳаддан зиёд кўп ва ғайриқонуний равишда ушлаб қолишлардан муҳофаза қилишни таъминлашга даъват этилган.

Ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини меҳнат ҳуқуқлари нормалари жиҳатдан фуқаролик бўйича мулкий жавобгарликдан фарқламоқ лозим. Бу фарқ қуйидагилардан иборат:

- Ўзлари моддий зарар етказган корхона билан меҳнат муносабатларида бўлган ишчи ва хизматчиларгина меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик субъекти ҳисобланадилар. Моддий зарар етказган шахс корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган ҳолларда жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқи бўйича бўлади;
- Меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича фақат бевосита етказилган ҳақиқий зарар, шунда ҳам, одатда, чекланган миқдорда, фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса тўлиқ миқдорда ундирилади, бунда кўрилган зарар дейилганда мулкнинг сарф қилинганлиги, йўқолганлиги ёки бузилганлиги. Шунингдек ходим ўз мажбуриятини адо этган тақдирда олиши мумкин бўлган, аммо бой берилган фойда тушунилади;
- Меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик чегараси ҳуқуқ бузилган ҳолатга, мулкнинг турига, меҳнат вазифасига, баъзи ҳолларда эса қилган айбига қараб табақалаштирилган тарзда белгиланса, фуқаролик ҳуқуқи нормалари эса тасодифан зиён етказилган тақдирда ҳам етказилган зарарни ундириш мажбуриятини назарда тутади;
- Меҳнат ҳуқуқида бир неча ходимнинг айби билан етказилган зарар миқдори улардан ҳар бирининг айбини ҳисобга олган ҳолда белгиланади,яъни улар ўз ҳиссаларига қараб жавобгар бўладилар. Бир гуруҳ ходимлар томонидан атайлаб жиноят қилинган ҳоллаauthor ргина бундан мустасно. Фуқаролик ҳуқуқида бир неча шахслар томонидан зиёд етказилган тақдирда биргаликдаги жавобгарлик қўлланилади;
- Меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича ишлаб чиқариш таваккалчилиги тоифасига киритиладиган етказилган зарар уччн ходимлар моддий жавобгарликдан озод қилинадилар, фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса бундай ҳолларда ҳам жавобгарлик қилинади;

- Фуқаролар иштироки бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун уч йил даво муддати белгиланган бўлса, меҳнат ҳуқуқида-бир йил белгиланган;
- Меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича чекланган моддий жавобгарлик ҳолларида етказилган зарар маъмуриятнинг фармойиши билан ундирилади. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса етказилган зарар суд орқали ундирилади.

Моддий жавобгарликнинг икки тури мавжуд:

Биринчи-***чекланган моддий жавобгарлик.*** Бунда ходимлар ўз меҳнат вазифаларини бажариш чоғида корхона, муассаса, ташкилотга мулкий зарар етказганликлари учун етказилган ҳақиқий зарар миқдорида, аммо ойлик иш ҳақларидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгар бўладилар, қонунларда моддий жавобгарликнинг бошқа миқдори кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Маъмурий ходимлар, агар ортиқча пул тўлаганлиги, моддий ёки пул қимматликлари ҳисобини юритиш ва сақлаш нотўғри уюштирилганлиги, бекор туриб қолиш ҳолларига, моддий ёки пул қимматликлари ўғирланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бузилишига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрилмаганлиги оқибатида уларнинг айби билан зарар етказилган бўлса, улар етказилган зарар миқдорида, лекин ўз ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгар бўладилар.

Ходимни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга кўчиришда айбдор бўлган корхона раҳбарига уч ойлик маоши миқдорида моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Иккинчиси-***тўла моддий жавобгарлик.*** Ходимнинг ўзи етказган зарарни тўла ҳажмда қоплашдан иборат мажбуриятидир. Бунда иш ҳақи миқдори ҳисобга олинмайди. қуйидаги ҳолларда тўла миқдорда моддий жавобгарлик назарда тутилган:

- Ходимнинг хатти-ҳаракати билан етказилган зарарда жиноят аломатлари бўлган тақдирда. Бундай аломатлар суд орқали аниқланади;
- Меҳнат вазифаларини бажараётганда етказилган зарар учун қонунларга мувофиқ ходимга тўла моддий жавобгарлик юкланган тақдирда;
- Меҳнат вазифаларини бажармаётган пайтда зарар етказилган тақдирда;
- Ходим тегишли мулкни ва бошқа қимматликларни бир галлик ишонч қоғози ёки бошқа бир галлик ҳужжатларга асосан ўз ҳисобига олган тақдирда;
- Фойдаланиш учун берилган материаллар, буюмлар,асбоблар,ўлчов приборлари, махсус кийим ва бошқа буюмлар камомад бўлиши, қасдан йўқ қилиниши ёки қасддан бузилиши сабабли зарар келтирилган тақдирда;
- Зарар маст ҳолда бўлган ходим томонидан етказилган тақдирда;
- Ходим тўла моддий жавобгарликни ўз зиммасига олиши тўғрисида у билан тузилган ёзма шартнома асосида белгиланган тақдирда. 18 ёшга тўлмаган шахслар билан бундай шартнома тузиш тақиқланади.

Ёзма шартнома бўйича тўла моддий жавобгарлик икки турга бўлинади; шахсий ва жамоа моддий жавобгарлик.

Ўзига топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, бериш, ташиш билан бевосита боғлиқ лавозимни эгаллаган ёки ишларни бажараётган ходим билан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши мумкин.

Ходимлар ўзларига топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, бериш ёки сотиш, ташиш ёки улардан иш жараёнидаа фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айрим иш турларини биргаликда бажарган тақдирда ва агар ҳар бир ходимнинг тўла моддий жавобгарлигини чегаралаш ва у билан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш, иложи бўлмаса, бу ҳолда жамоа моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин.

Моддий зарар етказган ходим еткакзилган зарарни ўз ихтиёри билан тўла ёки қисман қоплаши мумкин. Ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдоридаги зарар ходимнинг ёзма равишдаги розилиги бўлган тақдирда маъмурият чиқарган фармойиш асосида иш ҳақидан ундириб олинади.

Маъмуриятнинг фармойиши ходим зарар етказганлиги аниқланган кундан бошлаб икки ҳафтадан кечикмай чиқарилиши ва бу ҳақда ходимга маълум қилинган кундан бошлаб бир ҳафтадан кейин ижро этилиши лозим. Агарда ходим шу ҳақидан ушлаб қолишга ёки унинг миқдоридан норози бўлса, меҳнат низоси унинг аризасига биноан меҳнат низоларини кўрувчи уомиссияда қараб чиқилади. Бошқа ҳолларда зарарни ундириб олиш суд орқали амалга оширилади.

Етказилган зарар ходимнинг интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганидан қатъи назар ундирилади.

Ундириб олинадиган зарарнинг миқдорини белгилашда қуйидагилар ҳисобга олинади: ходимнинг моддий аҳволи, моддий қимматчиликларнинг яхши сақланишини таъминлашда унга маъмурият томонидан ёрдам берилган-берилмаганлиги, бухгалтерия ҳисоб-китоби даражаси, моддий қимматликларнинг сақланиши учун нормал шарт-шароит бор-йўқлиги ҳисобга олинади.

Суд айбдорлик даражасини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини назарда тутиб ундириб олинадиган зарарнинг миқдорини камайтириши мумкин.

## Äàâëàò èæòèìîèé ñóғóðòàñè

Ìåҳíàò қîíóíëàðèäà áàð÷à õîäèìëàð äàâëàò éўëè áèëàí èæòèìîèé ñóғóðòà қèëèíèøëàðè êўðñàòèëãàí. Áó áàäàë òóëîâ àñîñèäà àìàëãà îøàäè.

Ñóғóðòà қèëèíãàí õîäèìëàð, òåãèøëè ҳîëëàðäà ўñà, óëàðíèíã îèëàëàðè ҳàì äàâëàò èæòèìîèé ñóғóðòàñè ìàáëàғëàðè ҳèñîáèäàí:

- âàқòèí÷à ìåҳíàòãà қîáèëèÿòñèçëèê íàôàқàëàðè, à¸ëëàð ўñà, áóíäàí òàøқàðè, ҳîìèëàäîðëèê âà òóғèø íàôàқàëàðè;

- áîëà òóғèëãàíäà áåðèëàäèãàí íàôàқàëàð;
- äàâëàò òîìîíèäàí áåðèëàäèãàí ¸øãà äîèð, íîãèðîíëèêè âà áîқóâ÷èñèíè éўқîòãàíëèêè ïåíñèÿëàðè;
- қîíóí ҳóææàòëàðèäà íàçàðäà òóòèëãàí áîøқà òўëîâëàð áèëàí òàúìèíëàíàäèëàð.

Äàâëàò èæòèìîèé ñóғóðòàñè ìàáëàғëàðèäàí ñàíàòîðèé-êóðîðòëàðäà äàâîëàíèø, äàì îëèø, ñóғóðòà қèëèíãàí õîäèìëàðíèíã øèôîáàõø (ïàðҳåç) òàîìëàðè ó÷óí ҳàқ òўëàø, áîëàëàðíèíã ñîғëîìëàøòèðèø ëàãåðëàðèíè òàúìèíëàá òóðèø, äàâëàò èæòèìîèé ñóғóðòàñèãà äîèð áîøқà òàäáèðëàð ó÷óí ҳàì áåëãèëàíãàí òàðòèáäà ôîéäàëàíèëàäè.

Давлат ижтимойи суғурта масалаларига таалуқли қонун-хужжатлар такомиланиб туришига эътобр қаратиб туради. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 майдаги 149-сон қарорига илова «Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низомида бир йўла бериладиган нафақалар тартиби кўрсатилган.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари аёллар туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққандан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Бола туғилган бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Ҳар бир туғилган бола учун бериладиган нафақанинг миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган миқдор ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 2002 йил 1 апрель, 21-сонли буйрғи асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари хисобидан ижтимоий суғурта бўйича қуйдаги нафақалар берилади:

- ♦ вақтинччалик меҳнатга қобилиятсизлик учун;
- ♦ ҳомиладарлик ва туғиш учун;
- ♦ бола туғилгани учун;
- ♦ қўшимча дам олиш куни учун;
- ♦ дафн этиш маросими учун.

Масалан, вақинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси шаҳс меҳнат қобилиятини йўқатиш билан боғлиқ касалликда, санаторий-курортларда даволанганда, оиладаги касалга парвариш зарур бўлганда, сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, карантинда, меҳнат қобилиятини тиклаш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда берилади.

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докрантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган шахсларга нафақа улар ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

## Ïåíñèÿ òàúìèíîòè

Ҳàð áèð Ðåñïóáëèêàìèçäà ìåҳíàò қèëãàí øàõñ âàқòè-ñîàòè åòãàíäà ïåíñèÿ îëèø ҳóқóқèãà ýãà. Ïåíñèÿ îëèø ó÷óí ôàқàò ìåҳíàò қèëãàí, ïåíñèÿ ¸øèãà åòêàí áўëèøè øàðò ýìàñ. Äàâëàòèìèçäà áèð íå÷à ïåíñèÿ òóðëàðè ìàâæóä. Óëàð: ¸øèãà äîèð ïåíñèÿ, íîãèðîíëèê ïåíñèÿñè, áîқóâ÷èñèíè éўқîòãàíëèê ïåíñèÿñèäèð.

¨øèãà äîèð ïåíñèÿ ñóғóðòà қèëèíãàí õîäèìëàðãà óìóìèé àñîñëàðäà: ýðêàêëàð - îëòìèø ¸øãà òўëãàí áўëèá, óìóìèé ìåҳíàò ñòàæè éèãèðìà áåø éèëäàí êàì áўëìàãàí òàқäèðäà, à¸ëëàð - ýëëèê òўðò ¸øãà òўëãàí áўëèá, óìóìèé ìåҳíàò ñòàæè éèãèðìà éèëäàí êàì áўëìàãàí òàқäèðà òàéèíëàíàäè.

Ïåíñèÿ ñóғóðäà қèëèíãàí õîäèìëàðíèíã àéðèì òîèôàëàðèãà ïåíñèÿ ¸øè êàì áўëãàíäà, òåãèøëè ҳîëëàðäà ýñà- ìåҳíàò ñòàæè êàì áўëãàíäà ҳàì òàéèíëàíàäè.

Íîãèðîíëèê ïåíñèÿñè ñóғóðòà қèëèíãàí õîäèìëàðãà - íîãèðîíëèê ìåҳíàòäà ìàéèá áўëèø ¸êè êàñàëëèãèãà ÷àëèíãàíëèãè òóôàéëè êåëèá ÷èққàí áўëñà, ìåҳíàò ôàîëèÿòèíèíã ìóääàòèäàí қàòúè íàçàð òўëàíàäè.

Áîқóâ÷èñèíè éўқîòãàíëèê ïåíñèÿñè ìåҳíàòäà ìàéèá áўëèø ¸êè êàñá êàñàëëèãè òóôàéëè âàôîò ýòãàí áîқóâ÷èíèíã ìåҳíàòãà қîáèëèÿòñèç îèëà àúçîëàðèãà, óíèíã ìåҳíàò ôàîëèÿòèíèíã ìóääàòèäàí қàòúè íàçàð òàéèíëàíàäè.

Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèäà ìåҳíàò қèëãàí ҳàð-áèð õîäèì ўç ôàîëèÿòëàðèíè àìàëãà îøèðèø âà ìåҳíàò қèëèø ҳóқóқèãà äîèð ìóîìàëàëàðèíè қîíóí àñîñèäà òàðòèáãà ñîëèíèøíè òàëàá қèëèøäà ìåҳíàò қîíóí ҳóææàòëàðè ¸ðäàì áåðàäè.

Àíà øó ìàқñàääà ìåҳíàò қîíóíëàðèíè ўðãàíäèê.

Õîäèì ўç ìåҳíàòèãà òåãèøëè ҳàқ îëèø, ìåҳíàò òàúòèëëàðèäàí ôîéäàëàíèø, èæòèìîèé òàúìèíîò îëèø, ìàëàêà îøèðèø âà áîøқà ҳóқóқëàðãà ýãà. Èø áåðóâ÷è êîðõîíàíè áîøқàðèø âà ўç âàêîëàòëàðè äîèðàñèäà ìóñòàқèë қàðîðëàð қàáóë қèëèø, ìåҳíàò øàðòíîìàñèíè òóçèø, õîäèìäàí ўç âàçèôàëàðèíè áàæàðèøíè òàëàá қèëèø âà áîøқà ҳóқóқëàðãà ýãà.

Õîäèìíèíã âà èø áåðóâ÷èíèíã ўçàðî ìóíîñàáàòëàðèíè òàðòèá äîèðàñèäà òóòèø, èêêè òàðàôíèíã ìàíôààòëàðèíè ҳèìîÿ қèëèø ìàқñàäèäà õîäèìëàðíèíã âà èø áåðóâ÷èíèíã êîðõîíàäàãè âàêèëëèê îðãàíëàðè ñàéëàíèá қўéèëàäè. Ìåҳíàò қîíóíëàðèäà áó âàêèëëèê îðãàíëàðè âàêîëàòëàðè êåíã êўðñàòèëãàí.

## Касаба уюшмаларининг педагог ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишдаги асосий функциялари

Касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмасдан маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- Корхона, муассаса, ташкилот тугатилганда;
- Ишга қабул қилиш пайтида белгиланган синов натижаси қониқарсиз топилганда;
- Ўриндошлик тарзида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлик асосида бажарилаётган ишдан, шунингдек қонунга кўра ўриндошлик асосидаги иш чекланиши муносабати билан бўшатилганда;
- Илгари шу ишни бажариб келган ходим ишга қайта тикланганда;
- Касаба уюшмаси мавжуд бўлмаган корхонадан ишдан бўшатилганда;
- Корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари лавозимга сайлаб, тасдиқлаб ёки тайинлаб қўядиган раҳбар ходимлар ҳар қандай асос бўйича ишдан бўшатилганда.

Маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси ходимни ишдан бўшатишга розилик беришини илтимос қилиб ёзма равишда мурожаат қилади. Касаба уюшмаси қўмитаси ҳам мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори ҳақида ўн кунлик муддат ичида маъмуриятни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Касаба уюшмаси қўмитаси маъмуриятнинг илтимосини кўриб чиқиш чоғида ишнинг ҳолатини фақат қонунийлиги нуқтаи назаридангина эмас, балки мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам текшириб чиқади. Касаба уюшмаси қўмитасининг ишдан бўшатишни рад қилиши узил-кесил ҳисобланади ва юқори турган касаба уюшмаси органи томонидан бекор қилиниши ёхуд қарор билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Маъмурият касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган кундан бошлаб узоғи билан бир ой мобайнида интизомни бузганлиги учун ишдан бўшатишда ножўя ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой муддат давомида меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Агар бир ой давомида буйруқ чиқарилмаса, иккинчи марта касаба уюшмасига мурожаат этиш зарур, иккинчи ой ҳам ўтказиб юборилган тақдирда эса ишдан бўшатиш ҳуқуқи умуман ўз кучини йўқотади.

Маъмурият ишдан бўшатишга розилик олгач, уни амалга ошириш шарт эмас. Маъмурият ўзининг қарорини ўзгартириши мумкин.

Меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланмаган учинчи шахсларнинг ташаббуси билан, яъни суд, касаба уюшмаси органи, мудофаа ишлари вазирлиги органлари аралашуви натижасида ходимни

ишдан бўшатишга тўғри келиб қолиши мумкин. Ходимнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати бунда ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органларига бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари ишдан бўшатиш ҳақидаги масалани қўйишлари мумкин: Суд органлари, Мудофаа ишлари вазирлиги органлари, касаба уюшмаси органлари ишдан бўшатишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ана шу органларнинг  талабига биноан маъмуриятт ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши шарт. Жумладан, маъмурият касаба уюшмаси органларининг талаби билан муайян тоифадаги раҳбар ходимларни, агар улар меҳнат қонунларини бузаётган, жамоа шартномаси бўйича зиммасига олган мажбуриятларини бажармаётган, тўрачилик қилаётган, сансолорликка йўл қўяётган бўлсалар, ишдан бўшатиш ёхуд эгаллаб турганн лавозимидан олиши шарт

## УШ-Оила ҳуқуқи

## Мавзу: Оилавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш

♦ Оиладаги ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
♦ Оила ҳуқуқида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати;
♦ Никоҳ тушунчаси, унинг тартиб ва шартлари;
♦ Эр-ҳотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
♦ Эр-ҳотининг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
♦ Эр-ҳотин мол-мулкининг шартномавий тартиби;
♦ Никоҳнинг тугатилиши;
♦ Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
♦ Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари;
♦ Алимент мажбуриятлари;
♦ Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати.

## Оиладаги ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Оила узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасидир, жамият тузилишинининг объектив зарур, ажралмас қисмидир.

Ижтимоий маънода оила одамларининг ижтимоий жиҳатдан алоҳида уюшган гуруҳлар, маънавий хўжалик, маиший ва бошқа турмуш шартлари ҳамда манфаатлари бир хил бўлган шахслар иттифоқидир.

Оила энг муҳим ижтимоий вазифаларни;

♦ Инсонни яратиш;
♦ Болаларни тарбиялаш;

- Одамларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни маънавий бирлаштириш;
- Биргаликда хўжалик юритишни таъминлаш;
- Ўзаро ёрдам кўрсатиш;
- Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш демография жараёнларини яхшилаш вазифаларини бажаради. Айни оилада инсон характерининг асослари, меҳнатга маънавий ва маданий бойликларга муносабат шаклланади.

Жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан ғоятда манфаатдордир. Шу боис у оилани мустаҳкамлаш, ижтимоий вазифаларни бажаришда, болаларни тарбиялашда унга кўмаклашиш, болали оилаларнинг ҳамда келин-куёвларнинг моддий, уй-жой маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш йўлини тутиши лозим.

Оила болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, она ва бола манфаатларини муҳофаза этишга, оналикни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар туркумини назарда тутувчи ҳуқуқ оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Оила давлат ҳимоясига олинган бўлиб, Конститутцияда эълон қилинади. Меҳнатга, фуқароларга, хўжалик ва молиявий ишларга доир қонунларда, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва хоказо масалалар хусусидаги қонунларда мазкур қоидаларга янада аниқлик киритилган. Бу ўринда оила ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади.

**Оила ҳуқуқи** эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳисобланади.

Аммо оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайди. Бу муносабатларнинг аксарияти ахлоқий, руҳий тусда бўлиб, ўз моҳиятига кўра уларни ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб бўлмайди. Масалан: эр-хотинни би-бирини севишга ҳуқуқий меъёрлар воситасида мажбур қилиб бўлмайди. Бироқ ҳуқуқ оилада юксак ахлоқий вазият яратилишига эришишга, никоҳланганлар иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам бермоғи лозим.

Оила тўғрисидаги қонун давлат томонидан изга солиниши талаб қилинадиган муносабатларни тартибга солиб туради.

Бу қонун:

- никоҳ тузиш тартиби ва шартларни белгилайди;
- никоҳнинг тугатилиши (тугаши) ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди;
- оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонун хужжатларда анзарда тутилған ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шаҳслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солади;

- ота-она қарамоғидан мҳарум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

Шундай қилиб, никоҳ-оила муносабатларининг мажмуи оила ҳуқуқи шуғулланиши лозим бўлган соҳадир. Оила тўғрисидаги қонун хужжатларнинг вазифалари:

- оилани мустаҳкамлашдан;
- оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барчча аъзоларининг масъуллиги ҳиссини қуришдан;
- бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан;
- оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашда иборатдир.

Бу ҳуқуқ никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилишга доир муносабатларни, никоҳ қилинган эр-хотин ўртасида, болалар ва ота-оналар ўртасида, болаларни ўз тарбиясига олганлар билан ўша тарбияланувчилар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган муносабатларни ўз ичига олади.

Оила никоҳ масаласида ҳуқуққа қобилиятли бўлган ва баркамол фуқаролар (эр билан хотин) оиладаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига биноан:

- оилавий муносабатларда аёл ва эркак тенг ҳуқуқлидир;
- барча фуқаролар ҳам оилавий муносабатда тенг ҳуқуқлидирлар;
- Оила, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

## Оила ҳуқуқида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати

Ҳуқуқ қобилиятига эга бўлиш оилавий ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш сингари баъзи холларда бола туғилган пайтдан бошлаб юзага келади (яъни бола ўзини боқиш ва тарбиялашлари лозим бўлган ҳуқуқларга эга бўлади), бошқа ҳолатларда эса бундай ҳуқуқ у маълум ёшга етганида (никоҳдан ўтганида) юзага келади.

Баъзи ҳолатларда ҳуқуқий қобилиятлиликнинг юзага келиши муайян шартларга боғлиқ қилиб қўйилади (бир ота-онадан тарқалаётган қариндошлар ўзаро никоҳдан ўта олмайдилар деб қаралади).

Инсон маълум бир ёшда вояга етади. Йигитлар 18 ёшга тўлганида, қизлар эса одатда 17 ёшга етганида никоҳдан ўтиш имконига эга бўладилар. Бола бошқа одамнинг тарбиясига олинаётганида у ўз розилигини билдириш ҳуқуқини 10 ёшдан бошлаб қўлга киритади.

Кишининг субъектив ҳуқуқ ва бурчлари унинг ҳуқуқий қобилиятлилиги ҳамда баркамоллилигининг мазмунини ташкил этади.

Субъектив ҳуқуқ ва бурчлар шахсий ва мулкий тусда бўлиб, бунда шахсий ҳуқуқ ва бурчлар устун мавқега эгадир.

Шахсий ҳуқуқ ва бурчлар иқтисодий мазмун касб этмайди, улар шахс билан маҳкам боғланган, шахсий зҳуқуқ ва бурчларни бошқа кишиларга бериб бўлмайди.

Воқеа ва хатти-ҳаракат сифатида юзага келадиган юридик фактлар оиладаги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтаб қолишининг негизи ҳисобланади.

қариндош-уруғлик оилавий муносабатлардаги аксарият ҳолатлар учун асосдир. қариндош-уруғчилик дейилганда қон-қариндошлик, яъни бир-биридан тарқалган кишилар ёки ота-боболари бир бўлганлар назарда тутилади. қариндошлик бевосита ва ёндош бўлиши мумкин. Бир-биридан бевосита тарқалган кишилар (она, ота, болалар, буви, бува, набиралар) бевосита қариндошлар ҳисобланади. Ёндош қариндошларнинг ҳам қони бир бўлиб, улар умумий ота-бободан тарқалган кишилардир (бунга туғишган ака-укалар, опа-сингиллар, амакиваччалар, тоғаваччалар, аммаваччалар, холаваччлалар, амакилар, тоғалар, аммалар, холалар, жиянлар ва бошқалар киради).

қонунда туғишган ва отаси ёки онаси бошқа бўлган ака-укалар ва опа-сингиллар, қон - қардош ва бир туғишган деган тушунчалар бор. Ота-онаси бир бўлган фарзандлар туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ҳисобланадилар. Отаси ёки онаси бошқа бўлган фарзандлар фақат битта умумий отага ёки битта умумий онага эга бўладилар. Бу ўринда агар уларнинг онаси бир бўлса, улар бир қориндан туғилган (бир туғишган) ҳисобланадилар, агар отаси бир бўлса, бир отадан тарқалган (қон - қардош) болалар ҳисобланадилар.

## Никоҳ тушунчаси, уни тузиш тартиби ва шартлари

***Оила қуриш учун юридик жиҳатдан расмийлаштирилган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилигига асосланган, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган никоҳ оила негизини ташкил этади.***

Эркак билан аёлнинг оила қуришга қаратилган иттифоқи никоҳ деб аталиши учун бу никоҳ тегишли тарзда юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши керак. Бу иш (фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш) да рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади. Республика қонунларига кўра фақат ФҲДЁ органларида, шунингдек назарда тутилган ҳолатларда ФҲДЁ вазифасини ўтовчи идоралар (элчихоналар, консулхоналар) да қайд этилган никоҳ тан олинади. Бунинг маъноси шуки, диний урф-одатлар ҳам, амалда бирга яшашлик ҳам, у қанча вақт давом этишидан қатъи назар, никоҳни юзага чиқармайди ва, бинобарин, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирмайди.

қонунда белгиланганидек, никоҳ жамият манфаатлари йўлида, шунингдек эр-хотин ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида рўйхатдан ўтказилади. Бошқа кўпгина

ижтимоий муносабатлар ўртасида никоҳни рўйхатдан ўтказишгина эр-хотин ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътиборни жалб этади, уларга расмий тус беради. Никоҳни рўйҳатдан ўтказиш никоҳдан ўтганлар сонини, никоҳ муддатлари қанча давом этганлигини, никоҳдан ўтаётган кишиларнинг ёш таркибини ҳисобга олиб бориш имконини беради.

қонунларда никоҳдан ўтиш шартлари ва тартиби аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

**Биринчи шарт** никоҳдан ўтаётган шахслар ўртасида ўзаро розилик бўлишидан иборат, бу нарса эркак билан аёл ўртасидаги ихтиёрий ва эркин иттифоқ ҳисобланувчи никоҳнинг моҳиятидан келиб чиқади.

**Иккинчи шарт** муайян ёшга етишув ёки  никоҳдан ўтиш мумкин бўлган балоғатга етишувдан иборатдир.

Республика қонунига мувофиқ эркакларнинг 18 ёшда никоҳдан ўтиши, аёлларнинг 17 ёшда никоҳдан ўтиши белгилаб қўйилган. Айрим ҳолларда ҳокимиятлар никоҳдан ўтиш ёшини камайтиришга хақлидирлар, бироқ бунда улар никоҳдан ўтиш ёшини кўпи билан бир ёшгача камайтира оладилар, холос. Агар ота-онадан бири 16 ёшга тўлмаган бўлса, улар ўртасида бола бўлган тақдирда ҳам бу ҳолат никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун асос бўла олмайди. 17-18 ёшда эса ёшлар жисмоний, ақлий, рухий ва ижтимоий жиҳатдан камолга етган деб ҳисобланадилар.

Ёшлар никоҳдан ўтиш ҳақида ариза берган пайтда эмас, балки никоҳланиш рўйхатидан ўтган пайтда никоҳ ёшига етган бўлади.

қонунларда никоҳдан ўтиш ёшининг охирги муддати белгиланмаган. Никоҳдан ўтаётган шахслар ёши ўртасидаги катта фарқнинг ҳам аҳамияти йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ тузиш тартибига қйидагилар:

- ♦ Никоқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади;
- ♦ Диний расм-русмларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас;
- ♦ Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза бкргандан кейин бир ой ўтгач, ҳғшахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади;
- ♦ Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин;
- ♦ Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғулиши, бир тарафнинг касаллиги во бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин;
- ♦ Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатларидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади;

- Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига юқари турувчи органга мурожаат қилиши мумкин.
- қуйидаги ҳолатларда никоҳдан ўтиш мумкин эмас:
- никоҳдан ўтаётган шахсларнинг биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлса;
- насл-насаб шажараси бўйича тфғри таташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва угай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка оливчилар билан олинганникка олинганлар ўртасида;
- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилган шахслар ўртасида. Чунки бундай шахс ўз хатти-харакатларини англамайди ва уларни бошқара олмайди.

Агар никоҳдан ўтишгача бўлган муомала лаёқатига эга эмаслик аниқланса, у ҳолда бу нарса никоҳдан ўтишга тўсиқ бўлади. Бордию бу ҳолат никоҳдан ўтилгандан кейин маълум бўлса, бундай никоҳ бекор қилиниши мумкин.

Киши суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилмаган ҳолларда ҳам, агар у ўз хатти-харакатларини тушунмаслиги мутлақо равшан бўлса, никоҳ рўйхатга олинмаслиги керак, чунки бунда ҳам эркин ва ихтиёрий асосда никоҳдан ўтиш шартларига риоя қилинмаслиги мумкин.

Киши қаттиқ маст ҳолатда бўлганида, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ҳолатлар таъсирида бўлганида ҳам у никоҳдан ўтказилмайди, чунки бундай пайтларда у ўз хатти-ҳаракатларини англашга вақтинча қурби етмайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17 – моддасига биноан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Бу масаланинг мураккаблигини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 25 августа 365-сонли «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижро учун қабул қилинди.

қарор Оила кодексининг 17-моддасини бажариш юзасидан ҳамда соғлом оилани шакллантириш ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларига чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади.

қонунда никоҳдан ўтказиш борасидаги бошқа тақиқлар белгиланмаган ва шу боис никоҳдан ўтаётганларнинг ирқий, миллий, диний фарқлари эътиборга олинмайди..

Никоҳдан ўтувчиларнинг биронтаси ана шу шартларни бузган тақдирда бу нарса никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Никоҳ қилинган, аммо уларнинг никоҳи хақиқий эмас деб топилган эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва бурчлари бекор қилинади, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий эмас деб хисобланади. Бироқ никоҳнинг ҳақиқий эмас деб тан олиш шу никоҳ туфайли туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш учун фақат судга мурожаат қилиш зарур. Бошқа ҳеч қандай орган бундай ишларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

- Никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:
- ҳақиқий бўлмаган никоҳ пайтида орттирилган мол-мулкка нисбатан оилага доир қонун меъёрлари эмас, балки умумий мулк тўғрисидаги фуқаролик мажмуи меъёрлари қўлланилади;
- эрининг фамилиясига ўтган хотин (ёки аксинча) умумий фамилияда бўлишликдан маҳрум этилади;
- никоҳи «ҳақиқий эмас» деб топилган хотин эридан алимент олиш ҳуқуқидан (агар эр меҳнат қилишга лаёқатсиз бўлиб қолса) маҳрум этилади.

**Никоҳдан ўтиш тартиби.** Никоҳдан ўтишни истовчилар ФХДЁ органига ариза берганларидан сўнг орадан бир ой муддат ўтгач, никоҳдан ўтадилар деб белгилаб қўйилади. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат қисқартирилиши ёки уч ойга қадар узайтирилиши ҳам мумкин. Эркак харбий хизматга чақириладиган бўлса, ҳарбий хизматни ўтаётган бўлажак эр никоҳдан ўтиш учун қисқа муддатга келган ва у яна ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган бўлса, аёл ҳомиладор бўлса, у бола туғса, шошилинч равишда хизмат сафарига жўнаб кетишга тўғри келса ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар рўй берса, булар бир ойлик муддатни қисқартириш учун сабаб бўлиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ҳамда диққат-эътиборга сазовор бўлган бошқа далиллар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Бир ойлик муддатнинг узайтирилиши бўлажак эр билан хотиндан бирининг оғир касалга дучор бўлганлиги, сафарга шошилинч равишда жўнаб кетиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Никоҳни қайд этиш йўлида тўсиқлар пайдо бўлгани тўғрисида ариза тушганда ва уни текшириш зарур бўлганда, шунингдек никоҳланаётганлар яқинда танишган бўлиб, ҳали бир-бирини яхши билмаган, оила қуришга улар жиддий қарамаётган ҳолларда ҳам бир ойлик муддат узайтирилиши мумкин.

Никоҳни рўйхатга олиш вақтида бўлажак эр билан хотиннинг қатнашиши шарт. Улардан бири ҳатто узрли сабаб билан қатнашмаган тақдирда ҳам никоҳ рўйхатга олинмайди.

Маълумки инсоннинг соғлиги келажак авлодига ижобий ёки салбий тъсир этиши мумкин. Ота-бобаларимиз насихатига биноан бўлажак келин ва киёвнинг насл-насабини, соғлиқлигини билиш мақсадга мувофиқ деб танилган. Шу туфайли Оила кодекси 17-моддада «Никоҳланувчи шахсларни тибби кўрикдан ўтказиш» деб номланган. Унда никоҳланувчи

шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалри бўйичча маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилдиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокар сири ҳисобланади ва уни никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин.

Башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитити тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишини талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

## Эр-ҳотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Никоҳли бўлиш эр билан хотин ўртасидаги оддий муносабатларнинг ҳуқуқий муносабатларга айланишига олиб келади. Бунинг маъноси шуки, никоҳли бўлиш билан эр-хотинда ҳуқуқ ва бурчлар пайдо бўлади. Ана шу ҳуқуқ ва бурчлар ўз мазмунига кўра шахсий ҳамда мулкий тусга эга бўлади. Бунда шахсий муносабатлар муҳим аҳамият касб этади, чунки бу муносабатлар эр билан хотин ўртасидаги иттифоқ сифатидаги никоҳнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Эр билан хотиннинг шахсий ҳуқуқларига қуйидагилар киради;

- Улардан бирининг фамилиясига ўтиш ҳуқуқи;
- Оила турмуши масалаларини биргаликда ҳал қилиш ҳуқуқи;
- Фуқаролик, яшаш жойи;
- Касб танлаш;
- Болани ўғил ёки қиз қилиб олиш учун розилик бериш;
- Никоҳни бекор қилиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахсий ҳуқуқлар эр-хотин шахси билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу ҳуқуқларни улардан ажратиб ва тортиб олиб бўлмайди. Эр-хотин ҳуқуқларини чеклашга қаратилган келишувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Никоҳ бекор қилинганида эр ҳам хотин ҳам никоҳланиш рўйхатига олинаётган пайтда қабул қилган фамилиясини қолдириши ёки никоҳга қадар бўлган ўз фамилияси қайтариб берилишини сўраши мумкин.

Эр-хотиннинг оила турмуши масалаларини биргаликда ҳал қилишга доир ҳуқуқлари уларнинг тенг ҳолатидан келиб чиқади. Биргаликда ҳал этиладиган масалалар доираси кенгдир бунга:

- хўжаликни юритиш ҳақида келишиб олиш;
- Болаларни тарбиялаш;
- Уларнинг соғлиғи хақида ғамхўрлик қилиш;
- Болаларнинг қаерда яшашини аниқлаш;
- Мол-мулк сотиб олиш ва хоказолар кириши мумкин.

Эр-хотиннинг машғулот ва касбни мустақил равишда танлаб олиш ҳуқуқига биноан уларнинг ҳар бири ана шу масалаларни ҳал қилишда фақат ўз истагига амал қилади. Улардан бирининг иккинчисига нисбатан эътироз билдириши, ман қилиши ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди, улардан бири ушбу масалаларни ҳал қилишга фақат ўз маслаҳатлари, тавсиялари билангина таъсир этиши мумкин.

Яшаш жойини танлаш эркинлиги шуни билдирадики, бундан эр-хотиннинг бири яшаш жойини ўзгартирганида уларнинг иккинчиси ҳам шундай йўл тутиши керак, деган маъно келиб чиқмайди. Эр-хотин турли хоналарда яшаётган бўлса, эр биргаликда яшаш ва унда қайд қилдириш учун амалда хотин яшаётган жойга кириб олган тақдирдагина улардан бирининг иккинчиси яшаётган уй-жой майдонига нисбатан ҳуқуқи юзага келади.

## Эр-ҳотининг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Эр-хотиннинг биргаликда орттирган умумий мол-мулки ва моддий маблағлари билан уларнинг ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар мулкий муносабатлар деб тан олинади. Эр-хотиннинг мулкий мкносабатлари уч гуруҳга бўлинади.

- ♦ **Биринчи гуруҳга** эр билан хотиннинг бир-бири билан ҳар қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олиш, ҳар қандай битимларни тузиш, шу жумладан шартномаларни тузиш (мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш, ҳадя этиш ва васият қилиш) ҳуқуқи киради. Бу борада эр-хотин ҳеч қандай чеклашлар билан тўсиб қўйилмаган, бунда улар бегона кишилар сингари иш кўрадилар. Шуни айтиш керакки, бу гуруҳдаги ҳуқуқий муносабатлар унчалик кенг қулоч ёймаган ва бугунги кунда жуда камдан-кам учрайди.
- ♦ **Иккинчи гуруҳга** эр-хотиннинг оиладаги буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқига доир мулкий алоқалари киради. Оила ихтиёрида бўладиган нарсалар қуйидагилардан иборат: маош, уй жиҳозлари, шахсий истеъмол буюмлари ва шахсий қулайликлар, жамғармалар ва ҳоказолар.
- ♦ **Учинчи гуруҳга** зарур бўлган ҳолларда эр-хотиннинг бир-бирини қўллаб - қувватлаши билан боғлиқ мулкий муносабатлар киради. қонун бўйича эр билан хотинга тегишли мол-мулклар шахсий ҳамда умумий мол-мулкларга ажратилади.
- ♦ Никоҳдан ўтиш чоғида ҳадя қилинган буюмлар жумласига қуйидагилар киради:
- ♦ Шартнома бўйича сотиб олинган совғалар,
- ♦ Ишлаб чиқариш соҳасида эришган муваффиқиятлари учун берилган мукофотлар,

- ♦ Рағбатлантириш мақсадида берилган мукофот пули (иш ҳақи жамғармасидан ташқари бошқа жамғармалардан тўланган мукофот пули).

Шуни назарда тутиш керакки, бу ўринда гап эр-хотиннинг фақат бирига совға қилинган буюмлар тўғрисида бормоқда. Агар уларнинг ҳар иккаласига совғалар топширилган бўлса, у ҳолда уларга умумий совғалар деб қаралади.

Алоҳида-алоҳида мол-мулк объектига шахсий фойдаланишдаги буюмлар, гарчи улар умумий пулга сотиб олинган бўлса ҳам киради

Эр-хотиннинг ҳар бири ўз мулкига ўзи эгалик қилади, ундан фойдаланади ва ихтиёрига кўра бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўша мулкни тасарруф этади. У ўз мулкини иккинчи тарафнинг розилигини кутиб ўтирмай сотиши, совға қилиши, васият қилиб қолдириши, ижарага бериши мумкин. Эр-хотин келишган ҳолда умумий мулк таркибидаги ҳар қандай буюмни бир-бирига шахсий мулк қилиб бериши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликдаги турмуши жараёнида орттирилган жамики нарсалар уларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Муддатсиз эгалик қилиш учун ер участкаси кимга берилганлигидан қатъи назар, ўша участкада эр-хотин никоҳдан ўтганидан сўнг қурган уй уларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказилган никоҳ сотиб олинган мулкгина умумий мулк бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳиссадорлик асосидаги мулк ҳисобланмайди, бунда улар ҳар бирининг умуман мулкка бўлган ҳуқуқи назарда тутилади. Эр-хотининг ҳар бири мулкка қўшган ҳиссасининг ҳажмидан қатъи назар, улар умумий мулкка эгалик қилишда, ундан фойдаланишда, уни тасарруф этишда баб-баравар ҳуқуққа эгадирлар.

Никоҳ даврида эр-хотин орттирган мулкни уларнинг ўзлари ўзаро келишилган ҳолда тасарруф қиладилар. Келишиш чоғида улардан бирига иккинчиси ўз розилигини айтиши даркор. Бироқ, нотариус тасдиғини талаб қилувчи битимлар тузилаётганида эрнинг ёки хотиннинг розилиги ёзма равишда тасдиқланиши лозим.

Бордию эр-хотиннинг бири ёзма равишда розилик беришдан бош тортса, муайян муддатда нотариал идорага келиш унга таклиф қилиниши мумкин. Агар у бир ой давомида нотариал идорага келмаса ва ўз мулоҳазаларини ёзиб жўнатмаса, давлат нотариуси уйга эгалик қилиб турган хотин ёки эр номидан уйни уларнинг иккинчисидан тортиб олишга доир шартномани тасдиқлаши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланган мулкни бўлиб олишда уларнинг ҳиссаси тенглиги тан олинади. Айрим ҳолларда, балоғатга етмаган болаларнинг манфаатларини ёки эр-хотиндан бирининг диққатга сазовор бўлган манфаатини ҳисобга олиб, суд эр-хотин хиссалари тенглиги қоидасидан четга чиқиши мумкин

Эр билан хотин ўртасида мол-мулкни бўлиш борасида жанжалли масалалар бўлмаса, бу иш нотариал идорада расмийлаштирилиши мумкин. Бордию жанжал келиб чиқса, у ҳолда мол-мулк суд томонидан бўлиб берилади.

## Эр-ҳотин мол-мулкининг шартномавий тартиби

***Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишиуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.***

Эндиликда қонуний мулк тартибини сақлаб қолиш билан бир қаторда мулкни шартномавий тартибга солиш мумкинлиги қонунлаштирилди. Эр ва хотин никоҳ шартномасига биноан иҳтиёрий ва келишган ҳолда никоҳда бўлган даврида ёки улар никоҳдан ажратилган пайтларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мумкин.

Никоҳ шартномаси тарафлари никоҳга кириувчилар ва никоҳдаги эр ва хотиндан иборат бўлиши мумкин. Бу шартнома эр-хотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни суд амалиётида тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 30 моддасига биноан никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никох шартномасини тузиш ихтиёрий. Бу тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 моддасида «Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно» деб ёзилган.

Никоҳ шартномаси ўз мазмунига қўйидагиларни киритади. Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумкий мулкининг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, униг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси муайян муддат билан чекланиши мумкин.

Никоҳ шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш асосларига қуйидагилар киради. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан

исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг хал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

Никоҳ шартномасига асосан эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкий шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга хақлидир.

## Никоҳнинг тугатилиши

Эр-хотин ўртасидаги никоҳ оилавий муносабатлар қонунда кўзда тутилган асослар бўлган тақдирдагина тўхтатилади. Бундай асослар қуйидагилардан иборат:

- ♦ эр-хотиндан бирининг вафот этиши, эр-хотиндан бири вафот этганлиги белгиланган тартибда эълон қилиниб, никоҳнинг бекор қилиниши;
- ♦ Эр ёки хотин муомала лаёқатини йўқотса, васийлик қилувчи ёки прокурор томонидан ёзилган ариза никоҳнинг бекор қилиниши учун асос бўлади.

Никоҳнинг бекор қилиниши икки йўл билан амалга оширилади; иш судда ва ФХДЁ органида кўриб чиқилади. Эр билан хотиннинг аслида алоҳида-алоҳида яшаши қанча вақт давом этса ҳам, юридик жиҳатдан улар ўртасидаги никоҳ тўхтаб қолмайди.

ФХДЁ да эр билан хотин ўзаро розилик билдиргач, уларнинг никоҳи бекор қилинади, бу розилик уларнинг биргаликдаги аризасида ёки алоҳида-алоҳида ёзган аризаларида ифодаланган бўлиши керак. Яна битта шарт-уларнинг балоғатга етмаган болалари бўлмаслиги лозим. Эр билан хотин ажралиш хақида ариза берган кунидан бошлаб орада уч ой ўтгач, қўйди-чиқди расмийлаштирилади ва никоҳ бекор – қилинганлиги тўғрисида ҳужжатлар берилади.

Эр-хотин ажралишнинг мақсадга мувофиқлигини ёки мувофиқ эмаслигини ўйлаб кўришлари учун уч ойлик муддат белгиланади. Бу муддатнинг қисқартирилиши ҳам, узайтирилиши ҳам мумкин эмас, бироқ узрли сабаблар пайдо бўлганда эр-хотиннинг илтимоси билан бу муддат бошқа вақтга кўчирилиши мумкин. Эр билан хотин белгиланган муддатда узрли сабабга кўра ФҲДЁ га кела олмаса, у ҳолда ФҲДЁ янги муддатни белгиламай эр-хотин келган куни ажримни рўйхатга олиши мумкин.

Агар эр-хотин никохни бекор қилиш учун узрли сабабсиз ФҲДЁ га келмаса, уларнинг ажралиш ҳақидаги аризаси берилмаган деб

ҳисобланади. Ариза қайта берилганида эса уч ойлик муддат қайтадан белгиланади.

ФҲДЁ органларидв эр ёки хотиндан биронтаси берган аризага кўра ҳам никоҳ бекор қилинади-бунда улардан бири белгиланган тартибда ҳуқуқ салоҳиятини йўқотган, дом-дараксиз ғойиб бўлган ёки қилган жиноий ишлари учун камида уч йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, шундай қарорга келинади. қолган барча ҳолатларда никоҳ суд томонидан бекор қилинади. Дом-дараксиз ғойиб бўлган деб эътироф қилинган шахс билан бўладиган қўйди-чиқди масаласи ариза берилган куни рўйхатга олинади.

Жиноий жазони ўташ жойларида бўлган эр ёки хотинга ҳамда муомала лаёқатига эга бўлмаганлар васийга ФҲДЁ ажралишга доир ариза берилганлиги ҳақида хабар қилади. Бундан кузатилган мақсад розилик олиш эмас, балки эр-хотин ўртасида болалар ва мол-мулк хусусида жанжалли масалалар борми - йўқми эканлигини аниқлашдан иборатдир. Билдириш қоғозида муддат белгиланади, шу муддат ичида эр-хотин мол-мулка доир даволари, болалар ҳақида бахслари бор-йўқлигини ҳабар қилишлари керак.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила ва Фуқаролик-процессуал кодексларида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўрилади.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъва эр-хотин яшаб ьурган жойдаги туман (шаҳар) судида кўзатилади. Агар эр-хотин бошқа-бошқа жойда яшаса, даъво жавобгар эр ёки хотин утрар жойи номаълум бўлса, никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ариза жавобгарликнинг охирги яшаб турган жойидаги судгав топширилади.

Эр-хотинни яраштириш, оилани сақлаб қолиш мақсадида суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, уларга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.

Ажралиш ҳақидаги ариза бўйича суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

- никоҳни бекор қилиш;
- даъвони рад этиш;
- ишни кўриб чиқиб кейинга қолдириш ва ярашиш учун эр-хотинга муддат тайинлаш, аммо бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак.

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имкон йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Айни пайтда эр-хотин ўртасидаги жанжалли масалалар-балоғатга етмаган болаларнинг ким билан яшаш, муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз эрни боқиш учун маблағ зарурлиги, мол-мулкни бўлиб олиш масалалари суд томонидан ҳал қилиниши мумкин. Бу хил жанжалларни суд эр-хотиндан бири ариза ёзиб, илтимос қилган бўлса, кўриб чиқади. Жанжалли масала болалар ёки меҳнатга лаёқатсиз эри манфаатига дахлдор бўлса, у ҳолда иш суднинг ташаббуси билан кўриб чиқилади.

Никоҳни бекор қилишда эр-хотиндан бири ёки уларнинг хар иккови ташаббускор бўлиши мумкин. Ҳуқуқ салоҳиятига эга бўлмаган эрни ҳимоя қилиш талаб этилган ҳолларда никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвонома васийлик қилувчи шахс ёки прокурор томонидан берилиши мумкин.

Хотин ҳомиладор бўлган пайтда ва бола туғулгандан сўнг бир йил давомида хотиннинг розилигисиз никоҳни бекор қилиш тўғрисида иш қўзғаш ман этилади. Никоҳни бекор қилиш тўғрисида эр даъвономани таъқдим этганида қўшма аризада ёки эрининг аризасига тегишли ёзувларни ёзиш йўли билан хотинининг розилиги берилиши мумкин.

## ҚОН - ҚАРИНДОШЛИК ВА БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

***қариндошлар – бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар ҳисобланади.***

Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Бири иккинчисидан ёки умумий жададдан тарқалган шахслар ўртасидаги қондош боғлиқ қариндошликдир. Аждолдлар ва уларнинг эркак ва аёл жинсидаги авлодлари – масалан, катта бобо, бобо, она, ўғил, набира, эвара ва бошқалар – бири иккинчисидан келиб чиққан ҳисобланади.

Умумий аждоддан келиб чиққан деб опа-сингиллар, ака-укалар, амакилар ва аммалар, тоғалар ва холалар, амакиваччалар ва аммаваччалар, тоғаваччалар ва холаваччалар, жиянлар ва бошқалар ҳисибланади. Оила қонунчили қариндошлар ўртасидаги муносабатларни меъёрлаб қўйган:

- қариндошлар ўртасида никоҳ таъқиқланади;
- оталик аниқланади;
- алиментлар ундирилади;
- қариндошларга бола билан мулоқат қилиш хуқуқи берилади ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси болалрнинг насл-насабини белгилашка кенг аҳамият берганн. Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг хужатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугагандан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугагандан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлся, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Тўрт ҳолатда ота фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига оталикни белгилаш тўғрисида васийлик во ҳомийлик органинг розилиги билан ариза бериши мумкин, булар:

- онанинг ўлими;
- онанинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши;
- онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти йўқлиги;
- онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишидан иборат.

Оталикни белгилашда боланинг айнан шу отадан туғилганлигини тасдиқлайдиган далиллар бўлиши шарт. Масалан, суд оталикни белгиаётганда боланинг онаси билан бу шахс бола туғилганга қадар бирга яшанлигини, умумий рўзғор юритганлигини, болани бирга тарбиялаганликларини аниқлайди.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Болалар муайян ота-оналардан туғилганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг негизини ташкил этади. Никоҳда бўлган ота-онадан туғилган боланинг пайдо бўлиши ота-онанинг никоҳи билан боғлиқ ҳужжатларда қайд этилади ва тасдиқланади. Бунда эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшашининг аҳамияти йўқ. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси унда номлари кўрсатилган ота-онадан у туғилганлиги далилдир. Боланинг туғилиши қонунга мувофиқ тасдиқланмаган бўлса, бу нарса у билан унинг ота-онаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши учун асос бўла олмайди.

Никоҳ бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам хотиннинг эри шу хотин туққан боланинг отаси деб ёзилади, аммо бу ҳолатда битта шарт бор, яъни никоҳ бекор қилинган ёки у ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб то бола туғилган кунгача орадан кўпи билан 10 ой ўтмаган бўлиши керак.

Онанинг болани туққанлиги бола туғилган туғруқхона ёки бошқа тиббий муассаса томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади. Боланинг туғруқхонадан ташқарида туғилганлиги фактини шифокор ёки гувоҳлар тасдиқлаши мумкин. Ана шу маълумотлар асосида боланинг туғилганлиги ФҲДЁ да рўйхатга олинади.

Никоҳ даврида онанинг қорнида бўлган, аммо никоҳ бекор қилинганидан сўнг ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан сўнг туғилган болани рўйхатга олишда юқоридаги тартибга, яъни ота-онасига никоҳда бўлган вақтда туғилган болани рўйхатдан ўтказиш тартибига амал қилинади.

Бунда никоҳ бекор қилинган ёки у ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб то бола туғилган кунгача орадан 10 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши керак. Болани бу хилда рўйхатдан ўтказишга қарши эътироз билдирса, бу эътироз юридик аҳамиятга эга бўлмайди, лекин ота бу хусусда суд йўли билан бахслашиши мумкин.

Бола никоҳланган ота-онадан ёки шунга тенглаштирилган ота-онадан ёки шунга тенглаштирилган ота-она муносабати натижасида туғилган тақдирда отанинг исбот талаб қилинмайдиган ҳуқуқи юзага келади, яъни бундай ота туғилган бола онасининг эри ҳисобланади. Бу қоида отанинг вафотидан кейин туғилган болага ҳам тааллуқлидир, аммо бунда ота вафотидан сўнг то бола туғилгунгача орадан 10 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши шарт.

Бола никоҳдан ташқарида туғилганида унинг онадан туғилганлиги факти ҳар иккаласининг қони бирлигига асосланади, бу ҳолат тегишли ҳужжатларда тасдиқланган бўлиши керак. Никоҳдан ташқарида туғилган боланинг отасини аниқлашда ё шу боланинг отаси бу фактни ихтиёрий равишда тан олиши мумкин ёки бу ҳолатни суд ҳал қилиб беради.

Оталикни ихтиёрий равишда тан олиш она билан ўзини туғилган боланинг отаси деб эътироф қилаётган шахс биргаликда ариза ёзишлари йўли билан ФҲДЁда амалга оширилади. Бу иш бола туғилганлигини рўйхатдан ўтказиш чоғида ҳам, ундан кейин ҳам бажарилиши мумкин. Аризадан бошқа ҳеч қандай ҳужжатлар талаб этилмайди.

Она муомала лаёқатини йўқотган деб топилган, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, шунингдек унинг яшаш жойини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда отанинг, аслида ҳуқуқ салоҳиятига эга бўлган отанинг аризасига кўра боланинг отасига доир ҳужжатлар расмийлаштирилади. Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш ёки гиёҳвандлик билан шуғулланиш оқибатида муомала лаёқатини йўқотган деб суд томонидан чеклаб қўйилган шахсларгина бу қоидадан мустаснодир. Оталикни тан олиш ўзгармас фактдир. Бу ҳақда фақат судда баҳслашиш мумкин.

Балоғатга етган болаларга нисбатан ҳам оталикни тан олиш мумкин, аммо бунда болалар розилик беришлари шарт.

Боланинг ҳақиқий отаси шу боланинг отаси эканлигини ихтиёрий равишда тан олишдан воз кечса, судга даъво билан мурожаат қилиш мумкин. Оталикни тан олиш факти суд томонидан алоҳида йўллар билан аниқланади. Бунда оталикни аниқлашга қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади:

- То бола туғилгунга қадар жавобгар шахс боланинг онаси билан биргаликда яшаган ва уй ишлари билан машғул бўлган тақдирда, бу ҳолат бир уйда яшаганлик, биргаликда овқатланганлик, болага биргаликда ғамхўрлик қилганлик, унга буюмлар сотиб олганлик билан тасдиқланади;
- Ота-она болага биргаликда қараган ва уни боққан ёки уни тарбиялаган бўлса, бу ҳолат бола тўғрисида ғамхўрлик қилиш, у билан муносабатда бўлиш, унинг яшаши учун пул бериб туриш, унга доимий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказоларда намоён бўлади;
- Оталикни ишончли тарзда тасдиқловчи далиллар (хатлар,болани хужжатларга ёздириб қўйиш ва бошқалар) нинг мавжудлиги.

Ана шу ҳолатларнинг ёки улардан бирининг мавжудлиги эр билан хотин ўртасида оила қуриш нияти борлигидан далолат берувчи

муносабатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида  хулоса чиқариш учун асос бўлади. Аммо булар сўзсиз далиллар ҳисобланади. Шу сабабли мазкур ҳолатлар мавжуд бўлишига қарамай, жавобгар боланинг отаси ўзи эканлигини бўйнига олмаса, суд суд-тиббий экспертиза ўтказилишини тайинлаши мумкин. Бундан кузатилган мақсад-бола онанинг қорнида пайдо бўлиши вақтини аниқлашдан, бола бўлишига жавобгар қодирми-йўқмилигини билишдан, ота билан бола қонининг тоифаси бир эканлигини аниқлашдан иборат.

Оталикни аниқлашда болалар ҳам худди шундай ҳуқуқлар ва бурчларга, яъни никоҳланган шахслардан туғилган болаларда бўлган ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўладилар.

Оталикни аниқлаш даъвоси судга ота-онадан бири, васийлик қилувчи шахс мурожаат этиши мумкин, шунингдек болани ўзи ҳам балоғат ёшига етганида, прокурорга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Оталикни аниқлаш даъвономаси билан айни бир пайтда бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги даъвонома ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Даъвогар оталикни аниқлаш даъвономаси билан жавобгар яшайдиган жойдаги судга ҳам, ўзи яшаб турган жойдаги судга ҳам мурожаат қилишга ҳақлидир. Бордию бола онасининг эри ҳисобланувчи шахс ихтиёрий равишда болани ўзиники деб тан олса ёки уни ўзига бола қилиб олса ва жавобгар бунга рози бўлса, у ҳолда даъвогар оталикни аниқлаш даъвосидан воз кечиши мумкин.

Агар жавобгар суд мажлисида оталикни аниқлаш тўғрисида ФҲДЁ ариза беришга розилигини билдирган бўлса, суд ишни маълум бир муддатга кечиктиришга ҳақлидир, болабнинг туғилиш гувоҳномаси тақдим этилганида эса бу ишни умуман тўхтатиши мумкин. Бироқ бунда даъвогарнинг талаби билан суд алимент олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин.

Балоғатга етмаган шахсга нисбатан ҳам оталикни аниқлаш даъвоси қилиниши мумкин. Аммо бу ишни кўриб чиқишда жавобгарнинг ота-онаси ёки уни васийликка олган кишилар иштирок этишлари керак.

Никоҳланмаган онадан бола туғилганида оталикни аниқлаш тўғрисида ота-онанинг аризаси ёки суднинг қарори бўлмаса, туғилишни қайд этиш дафтарида бола отасининг фамилияси ёзиладиган жойга онасининг фамилиясига ёзилиб қўйилади. Боланинг исми ва отасининг исми онанинг кўрсатмаси билан ёзилади.

## Ота - она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ота – она ва боалр ўртасида шаҳсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Ота-она билан болалар ўртасидаги шахсий ҳуқуқий муносабатларга қуйидагилар киради:

- исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи:
- боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқи;
- боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи;
- болаланинг ота – онас ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи;
- боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи;
- боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи;
- ота-онанинг болалар номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи ва бурчи ҳамда болаларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.

Ота-она никоҳ бекор қилинганида ҳам болаларга доир ҳуқуқлари ва бурчлари соҳасида тенгдир.

Болага ота-онанинг розилиги билан исм қўйилади, ота исми болага отасининг исмидан олиб қўйилади. Бола никоҳдан ўтмаган онадан туғилганида унинг отасининг номи онасининг кўрсатмаси билан белгиланади. Ота-онасининг фамилияси қандай бўлса болага ҳам худди шундай фамилия қўйилади. Башарти уларнинг фамилияси ҳар хил бўлса, ота-онанинг келишуви билан болага фамилия қўйилади. Бордиб улар ўзаро келиша олмаса, васийлик қилувчи орган ихтиёри билан бу иш ҳал қилинади. Болага фамилия бериш ҳуқуқи туғилишни рўйхатга олиш пайтидагина амалга оширилади. Никоҳ бекор қилинганидан сўнг бола туғилган пайтида олган фамилияси билан қолади.

Агар бола фамилиясини ўзгартириб олган ота ёки она билан қолган бўлса, шу ота ёки она болани ўз фамилиясига ўтказиб олиш ҳақида васийлик органига илтимос билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда гарчи иккинчи томонга бу тўғрида маълум қилинса ҳам, аммо унинг розилиги талаб қилинмайди.

Ота-онанинг болаларни тарбиялашга доир бурчи болалар балоғат ёшига етгунига қадар белгилаб қўйилади. Агар ота билан она алоҳида-алоҳида яшаётган бўлса ва улар бола ким билан (она биланми ёки ота биланми) яшашини ўзлари ҳал эта олмасалар, судга мурожаат қиладилар.

Агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, суд унинг ҳам фикрини инобатга олади.

Бола ким билан яшаётган бўлса, ўша она ёки ота бола билан алоқада бўлиш ва уни тарбиялашда қатнашиш ниятида бўлган иккинчи томонга халақит беришга ҳақли эмас.

Ота-она балоғатга етмаган болаларни назорат қилиб туриши шарт, 15 ёшга тўлмаган-балоғатга етмаган болаларга етказилган зарар учун ота-она ва васийлик қилувчилар жавоб беради. Балоғатга етмаган-15 дан 18 ёшгача бўлган болалар етказилган зарар учун умумий тарзда жавобгар бўладилар. Маоши ёки шахсий мулки етказилган зарар ўрнини қоплашга етмаса, у ҳолда бу зарарнинг ўрни жавобгар бола ота-онасининг ҳисобидан қоплаши керак.

Ота-она ўз болаларининг вакиллари ҳисобланади. Бу вакиллик оила, фуқаролар ҳуқуқи, фуқаро-ароцессуал (суд) ҳуқуқи асосида амалга оширилади. Ота ҳам она ҳам қонуний вакил ҳисобланади.

## Алимент мажбуриятлари

қонунга мувофиқ ота-оналар балоғатга етмаган ўз фарзандларини боқиши ва уларга қараб туриши шарт. Агар ота-оналар шу бурчини бажармаса, у ҳолда суд қарори асосида улар алимент тўлашга мажбур қилинади. Ота ёки оналарнинг алимент тўлаши шак-шубҳасиздир ва у ота-онанинг ёшига ёки пули бор-йўқлигига боғлиқ эмас. Бола балоғат ёшига етгунига қадар алимент олиши тўғрисидаги даъво ҳар қандай вақтда ўртага қўйилиши мумкин.

Алимент балоғатга етмаган болалар фойдасига ундирилади ва у иш ҳақидан болалар сонига қараб фоиз ҳисобида тўланади: бир болага даромаднинг 1-4 қисми, икки болага 1-3 қисми, уч ва ундан уўп болага1-2 қисми тўланади. Икки ва ундан кўп болага алимент тўлашда ҳар бир болага алимент тўлаш муддати тугаганлиги кўрсатилиши керак.

Алимент асосий иш ҳақидан шунингдек давлат суғуртаси бўйича олинадиган нафақалардан, вақтинча ишга лаёқатсизлик бўйича олинадиган нафақалар ва бошқалардан ушлаб қолинади.

Алимент тўланиши талаб қилаётган шахснинг илтимосига кўра алимент қатъий пул суммасида ундириб олинади. Агар ота (она) даромад ёки иш ҳақини мунтазам олмаса, иш ҳақининг бир қисмини натура ҳолида олса, бошқа сабабларга кўра иш ҳақига нисбатан алимент ҳиссасини аниқлашнинг иложи бўлмаса ёки буни аниқлаш қийин бўлса, юқорида кўрсатилган талабга амал қилади.

Алимент тўлаётган ота (она) ёрдамчи хўжаликдан даромад олаётган бўлса, алимент қатъий пул суммасида, айни пайтда ҳиссадорлик асосида ундирилади. Алимент асосий иш ҳақидан фоиз ҳисобида, қўшимча иш ҳақидан эса қатъий пул суммасида тўланади.

Алимент тўлаётган ота (она) бола учун қўшимача хужжатлар қилинишига жалб этилиши мумкин, бу иш ҳозир ҳам, келажакда зарур бўлганда, ҳам қилиниши мумкин.

Умумий қоидага кўра, алимент даъво қилинган пайтидан бошлаб кейинги давр учун тўланади. Судга мурожаат қилинишига қадар алимент олиш учун чоралар кўрилганини, аммо у тўланмаганини суд аниқлаган бўлса, бундай ҳолатда ўтган вақт учун алимент уч ой давомида ундириб олиниши мумкин.

Башарти алимент тўлаши шарт бўлган ота ёки онанинг балоғатга етмаган бошқа болалар бўлса ва ўша болалар алимент тўланаётган даврда алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланган бўлса, шунингдек ўзидан алимент ундириб олинаётган ота (она) 1 ёки 2-гуруҳ ногирони бўлса ёки болалари ишлаб, етарли равишда

иш ҳақи тўланадиган ҳисса миқдорини ҳамда алиментнинг энг кам миқдорини суд камайтириши мумкин.

Фарзандлар болалар муассасаларига жойлаштирилганда суд томонидан ота-онанинг бирига юклатилган алиментни тўлаш тўхтатилади, болаларни ўз тарбиясига олган муассаса фойдасига ота-онанинг ҳар биридан болаларни боқиш учун пул олиш ҳақида қарор чиқарилади. Ота-она ўз моддий аҳволларига кўра ана шу тўловдан бутунлай ёки қисман озод бўлишлари мумкин, буни ҳам суд белгилайди.

Агар болалар жисмоний ёки руҳий жиҳатдан бирон-бир нуқсон туфайли болалар муассасасига жойлаштирилган бўлса, уларни боқиш учун ҳақ олинмайди. Ёлғиз оилалардан ҳам ҳақ олинмайди.

Алимент ихтиёрий равишда тўланади ёки мажбурий равишда ундириб олинади. Алимент ихтиёрий равишда шахсан топширилиши, почта ёки жамғарма банки орқали юборилиши мумкин. Алимент ишхонада, ўқув юртида тўловчининг аризасига биноан ва маъмурият орқали тўланади. Алимент тўлаши лозим бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда тўлашдан бўйин товласа ёки алимент миқдори хусусида талашса, у ҳолда алимент ундан мажбурий равишда ундириб олинади. Агар жанжал келиб чиқса иш суд мажлисида фуқаролар ишларига доир умумий қоидалар асосида фуқаролар ишларига доир умумий қоидалар асосида кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар бўлмаса, ҳалқ суди иш қўзғатмай, якка ҳолда мазкур ишни ҳал қилади. Бунда алимент тўлаши лозим бўлган шахснинг розилиги олинади ёки унинг эътирозлари белгиланган муддатда олинганида иш кўриб чиқилади.

Алимент тўлашдан қасддан бўйин товлайдиган ота-она жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Алимент тўлашдан бўйин товлагани учун ички ишлар органлари томонидан қидирилаётган ота-оналарнинг балоғатга етмаган болаларига уларнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида болаларга бериладиган вақтинчалик нафақалар тайинланган. Бу нафақалар алимент тўлашдан бўйин товлаган ота-оналардан ундириб олинадиган маблағ ҳисобидан тўланади. Бу хил нафақа қарздорни қилириш эълон қилинган тақдирда тайинланади. Нафақани олиш учун ана шу ҳуқуқ юзага келганидан сўнг ҳар қандай вақтда, то бола 18 ёшга етгунига қадар мурожаат қилиш мумкин. Ўтган вақт учун нафақа олти ойдан ошмаган муддат учун тўланиши мумкин. Агар нафақа давлат идорасининг айби билан тўланмаган бўлса, у 12 ой учун айни бир пайтда тўланиши лозим, шундан кейин эса ҳар ойда тенг хиссада, вақтинчалик нафақа миқдоридан оширмай тўланади.

қарздор топилиб, унинг кимлиги аниқланса, бола 18 ёшга тўлса, қарздор вафот этса, бола болалар уйига топширилса, болани бошқа одамлар фарзанд қилиб олса, бола вафот этса, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинса-бундай ҳолларда нафақа тўлаш тўхтатилади.

## Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳолати

Агар ота-она ўз бурчларини бажармаса, болалар манфаатларига зид равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширса, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Бу масалани суд ҳал қилиб беради. Бу қонунда белгиланган қуйидаги ҳоларда рўй бериши мумкин:болани тарбиялашдан бўйин товланса, ота-она ҳуқуқлари суистеъмол қилинса, шафқатсизлик қилинса, зарарли таъсир ўтказилса, ота ёки она ичкиликка муттасил ружу қилиш ва гиёҳвандликка берилиш кабикасалликларга чалинса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она бола билан қариндошлик омилига осасланган барча ҳуқуқларини йўқатади. Бу ҳолат фақат оила ҳуқуқи доирасига эмас, шу билан бирга бошқа соҳалардаги ҳуқуқ доирасига ҳам таъсир этади. Жумладан, улар қонунга кўра болалари кетганидан сўнг мол-мулкни мерос қилиб қолдира олмайдилар, болалар вафотидан сўнг эса нафақа таъминоти ҳуқуқидан маҳрум бўлўдилар. Ота-она ўз болаларининг қарамоғида бўлмаган ҳолларда ана шу қоида амал қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш уларни ўз болаларини боқиш ва уларга қараб туришдан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она билан боланинг бирга яшаши мумкин эмас деб топилса, мазкур ота-она бошқа яшаш жойи берилмаган ҳолда, шу хонадондан чиқариб юборилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддатсиздир, аммо ота-она тузалиб, тўғри йўлга тушиб олган бўлса, уларнинг ҳуқуқлари суд томонидан тикланиши мумкин. Болалари бошқа шахслар томонидан фарзанд қилиб олинган ҳоллар бундан мустаснодир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш қоидаси фақат ота-оналарга нисбатан қўлланилади ва бу иш фақат суд томонидан ҳал этилади.

Ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмаган ҳолда уларнинг болаларини тортиб олиш қоидаси ҳам мавжуд. Болаларни ота-она қўлида қолдириш ҳавфли бўлиб қолганда (руҳий касаллик) бу қоидага амал қилиш мумкин. Бу вақтинчалик тадбир ҳисобланади.

Ота-она билан болалар ўртасида уларга тегишли мол-мулк хусусида мулкий, ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи асосида тартибга солиб турилади. Алиментга доир ҳуқуқий муносабатлар эса оила тўғрисидаги қонун асосида тартибга солиб турилади.

Мерос қилиб олинган, шартнома бўйича олинган, шунингдек ишлаб топилган пулга сотиб олинган мол-мулк шахсий мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан болаларга, шу жумладан балоғатга етмаган болаларга тегишли бўлиши мумкин.

Болалар билан ота-онанинг мулклари алоҳида-алоҳида бўлади. Ота-она ҳаёт пайтида болалар уларнинг мулкига эгалик қилишга ҳақли эмас.

Ота-она ҳам болалари мулкига эгалик қилишга ҳақли эмас, гарчи уларнинг ҳаммаси бир-бирининг буюмларидан фойдаланишса ҳам. Ота-она томонидан болаларга сотиб олинган кийим-кечак, пойабзал, китоблар ва бошқа буюмлар болаларникидир. Ота-она ва болалар қонунда кўзда тутилган ҳар қандай битимларни ўзаро тузишлари мумкин. Ота-она ва болалар умумий хиссадор мулк иштирокчилари бўлиши мумкин. Улар ҳиссадорлик асосида уй-жой, дала ҳовли қуришлари мумкин.

## *Ôàðçàíäëèêêà îëèø òàðòèáè*

Ҳàð áèð âîÿãà åòãàí ýðêàê âà à¸ë,ôóêîðîëàð ôàðçàíäëèêêà îëèø ҳóқóқèãà ýãà. Ôàқàò:

- қàìîқäàãèëàð;
- îòà-îíàëèê ҳóқóқèäàí ìàҳðóì қèëèíãàíëàð ðóҳèé êàñàëëàð;
- ìóîìàëàãà ëà¸қàòñèçëàð ¸êè íàðêàëîãèÿ ìóàññàñàëàðèäà ðўéõàòãà òóðóâ÷èëàð;
- æèíîèé æàçîãà òîðòèëãàíëàð áóíäàé ҳóқóқäàí ôîéäàëàíèøäàí ìàҳðóìäèðëàð.

Ôàðçàíäëèêêà îëèø õàқèäàãè àðèçà ôàðçàíäëèêêà îëóâ÷è øàõñ òóðãàí æîéäàãè ¸êè ôàðçàíäëèêêà îëóâ÷è òóðãàí æîéèäàãè âàñèéëèê âà õîìèéëèê îðãàíèãà áåðèëàäè.Ôàðçàíäëèêêà îëèøãà ôàқàò âîÿãà åòìàãàí áîëàëàðãà íèñáàòàí âà óëàðíèíã ìàíôààòëàðèíèãèíà êўçëàá éўë қўéèëàäè.

Ôàðçàíäëèêêà îëóâ÷èíèíã èëòèìîñèãà êўðà, ôàðçàíäëèêêà îëèíóâ÷è ôàìèëèÿ âà îòà èñìè - ôàðçàíäëèêêà îëóâ÷èíèíã ôàìèëèÿ âà èñìèãà қàðàá áåðèëèøè, øóíèíãäåê ôàðçàíäëèêêà îëèíóâ÷èíèíã èñìè ўçãàðèøè ìóìêèí, ôàðçàíäëèêêà îëèíèø ñèð ñàқëàíàäè.

Ôàðçàíäëèêêà îëèíèøíèíã ñèð ñàқëàíèøèíè òàúìèíëàø ìàқñàäèäà, ôàðçàíäëèêêà îëèíóâ÷è áîëàíèíã òóғèëãàí æîéè õàқèäàãè ¸çóâèíè, óíèíã òóғèëãàí âàқòè õàқèäàãè ¸çóâíè ўçãàðòèðèøè ìóìêèí. Ôàðçàíäëèêêà îëèøíè ñèð ñàқëàø қîíóí áèëàí õèìîÿ қèëèíàäè.

Ìàúëóìêè àéðèì áîëàëàð îòàñèç-îíàñèç қîëèøëàðè ìóìêèí. Áó õîëàòëàð áîëàíèíã îòà-îíàñè âàôîò ýòèøè òóôàéëè, îòà-îíàñè îòàëèê-îíàëèê ҳóқóқëàðèäàí ìàõðóì ýòèëãàíëèãè, îòà-îíàñè êàñàëëèãè ¸êè áîøқà ñàáààáëàðãà êўðà âóæóäãà êåëàäè. Áóíäàé øàðîèòäà қîëãàí áîëàëàðãà âàñèéëàð âà õîìèéëàð áåëãèëàíàäè.

## **Âàñèéëèê âà õîìèéëèê**

Âàñèéëèê âà õîìèéëèê òóìàí ¸êè øàҳàð ҳîêèìèÿòèíèíã қàðîðè áèëàí áåëãèëàíàäè.

Âàñèéëèê ўí òўðò ¸øãà òўëìàãàí áîëàëàðãà âà ñóä òîìîíèäàí ðóõèé êàñàëëèãè ¸êè çàèôëèãè òóôàéëè ìóîìàëàãà ëà¸қàòñèç äåá òàíèëãàí øàõñëàðãà íèñáàòàí áåëãèëàíàäè.

Õîìèéëèê ўí òўðò ¸øäàí ўí ñàêêèç ¸øãà÷à áўëãàí ўñìèðëàðãà ҳàìäà êàñàëëèãè ñàáààáëè ìóñòàқèë ðàâèøäà ўç ҳóқóқëàðèíè àìàëãà îøèðà îëìàéäèãàí âîÿãà åòãàí øàõñëàðãà, øóíèíãäåê ñóä òîìîíèäàí ìóîìàìàëà ëà¸қàòè ÷åêëàíãàí øàõñëàðãà íèñáàòàí áåëãèëàíàäè.

Âàñèéëèê âà õîìèéëèêëàðíè âàñèéëèê âà õîìèéëèê îðãàíëàðè òàéèíëàéäèëàð. Óëàð ўç ðîçèëèãè áèëàíãèíà âàñèé ¸êè õîìèé áўëèøëàðè ìóìêèí. Âàñèé âà õîìèé áўëàäèãàí øàõñëàð îäîáëè, îíãëè, ўç âàçèôàëàðèíè áàæàðèø ìàúñóëèÿòèíè áèëàäèãàíëàð áўëèøè øàðò. Óëàð îòà-îíàíèíã ўðíèíè áîñà îëèø äàðàæàñèäà áîëà òàðáèÿñèäà қàòíàøèøëàðè, óíãà ìóëêèé âà øàõñèé ¸ðäàì áåðèøëàðè êåðàê.

Âàñèéëèê âà õîìèéëèê áîëà 14 ¸øãà ¸êè 18 ¸øãà åòãàíäà, âàñèé ¸êè õîìèé âàôîò ýòñà, ìóîàìàëà ëà¸қàòè ÷åêëàíãàí øàõñëàðãà ñóäíèíã ҳàë қèëóâ÷è қàðîðè áèëàí óëàð ýíäè ìóîìàëàãà ëà¸қàòëèè äåá òàíèëñà, òóãàéäè.

Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñè ÎÈËÀ êîäåêñèäà áîëàëàðíè îèëàãà òàðáèÿãà îëèø (ïàòðîíàò) õàì áåëãèëàíãàí. Îòà-îíàñèç қîëãàí áîëàëàðíè àéðèì ôóқîðîëàðèìèç ўç ðîçèëèêëàðè áèëàí òàðáèÿãà îëèøëàðè ìóìêèí.

Òàðáèÿ îëà¸òãàí øàõñíèíã ìàèøèé øàðîèòëàðè âà îèëà àúçîëàðèíèíã ñàëîìàòëèãè òåêøèðèëãàíäàí êåéèí áîëàíè òàðáèÿãà îëèø ìàñàëàñè ҳàë қèëèíèá, òåãèøëè îðãàíëàð òîìîíèäàí ðàñìèéëàøòèðèëàäè.

Òàðáèÿãà ўí ¸øãà òўëãàí áîëàëàðíè óëàðíèíã ðîçèëèãè áèëàí áåðèëàäè. Áîëàëàðíè îèëàãà òàðáèÿëàøãà áåðèø òàðòèáè âà øàðîèòëàðè қîíóí õóææàòëàðè áèëàí áåëãèëàíàäè.

Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã Îèëà қîíóíëàðèäà âà Ôóқîðîëèê õîëàòè äàëîëàòíîìàëàðèíè қàéä ýòèø ҳàì òàðòèá äîèðàñèãà òóøèðèëãàí. Òóғèëèø, ўëèø, íèêîҳ òóçèø, íèêîҳäàí àæðàëèø, ôàðçàíäëèêêà îëèø, îòàëèêíè áåëãèëàø, èñì, îòà èñìè âà ôàìèëèÿñèíè ўçãàðòèðèø ìàñàëàëàðè øóëàð қàòîðèãà êèðàäè.

қîíóíèíã àñîñèé ìàқñàäè áèðîíòà ôóқàðî îèëàäà õèìîÿñèç қîëìàñëèãèíè, îíà, ôàðçàíä äàâëàò ҳèìîÿñèäà ýêàíëèãèíè áèëäèðàäè.

Îèëàâèé êåëèøìîâ÷èëèêëàð, òåíãñèçëèêëàð, ôàðçàíäëàðíèíã ҳóқóқèé õîëàòëàðèíè ҳàììàñèíè áó қîíóí ўç äîèðàñèäà òàðòèáãà ñîëèá òóøèðèø ó÷óí õèçìàò êèëàäè.

## БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА ОЛИШ (ПАТРОНАТ)

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга берилади.

қуйидаги болалр оилага тарбияга берилади:

- етим болалар;
- ота-онаси номаълум бўлган ёки ташлаб кетган болалар;
- ота-онаси, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган, суд тартиби муомалага лаёкатсиз деб топилган, дараксиз йўқолган деб эълон қилинган, озодликдан маҳрум қилинган болалар;
- соғлиғига кўра фарзандларининг тарбияси ва таъминоти билан шахсан шуғулланолмайдиган ота-оналарнинг болалари;
- ота-она қарамоғидан махрум бўлган, тарбия ва даволаниш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтиоий ҳимоялаш ва шунга ўхшаш муассасалардаги болалар.

Оилага тарбияга бериладиган болалар васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланади ва ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171- сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом» га кўра, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олишни истовчиларнинг оилавий шароити, моддий таъминоти ва аҳволини таҳлил қилиб, уларни рўйхатга олади.

Болаларни тарбияга олишни истаган шахслар ўзлари яшайдиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига рўйхатга олинишларини сўраб ариза беришади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

♦ иш жойидан вазифаси ва маоши миқдори кўрсатилган маълумотнома ёки тегишли тартибда тасдиқланган даромадлари ҳақида декларация нусхаси;
♦ уй-жой борлигини тасдиқловчи ҳужжат;
♦ агар никоҳда турса, никоҳ гувохномаси нусхаси;
♦ болани тарбияга олишни истаган шахс ва унинг оила аъзолари соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома.

Болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади.

Тутинган ота-оналар, болаларни оилага тарбияга олишни истаган, болани оилага тарбияга олишга ҳуқуқи бўлган фуқаролар орасидан васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан танланади. Тутинган ота-оналикка номзодлар танлашда уларнинг шахсий хусусиятлари, феъл-атвори, соғлиғи, ўзи билан бирга яшайдиган оила аъзолари ва бошқалар билан муносабати ҳамда бола тарбияси соҳасидаги тажрибаси эътиборга олинади.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишувда унинг тузилган вақти ва жойи, келишувни тузаётган васийлик ва ҳомийлик органининг номи, юридик манзили, тутинган ота-онанинг шахсини тавсифловчи маълумотномалар (жумладан, турар жойи, паспортининг тартиб рақами), тарбияга берилаётган бола ҳақида батафсил маълумотномалар, тутинган ота-онанинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органинг тутинган оилага нисбатан мажбуриятлари ҳамда келишувнинг амал қилиш муддати, уни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим.

Келишувда тутинган ота-онанинг асосий мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

♦ тутилган болани ўзаро ёрдам ва ҳурмат асосида тарбиялаш;
♦ боланинг таълим олиши, жисмонан, руҳан, маънан ва ахлоқий соғлом ўсиши учун шароит яратиш;
♦ боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
♦ боланинг соғлиғи ва соғлиғи ҳақидаги тиббий тавсиялардан келиб чиқиб, уни вақти-вақти билан мутахассис-врачлар кўригидан ўтказиб туриш, боланинг даволанишини таъминлаш;

- ♦ боланинг умумий таълим муассасаларида таълим олишини таъминлаш, унинг фанларни ўзлаштиришини кузатиб бориш ва мактаб маъмурияти билан алоқада бўлиб туриш;
- ♦ тутинган оилада боланинг тарбиясига салбий таъсир қиладиган ёки келгусида унинг бу оилада яшаши ва тарбияланишини истисно қилувчи ҳолатлар юзага келганда, бу ҳақда дарҳол васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилиш ва бошқалар.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишувда васийлик ва ҳомийлик органларининг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

- ♦ тутинган болани мактабга, тарбия муассасаларига жойлаштиришга ёрдам бериш;
- ♦ боланинг давлат тиббий муассасаларида тиббий кўрикдан ўтказилиши ва бепул даволанишини таъминлаш;
- ♦ бола тарбиясида тутинган ота-онага турли маслаҳатлар бериб туриш ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- ♦ боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тутинган ота-онага ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;
- ♦ тарбияга олинган боланинг таъминоти учун белгиланган тартибда нафақалар тўлаб туриш;
- ♦ тутинган бола учун соғломлаштириш муассасаларига бепул қўлланмалар ажратиш;
- ♦ турли хайрия ва оталиқ ёрдамлари уюштириш ва бошқалар.

Болаларни оилага тарбияга бериш тўғрисидаги келишув қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- ♦ тутинган ота-онанинг (айрим ҳолларда, уларнинг оила аъзоларидан бирининг) тутинган фарзанд тарбияси билан тўлақонли шуғулланиши имконини бермайдиган ёки бола соғлиғи ёки ҳаёти учун хавф туғдирадиган касаллик билан касалланганида;
- ♦ тутинган ота-она оилавий аҳволнинг кескин ўзгариши (янги оила қурилиши, тутинган ота-онадан бирининг вафоти ва бошқалар)да;
- ♦ тутинган ота-онанинг мулкий мавқеининг тутинган бола тарбияси ва таъминоти билан шуғулланиш имкониятига жиддий таъсир кўрсатадиган даражада ўзгаришида;
- ♦ тутинган ота-она билан бола ўртасида бартараф қилиш имкони бўлмаган тушунмовчиликлар пайдо бўлганда;
- ♦ тутинган ота-онанинг ўз фарзандлари (ёки бошқа оила аъзолари) билан тутинган бола ўртасида жиддий низолар вужудга келганда;
- ♦ тутинган оилада тарбияга берилган боланинг яшаши, таълим ва тарбия олишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ноқулай шароит вужудга келганда;
- ♦ бола ўз ота-онасига қайтарилганда;
- ♦ бола фарзандликка олинганда (шу жумладан тутинган ота-она томонидан).

Оилага тарбияга берилган болалар:

- Ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;
- Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш каби ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Боланинг манфаатига дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли.

Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлиши мумкин, қуйидагилар бундан мустасно:

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;

қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

Илгари фарзандликка бола олган, лекин ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган шахслар;

қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

Ссоғлиғининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

Болаларни тарбияга олган шахслар (тутинган ота-она) қонун томонидан ўзларига берилган ҳуқуқлардан фақат бола манфаатларини таъминлаш мақсадидагина фойдаланишлари лозим.

## Фуқаролик холати далолатномаларини қайд этиш

Фуқаролик ҳолати далолатномалари-фуқаролар хаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартришлар киритишда ифодаланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади.

ФҲДЁ органлари қуйидаги фуқаролик ҳолатларини далолатнома ёзуви тузиб қайд этади;

- туғилганлик;
- никоҳ тузиш;

- никоҳдан ажралиш;
- ўлим;

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзлаштириш каби воқеа ва фактлар тегишлилигича туғилиш, ўлим, никоҳ ва никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзувларига зарурий ўзгартришларни киритишда ифодаланади.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари ҳар йилнинг 1 январидан бошлаб, 31 декабригача тартиб билан (1 дан бошланиб) кетма-кет рақамланиши зарур.

Далолатнома ёзувларини қайд этишдан олдин ФҲДЁ ходими ёзувни тузиш учун асос бўладиган ҳужжатларни эътибор билан текшириб, далолатнома ёзувини ҳужжатлар асосида аниқ, чиройли дастхат билан, чизиб ўчиришларсиз тўлдириши лозим. Ҳар бир далолатнома ёзуви уни тўлдирган ходим ва ФҲДЁ органи томонидан имзоланиб, ФҲДЁ органинг гербли муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади ва 1-нусхаси уни қайд этган ФҲДЁ органининг ўзида, 2-нусхаси эса юқори турувчи ФҲДЁ архивида 75 йиллик муддат давомида сақланади.

Иккала нусхадаги далолатнома ёзуви тузилган вақтда айнан бир хилда тўлдирилиши, кейинчалик тегишли ўзгартришлар ҳам ҳар иккала нусхадаги далолатнома ёзувига баравар киритилиши лозим. Тегишли ўзгартришлар далолатнома ёзувининг 1-нусхасига киритилган куниёқ бу ҳақда далолатнома ёзувининг 2-нусхасига ҳам киритиш учун ФҲДЁнинг юқори турувчи архивига хабарнома юборилади. 1-нусха йўқолган алоҳида ҳолларда ўзгартиришлар тўғридан-тўғри 2- нусхага киритилиши мумкин.

ФҲДЁ органида қайд этилган далолатнома ёзувига асосан, қатъий хисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, ФҲДЁ органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳнома берилади.

Республикамизда гербли гувоҳномаларнинг 4 шакли (тури) бор. Улар:

- туғилганлик ҳақидаги;
- никоҳ қайд этилганлиги;
- никоҳдан ажралган ҳақидаги;
- ўлим ҳақидаги гувоҳномаларидир.

Гербли гувоҳнома-фуқаролик ҳолати далолатномаси ёзуви қайд этилганлигининг қонуний тасдиғидир. Далолатнома ёзувига асосан, ФҲДЁ органи берган гувоҳнома унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи шаксиз далил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 205-моддасига биноан туғилишни қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Боланинг ҳлик туғилганлиги, тиббий муассасанинг хабарига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади.

Боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий малумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади.

Ўзаро никоҳда бўлган ота - онадан бирининг аризасига кўра туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Она вафот этган ёки у муомалага лаеқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, шунингдек онанинг қаерда эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганда ота тўғрисидаги ёзув отанинг аризасига кўра васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ёзилади.

Никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ва оталикни белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отага тегишли исм, отасининг исми ва миллати - она кўрсатмаси бўйича ёзилади.

Агар ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлса, ота ва она ҳақидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмасига асосан ёзилади.

Никоҳда бўлган ва сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахсларда шу усулларни қўллаши натижасида бола туғилса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига улар шу боланинг ота-онаси деб ёзилади.

Ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга ҳомилани ривожлантириш мақсадида эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар болани туққан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги билангина боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкин.

Агар ота-она боланинг туғилишини қайд этиш билан бир вақтда оталикни белгилаш ҳақида биргаликда ариза берсалар, ота ҳақидаги маълумотлар берилган ариза асосида ёзилади, болага фамилия ота-онанинг келишувига биноан берилади.

Ота-онанинг аризаси, суднинг ҳал қилув қарори, отанинг аризасига асосан (она вафот этганда, унинг турар жойини аниқлашнинг имконияти бўлмаганда, муомалага лаеқатсиз деб топилганда, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда) туғилиш далолатномаси ёзилган жойда туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига ота тўғрисидаги маълумотларни киритиш йўли билан оталик белгиланади.

Туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорига кўра, туғилиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви турган жойдаги фуқаролик ҳолатларини ёзиш органи туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартишлар киритади.

Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади.

Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин.

Никоҳланувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига никоҳ қайд этилишидан бир ой илгари никоҳга кириш тўғрисида ариза берадилар.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Никоҳланувчи шахслар никоҳга кириш тўғрисидаги аризаларида умумий фамилия олиш ёки никоҳ тузилганидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолиш ҳақидаги истакларини кўрсатишлари шарт.

Никоҳ тузилганлиги қайд этилганидан кейин никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Шу билан бир вақтда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгарганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 217 моддасида никоҳдан ажралишни қайд этиш асослари кўрсатилган. Унга кўра эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишда ариза берувчилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига берган аризаларида ўртада вояга етмаган болалари ва мулкий низолари йўқлигини тасдиқлашлари шарт.

Никоҳдан ажралиш ариза берувчиларнинг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгач қайд этилади.

Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига қуйидагилар тақдим этилади:

- эр (хотин)нинг муомалага лаеқатсиз ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори;
- эр (хотин) уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан кўчирма;
- судланган эр (хотин)нинг ўртадаги болалари ва мол-мулки юзасидан низоси йўқлиги тўғрисидаги тилхат.

Эр-хотиндан бирининг никоҳгача бўлган фамилиясини қайтариш тўғрисидаги истаги никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризада кўрсатилиши лозим.

Никоҳдан ажралиш қайд этилганидан кейин собиқ эр-хотиннинг ҳар бирига никоҳдан ажралганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Эр-хотиндан бирининг фамилияси ўзгартирилганда, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга уни алмаштириш лозимлиги тўғрисида белги қўйилади.

Никоҳда ажралишни қайд этган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи никоҳ қайд этилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига никоҳ тугатилганлиги ҳақида белги қўйиш тўғрисида хабарнома юборади.

Ўзбекистон Республикасида ўзаро никоҳ тузган чет эл фуқароларининг никоҳдан ажралишини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-боби ўлимни қайд этиш тартибини ўз ичига олган. Унга кўра ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлимни қайд этиш мазкур қарорни чиқарган суд жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида ўлган болаларнинг туғилганлиги ва ўлими тиббий муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида қайд этилади.

Ўлим содир бўлганлиги ҳақидаги ариза ўлим содир бўлган куни ёки мурда топилгач, уч кундан кечиктирмай берилиши зарур.

Ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этмасдан марўумни дафн қилиш тақиқланади.

Темир йўл ёки автомобиль транспортида содир бўлган ўлимни қайд этиш яқинроқ жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилиши мумкин хаво ёки сув кемасида содир бўлган ўлимни қайд этиш ҳақо кемаси ерга қўнган жойдаги ёки сув кемаси тўхтаган портдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахси аниқланмаганларнинг ўлимини қайд этиш давлат соғлиқни сақлаш тизими тиббий муассасасининг хабарига асосан шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Бу ҳолларда ўлим ҳақидаги гувоҳнома марўумнинг шахси аниқлангандан кейингина берилади.

Ўлимни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори, шунингдек марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 28-боби Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни белгилайди.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг фамилия, исмва ота исмини ўзгартиришни рад этганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Фамилия, исм ва ота исми ўзгартирилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритади.

Эр (хотин)нинг фамилияси ўзгартирилиши (унга нисбатан оталик белгиланганда ҳам) хотин (эр)нинг ҳамда унинг вояга етган болалари фамилиясини ўзгартиришга сабаб бўлмайди.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий жавобгарлиги-бу ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий жавобгарлик учун

мансуб барча шакллар, усуллар ва шартлар ҳам унга хосдир, аммо унинг ўзига хос алоҳида томонлари ҳам бор.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги ҳолатларда:

- табиат - қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликка, муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва уларни ишини йўлга қўйиш лойиҳалари талаблари бузилганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланилганида;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладигантеграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти йўлга қўйилганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарали таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганда;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганда;
- муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талаблари бузилагнда;
- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажарилмаган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талаблари бузилганда;
- муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойлар бузилганда, уларга шикаст етказилганда ёки улар йўқ қилинганда;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бундай ҳудудларни ўз билганича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб борганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик турлари қуйидагилардир;

Жарима солиш; ***маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуролларни олиб қўйиш; қонунга хилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуролларни мусодара қилиш; маъмурий қамоқ ва ҳоказо.*** Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 8-бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилган.

Жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-бўлимда «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» турлари кўрсатилган ва бундай жиноятлар учун жазо чоралари белгилланган.

Айбдор хулқида ноўрин хатти-ҳаракат мавжуд бўлганда белгиланган тартибга кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарлик ҳам мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун *интизомий, маъмурий, жиноий, моддий жавобгарликлар* қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- давлатнинг табиат манбаларига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилганда:
- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланилганда;
- давлат экология экспертизаси талаблари бажарилмаганда;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарганлиги ва оқизганлиги, қаттиқ чиқиндилар тўкканлиги, булар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганда;
- табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режалари, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирлар бажарилмаганда;
- атроф-муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чоралари кўрилмаганда;
- табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботи бузилганда;
- атроф-муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидалари бузилганда;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёлаштириш воситалари, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш улардан фойдаланиш, уларни зарасизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганда;
- атроф-муҳит ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганда ва ҳоказо.

## Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқи

Табиатдан фойдаланишга атроф-муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

Тупроқ дейилганда ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади. Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

Ер ости бойликлари дейилганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар ковлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганда эса, иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйидаги шартлар билан фойдаланилади;

- ♦ қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан мажмуий ва оқилона фойдаланиш таъминланса шунингдек, атроф-муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;
- ♦ фойдали қазилмаларни ковлаб олиш чоғида, ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;
- ♦ қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришиладиган даражадагина фойдаланилса;
- ♦ давлат миллий табиат боғларининг ҳудудларида табиий мажмуа ва объектлар ҳолатини, уларнинг рекреация, маданий ва эстетик қимматини инобатга олган ҳолда муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишнинг табақалаштирилган тартиби белгилаб қўйилади.

Давлат миллий табиат боғларининг теграсида давлат қўриқхоналари ҳудудлари учун назарда тутилган тартибдаги қўриқ тегралари, рекреация, хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тегралари, тарихий-маданий объектларнинг муҳофаза тегралари ажратиладики, уларда давлат миллий табиат боғлари вазифаларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Атмосфера ҳавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Ҳалқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

## Ер, сув ресурслари, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Кенг маънода олиб қараганда ер-инсон истиқомат қиладиган муҳит таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўз ичига кишилар меҳнатидан вужудга келмаган ер ости бойликлари ва ер юзасидаги барча нарсани олади. Тор

маънода олиб қараганда ер ҳамма хилдаги ишлаб чиқаришлар ва инсоният фаолияти учун зарур бўлган ернинг юзаси тушунилади. Бундай сифатда намоён бўлган ер мустақил қийматга, табиий бойликнинг алоҳида кўринишларига эга бўлиб, улар бошқа бойликлар орасида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди, чунки улар одамлар озиқ-овқатининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ерга эгалик қилиш табиий бойликларга эга бўлишни, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни, аҳоли яшаш жойлари, транспорт, алоқа йўлларини жойлаштиришни билдиради. Шунинг учун ҳам табиий бойликлар орасида ер мулкчилиги бошқа мулкчилик муносабатларига нисбатан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

1990 йил 20 июнда Республика Олий Кенгаши «Ер тўғрисида» қонун қабул қилди, ўша йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилди. Бу қонунларда ер умумхалқ бойлиги деб эътироф этилди, ер мулкининг субъекти-халқ, халқ номидан мулк ҳуқуқини амалга ошириш Олий Мажлисга, Республика Призидентига ва вакил қилинган давлат бошқарув идоралари: Вазирлар Маҳкамаси, шаҳар, туман ҳокимияти идоралари, шунингдек қўрғон ва қишлоқ ўзини ўзи бошқарув идоралари зиммасига юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ер тўғрисидаги қонуни ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш,табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари қайси мақсадда фойдаланишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- ♦ қишлоқ хўжалик ерлари;
- ♦ аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар,шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари):
- ♦ саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа ерлар;
- ♦ табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарих-маданият мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- ♦ ўрмон фонди ерлари;
- ♦ заҳира ерлари.

Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун жамоа ва давлат хўжаликларига бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга доимий эгалик қилиш мақсадида берилади. Шунингдек, доимий ва вақтинча фойдаланиш учун ер Ўзбекистон Республикаси фуқароларига; саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, масалалари ва ташкилотларига; мудофаа эҳтиёжлари учун; диний ташкилотларга; қўшма корзоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда ажнабий ҳуқуқий шахслар иштирокидаги ташкилотларга берилади.

қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки шу мақсад учун белгиланган барча ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер деб эътироф этилади.

Шаҳар ва шаҳар типидаги қўрғон ерига шаҳар ва қўрғон чегарасидаги барча ерлар киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради; шаҳар қурилиши ери, умум фойдаланишдаги ер, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер, шаҳар, дарахтзорлар билан банд бўлган ер, темир йўл, сув, ҳаво, қувур транспорти, тоғ-кон саноати ва бошқалар.

Дарахтзорлар билан банд бўлган ерлар аҳолининг дам олишини, микроиқлимни, ҳаво атмосферасини ва шаҳар санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, одамларнинг маданий-эстетик талабларини қондириш, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган.

Темир йўл, сув, ҳаво, қовур транспорти, тоғ-кон саноати банд қилган ерлар-корхона, муассаса, ташкилотларга улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланишга берилган ерлардир. қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктлар банд қилган ерларга шу пункт учун белгилаб қўйилган чегарадаги ерлар киради.

Саноат, транспорт. алоқа, мудофаа ерлари-тегишли корхона, муассаса, ташкилотларга улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фойдаланиш учун берилган ерлардир.

Саноат, транспорт. алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ёки шаҳар ҳокимлиги рухсати билан вақтинча фойдаланиш учун фуқароларга, жамоа, давлат хўжаликларига ва бошқа корхоналарга қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун берилади.

Табиат муҳофазаси ерларига қўриқхона ерлари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғи, заказниклар (ов қилинадигани бундан мустасно) ва табиат ёдгорликлари. Бундай ерларда асосий мақсадга зид келадиган фаолият ман этилади. қўриқхоналар, миллий боғлар ва ҳ.к. тартибини таъминлаш учун уларга жиддий зарар етказувчи фаолиятни таъкидлайдиган зона муҳофазаси таъсис этилади.

Соғломлаштириш ерларига-табиий шифо омилларига эга бўлган ерлар киради. Реклацион мақсадларда мўлжалланган ерларга аҳолининг оммавий дам олиши ва туризм учун ажратилган ерлар киради.

Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерларга-қўриқхоналар, мемориал (ёдгорлик) боғлар, қабристонлар, археологик ёдгорликлар, тарихий ва маданий ёдгорликларга ажратилган ерлар киради.

Ўрмон фонди ерларига дарахтзорлар ва ҳали дарахт экилмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар киради.

Сув фонди ерларига сув ҳавзалари (дарё, кўл, сув омбори, канал, ички денгизлар), музликлар, ботқоқликлар, гидротехника иншоотлари, шунингдек сув ҳавзалари қирғоқлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 21 июлда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси тўғрисида» Низом қабул қилди.

Низомда, сув хўжалиги бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади, деб кўрсатилган. Бош бошқармага ер усти сувларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда республика иқтисодиёти ва аҳолисини сув билан таъминлашга доир зарур тадбирларни амалга ошириш юкланади.

қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини ташкил этиш;
- Сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш;
- Истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;
- Ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш;
- Ирригация тизимлари ҳавзалари бўйича сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;
- Сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ хисоби ва ҳисоботини таъминлаш;
- Сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш ва улар амалга оширилишининг мониторингини олиб бориш;
- «Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича давлат сув кадастрини юритиш.

2003 йил 21 июль «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 320-сон қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мавжуд сув хўжалиги ташкилотлари ва хизматлари тузилмалари ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари негизида:

- Норин-қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Аму-қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;
- Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;

- ♦ Бирлашган диспечерлик марказига эга бўлган Фарғона водийси магистрал каналлари тизими бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниши топширилган.

Заҳира ерларига доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилмаган ерлар киради. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам шундай ерлар жумласига киради.

Ерни муҳофаза қилиш ундан оқилона фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу тадбирлар ўзига хос зонал ва ҳудудий томонларни ҳисобга олиб, ерга нисбатан комплекс муносабатда бўлиш асосида амалга оширилади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар уни муҳофаза қилиш мақсадида ҳудудларни мақсадга мувофиқ ташкил этадилар, уни қайта тиклайдилар ва унумдорлигини оширадилар. Улар ерни сув ва шамол эрозиясидан, сел, сув босиш, ботқоққа айланишдан муҳофаза қиладилар, қишлоқ хўжалик ерларини буталар, бегона ўтлар босиб кетишидан сақлайдилар, ишдан чиққан ерларга ҳам берадилар, унинг унумдорлигини оширадилар, айниқса дала ишларида тупроқнинг унумдор қатлами ҳосилдорлигидан фойдаланиш ва уни сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар ўртасида ер хусусидаги низолар ҳокимликнинг тегишли идоралари, судлар, хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади. Ер муносабатлари билан боғлиқ мол-мулк низолари суд ёки хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади.

Низоларнинг бир томонида республика қарамоғидаги корхона, муассаса, ташкилотлар иккинчи томонида вилоят корхона, муассаса ташкилотлари турган бўлса, шунингдек турли туманлардаги корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида низолар чиққан бўлса-уларни вилоят ҳокимлиги идоралари ҳал қилади.

Турли вилоятдаги ёки бир вилоят доирасидаги қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида ер низоларини Репубилка Вазирлар Маҳкамаси ҳал қилади.

2002 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилди. 2002 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитининг давлат мониторинги тўғрисида Низом қабул қилинди. Бу қонун-хужжатлар Республикамизда табиатни, табиий бийликларни муҳофаза қилишга қаратилган.

## Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» қонун қабул қилинган. Ушбу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумҳалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вазифаси ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуида аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чекланишдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар-бу ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар) нинг устивор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмлардир.

Табиат ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга шунингдек шикаст етган табиий мажмуиларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари ҳўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиниши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдори ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Жамоат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ва айрим фуқаролар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда давлат идораларига ҳамкорлик қиладилар.

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуилар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устида мониторнинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат корхоналари зиммасига:

- ♦ Муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуини табиий ҳолатда асраш;
- ♦ Илмий тадқиқотлар ўтказиш;
- ♦ Рўёбга чиқарилганда қўриқзоналар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни

жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;

- Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;
- Экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини қайси корхона, муассаса ва ташкилотнинг ер майдонида жойлашган бўлса, ана шу корхона, муассаса ва ташкилот амалга оширади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

қуйидаги ҳолларда:

- Табиат-қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганликда, бундай худудларни истефода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талабларини бузганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуилари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганликда, уларга шикаст етказганликда ёки уларни йўқ қилганликда;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганликда, бундай ҳудудларни ўзбилгича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий ва ўзга хил жавобгарликка тортиладилар.

2002 йил 3 апрель «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 111-сонли қарор қабул қилди. қарорга биноан:

- атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги атроф табиий муҳитининг ифлосланиш даражасини аниқлаш;
- унинг ҳолатини баҳолаш;
- салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида бошқа антропоген фаолият таъсири ва табиий ресурслардан фойдаланиш туфайли атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирларга учраши мунтазам кузатиладиган ва тасдиқланган дастур бўйича бажариладиган тизим ҳисобланади.

қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини, шунингдек антропоген таъсирлар остида унда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш ва юритиш;
- атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;
- атроф муҳит мухофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари соҳасида давлат назоратини ахборот билан таъминлаш
- Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги табиий муҳитнинг холати устидан махсус ташкил этилган тизимли кузатишларни, ўзгаришларни аниқлаш, баҳолаш ва прогноз қилишни ўз ичига олади. Улар қуйидагилардан иборатдир:
- атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш манбаларининг ҳолати;
- атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатишнинг физик, кимёвий ва биологик жараёнлари ва омиллари;
- атмосфера ҳавосининг, ер усти ва ер ости сувларининг, тупроқнинг, ер устидаги экологик тизимлар ва геологик муҳитнинг ифлосланиш даражаси ҳолати;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолати ҳамда техногенез таъсир остида уларнинг ифлосланиши жараёнлари.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги:

- ифлосланиш манбалари мониторинги ва ер усти экотизимлари мониторинги-Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан;
- атмосфера ифлосланиши, ер усти сувларининг (табиий сув оқимларининг) тупроқнинг ифлосланиши ва фон мониторинги – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси томонидан;

- асосий сув оқимларидаги коллектор-дренаж сувлари (минераллашиши) мониторинги – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги томонидан;
- ерларнинг ифлосланиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан;
- ер ости сувлари ва хавфли геологик жараёнлар мониторинги – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан;

Атроф табиий муҳит санитария-гигиеник мониторинги – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Атроф табиий муҳитнинг идоравий мониторинги фаолияти атроф табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашишига олиб келаётган ёкт олиб келиши мумкин бўлган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг атроф табиий муҳит давлат мониторинги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

## Экологик ҳуқуқбузарлик учуннн фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

Экология қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49-моддасига биноан атроф-муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказилган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда Фуқаролик кодексининг 985-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда тутади.

Табиий ресурсларга зиён етказилиши натижасида тиклаб бўлмас оқибатлар ёҳуд зарар етказувчининг кучи билан бартараф этиб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага келади. Шу сабабдан кўпгина ҳолларда етказилган зарарни натурада қоплашнинг иложи бўлмайди. Бундай ҳолларда зарарнинг пулдаги эквивалентини, яъни қилинган ортиқча ҳаражатларни қоплашнинг асосий усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 14-моддасининг 1-бандига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача ҳолатлар назарда тутилган бўлмаса, ҳуқуқи бузилган шахси ўзига етказилган зарарни тўлиқ қоплашларини талаб этиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги бўйича зарар (убитка) деганда ҳуқуқи бузилган шахс қилган ёки қиладиган ҳаражатлар англашилади, бундан ташқари унинг мулки йўқотилган ёки шикастлантирилган бўлиши мумкин (реал зарар). Шунингдек, унинг ҳуқуқлари бузилмасдан, ишлари одатдагидек юришиб турганда олиши мумкин бўлган, аммо олинмай қолган фойда ҳам шу ҳисобга киради.

қонунчилик бузилган ҳолларда юзага келадиган зарар қуйидаги элиментлардан ташкил топган: илгари табиат объектларига сарф қилинган, аммо фойдаланилмаган харажатлар, табиат объектининг аввалги ҳолатини тиклаш учун қилинган харажатлар, табиий хом-ашёнинг олинмаслигида ифодалангган олинмай қолинган фойдалар.

Атроф муҳитни ифлосланиши оқибатида инсон саломатлигига етказилган зарар, ёхуд «экоген зарар» кишиларнинг касалликларга чалинишида, ёхуд соғлиқни бошқача йўқотилишида ёки соғлиғи йўқотилишининг хавфи туғилишида, шунингдек бошқа генетик салбий ҳолатларда намоён бўлади. Улар кишиларнинг экологик ноқулай шарт-шароитларда яшаши, ифодаланган табиий ресурслар (сув,ҳаво) ва таркибига кимёвий моддалар аралашган табиий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолқилишлари ҳамда уларга зарарли физикавий таъсирлар кўрсатилиши (шовқин,радиация) билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуқбузар ўз кучлари ҳамда воситалари хисобидан табиий муҳитнинг аввалги ҳолатини тиклаш лозим, яъни у табиий муҳитни белгиланишига кўра фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш керак. Демак, ерга нисбатан зарарни натурада қоплаш ернинг аввалги ҳолатини тиклашда ифодаланиши мумкин. Ёввойи ҳайвонлар ва қушларни ноқонуний овлашга нисбатан зарарни натурада қоплаш ушланган ҳайвонлар ва қушларни табиий истиқомат жойларга қўйвориш, балиқларни эса сув хўжалигига қарашли ёки бошқа сув ҳавзаларига қўйворишда ифодаланади.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси материаллари ва статистик маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, энг кўп ҳуқуқбузарликлар айнан ердан фойдаланиш соҳасида содир этилади. Зарарни қоплашда фуқаролик қонунчилигини умумий нормалари ва қишлоқ хўжалиги корхонасининг кўрган умумий зарарлари миқдоридан келиб чиқади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунда атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш йўли билан етказилган зарар тўлиқ ва мажбурий равишда қопланиши назарда тутилган. Ушбу қонунга биноан зарарнинг қопланиши ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган таксалар ҳамда зарарниии ҳисоблаб чиқиш усулларига мос равишда, агар улар мавжуд бўлмаса, кўрилган зарарларни ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун амалда қилинган харажатларга мос равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 26 декабрда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

қонунг табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ♦ флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;
- ♦ табиий ўсимлик ва жамоаларнинг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш;
- ♦ ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш;
- ♦ юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

Ўсимлик дунёси давлат мулки-умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир.

Ўсимлик дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

- ♦ ёввойи организмлар-дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;
- ♦ ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;
- ♦ камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;
- ♦ ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаётий фаолиятининг маҳсуллари.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

- ♦ ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормативларини белгилаш;
- ♦ Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар турларини муҳофаза қилишнинг алоҳида режимини белгилаш;
- ♦ Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;

- Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;
- Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар барпо қилиш;
- Ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш;
- Давлат экологик экспертизаси ўтказиш;
- Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш ва бошқалар.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

## *ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР*


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.,« Ўзбекистон», 2002.
2. Каримов И.А. –Ўзбекистон буюк келажаг сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И.А. – Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. – Хавсизлик ва ьарқарор тараққиёт йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998.
5. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси оила кодекси. Т., «Адолат», 2000.
7. Ўзбекистон Республикасининг оила кодексига шарҳлар. Т., «Адолат», 2000.
8. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция, Тошкент-1998.
9. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО 1995 йил 16 ноябрь, Париж.
10. О.А.Каримова, З.Гаффаров. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1995.
11. О.А.Каримова, О. Оманова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари. Т.: «Ўқитувчи», 2003.
12. О.А.Каримова, Х.Н.Тўйчиева. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1996.
13. О.А.Каримова. «Ҳуқуқшунослик», Т.: «Шарқ»,2003.
14. О.А.Каримова. қонун, оила, фарзанд ва жамият. Т-2000.
15. И.Овчинников. Родительское счастье. М., Из-во политической лит., 1987.

16. қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Т., «Ўзбекистон», 1997.
17. Ю.П.Азаров. Семейная педагогика. М., Изд-во политической лит.,1985.
18. Гендер и развитие в Узбекистане. Т., 1998.
19. Положение детей в мире. ЮНИСЕФ, 2000.
20. Молодежь в меняюшем обшестве. ЮНИСЕФ, 2000.
21. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1999, 21 – том.
22. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т., «Адолат», 2002, 26- том.

Ипотека тўгрисида» қонунчилик палатаси томонидан 2006йил 28июнда қабул қилинган.

Ушбу қонуннинг мақсади кўчмас мулк гарови (бундан буен матнда ипотека деб юритилади) қўлланилганда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ипотека ипотека тўгрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги ипотека) еки қонун асосида (қонун асосидаги ипотека) вужудга келади.

Ипотека тўгрисидаги шартнома бўйича бир тараф-ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор бўлган гаровга олувчи (бундан буен матнда ипотекага олуви деб юритилади) шу мажбурият бўйича ўзининг қарздорга нисбатан пул талаблари бошқа тарафнинг-гаровга қўювчининг (бундан буен матнда ипотекага қўювчи деб юритилади) гаровга қўйилган кўчмас мулкни қийматидан ипотекагақўйувчининг боқа кредиторларига қараганда имтиезли қаноатлантирилиш ҳуқуқига эга бўлади)

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи еки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашевий кафил) ипотекага қўйувчи бўлиши мумкин.

Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўгрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекақўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

Ипотека, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси еки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбуриятни, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин.

Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер учаскалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Ипотека тўгрисидаги қоидалар:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаетган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига;

якка тартибдаги уй-жой қуриш еки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

агар шартномада еки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўгрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

агар шартномада еки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ипотека тўгрисидаги шартномада номи, турган жойи ва идентификация қилиш учун етарлича тавсифи кўрсатилган ҳолда ипотека нарсаси, унинг баҳоси,моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланадиган мажбуриятни бажариш муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида турганлиги, шунингдек тарафлар келишувига эришган бошқа маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Ипотека тўгрисидаги шартномада ипотека нарсаси бўлган мол-мулк ипотекага қўйувчига қайси ҳуқуққа кўра тегишли эканлиги ва ипотекага қўйувчининг бу ҳуқуқини рўйхатдан ўтказган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг ( бундан буен матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) номи кўрсатилган бўлиши керак.

Агар гаровга қўйувчи тегишли ижара ҳуқуқи гаров нарсаси бўлса, ижарага олинган мол-мулк айнан унинг ўзи ипотека нарсаси бўлгандагина каби гаров шартномасида белгиланиши ва ижара муддати кўрсатилиши керак.

Ипотека нарсасини баҳолаш ипотекага қўйувчи билан ипотекага олувчи ўртасидаги келишувга кўра еки баҳолаш фаолияти тўгрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншоатлар) гарови давлат реестрига тегишли езув киритиш орқали амалга оширилади.

Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўгрисидаги шартнома асос бўлади.

Ипотека олувчининг ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ва ипотека тўгрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари, агар ушбу қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаров хати билан тасдиқланиши мумкин.

Гаров хатини рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан дастлабки ипотекага олувчига берилаетган пайтда унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Ҳужжат номига киритилган «гаров хати» деган сўз;

Ипотекага қўюувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи еки, агар ипотекага қўювчи юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

Мажбуриятнинг бажарилиши ипотека билан таъминланадиган шартномаларнинг мазкур шартнома тузилган сана ва жой еки ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг вужудга келиши асослари кўрсатилган реквизитлари;

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг, агар у ипотекага қўювчи бўлмаса, фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи еки, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг номи ва жойлашган ери ( почта манзили);

Ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси ва, агар шу мажбурият бўйича фоизлар тўланиши керак бўлса, уларнинг миқдори еxуд бу сумма ва фоизларни лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартлар;

Ипотека билан таъминланган мажбурият суммаси тўланадиган муддат, агар бу сумма қисмларга бўлиб тўланиши лозим бўлса, тегишли тўловларнинг муддатлари (даврийлиги) ҳамда улардан ҳар бирининг миқдори еки тўловларнинг ана шу муддатлари ва миқдорларини аниқлаш имкониятини берадиган шартлар (қарзни узиш режаси);

Ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг номи ва уни идентификация қилиш учун етарли тавсифи ҳамда шундай мулк турган жой;

Ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси, ипотекани белгилаш қонунга асосан мажбурий бўлган ҳолларда эса, шундай мол-мулкнинг баҳоловчи хулосаси билан тасдиқланган, пулда ифодаланган баҳоси;

Ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулк ипотекага қўювчига тегишлилигига сабаб бўлган ҳуқуқ ва давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва жойи кўрсатилган холда рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, агар ипотекага қўювчига тегишли ижара ҳуқуқи ипотека нарсаси бўлса, Ушбу қисмнинг тўққизинчи хатбошисига мувофиқ ижара нарсаси бўлган шундай мол-мулкнинг номи ва шу ҳуқуқнинг амал қилиш муддати;

Ипотека нарсаси бўлган кўчмас мулкка гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи, сервитут еки бошқа ҳуқуқ юкланганлиги еxуд ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаетган пайтда мазкур мулкка учинчи шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳеч қандай ҳуқуқ юкланмаганлиги тўгрисидаги маълумотлар;

Ипотека қўювчининг имзоси, агар у учинчи шахс (ашевий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ҳам имзоси;

Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўгрисидаги маълумотлар;

Дастлабки ипотека олувчига гаров хати берилган сана. қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилган тақдирда, ушбу қисмнинг ўн биринчи хатбошисида

кўрсатилган маълумотларни гаров хатига киритиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таъминланади.

## МУАЛЛИФЛИК ҲУқУқИ.

Ушбу қонунга мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган еки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий туриш жойига эга бўлган муаллифларнинг еки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;

Муаллифларининг фуқаролиги ва доимий туриш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиет ва саънат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи қуйидаги бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:

Езма( қўлезма, машинкаланган езув, нотали езув ва ҳаказо);

Огзаки (омма олдида сўўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳаказо);

Овозли еки видео езув ( механик, магнитли, Раққамли, оптик ва ҳаказо);